

**ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ
ЦЕНТР ИЗУЧЕНИЯ ПРАВОВЫХ ПРОБЛЕМ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР**

(амалий қўлланма)

**ВОПРОСЫ И ОТВЕТЫ
ПО РЕГИСТРАЦИИ И ОРГАНИЗАЦИИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ
НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

(практическое пособие)

Тошкент – 2009
«Санъат» журнали нашриёти

ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОДАВЛАТ
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИГА ДОИР
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР**

(амалий қўлланма)

**Тошкент – 2009
«Санъат» журнали нашриёти**

УДК 061.2(575.1)

Муаллифлар:

Г.И.Усманов, Ш.М.Асьянов

Тақризчи: **Г.В.Корсун**

Ўзбекистон республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятига доир саволлар ва жавоблар (амалий қўлланма) / Ҳуқуқий
Муаммоларни Ўрганиш Маркази, 2009. 248 б. – Тит. ва матн парал. ўзб. ва рус тилларида.

Нашириёт муҳаррири: **Нодир Норматов**

Нашр амалий қўлланма бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, маблағ билан таъминлаш ва солиқ солиш тартиблари ҳамда фаолиятнинг бошқача кўринишлари ҳақида баён этилади. Қўлланма кенг китобхонлар оммасига, шунингдек, ташаббускор нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳомийларига мўлжалланган.

УДК 061.2(575.1)

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Кўчириб босишда манба кўрсатилиши шарт. Бепул тарқатилади.

ISBN 978-9943-322-79-0

© Ҳуқуқий Муаммоларни
Ўрганиш Маркази (Тошкент ш.)

МУНДАРИЖА

КИРИШ	19
-----------------	----

I боб. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳақида тушунча

1. Нодавлат нотижорат ташкилоти ҳақида тушунча. Яна шунга ўхшаш қандай тушунчалар мавжуд?	21
2. Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан нотижорат ташкилотларининг яна қандай кўринишлари бор?	21
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўзлаган мақсадлари нимадан иборат?	22
4. ННТ ҳуқуқий шахс мақомига эгами? Агар шундай бўлса, уларнинг статуси (ҳуқуқий ҳолати) қандай бўлади?	23
5. Ўзбекистонда тузилган ва рўйхатдан ўтган ННТга нисбатан халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланиладими?	23
6. ННТ давлат органларига бўйсунадими?	24

II боб. ННТ тузиш ҳақидаги саволлар. Жамоат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ННТ тузиш ҳақида нима дейилган? Ёки уларнинг фаолияти давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолатлар ҳам кўзда тутилганми?	25
2. Қандай ННТни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас?	25
3. Тижорат ва нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш шартлари бир хилми?	26
4. ННТ қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин?	26
5. Биз Ўзбекистон Республикасида болалар спортини янада самаралироқ ривожлантириш учун бирор-бир жамоат ташкилоти тузишни истаймиз. Шунда қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашимиз керак?	27
6. ННТ учун қандай шакл маъқулроқ, мавжуд бўлган қайд қилинган аъзоликми ёки уларсизи?	27
7. Қандай ННТ хайрия ташкилотлари ҳисобланади? Улар қандай тузилади?	27
8. ННТ учун қандай тўғри ном танлаш мумкин, ННТни номлаш учун қандайдир махсус талаблар мавжудми?	28
9. ННТни фирмага оид номлаб рўйхатдан ўтказиш мумкинми?	28
10. ННТ ўз рамзий белгилари ва тимсолига эга бўлиши мумкинми ва уларни бирор ерда рўйхатдан ўтказиш шартми?	28

11. ННТ рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш жараёни нималардан иборат?	28
12. Кимлар нодавлат нотижорат ташкилотларини таъсис этувчилар ҳисобланади?	29
13. Ёш йигитлар (16-17 ёш) ўзларининг нодавлат нотижорат ёшлар ташкилотини тузишлари мумкинми?	30
14. Расмий ҳужжатларда у ёки бу ННТ фаолиятида аъзолик ёки катнашишни кўрсатиш шартми?	30
15. ННТни тузиш учун мулкдорнинг аниқ бир қарорга келган шакллари мавжудми?	30
16. Нодавлат нотижорат ташкилоти қанча муҳлатга тузилади? . . .	31
17. ННТ бошқариш органларини қандай қилиб тўғри шакллантириш мумкин? Раҳбарлик вазифаси сайлаш ёки тайинлаш орқали амалга оширилганда қайси бири яхши бўлади?	31
18. ННТ таъсисчилари мажлисини қандай қилиб тўғри олиб бориш мумкин?	31
19. Жамоат бирлашмаси таъсис мажлиси қарорига қайси масалаларни киритиши зарурроқ?	32
20. ННТни рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак? . . .	32
21. Жамоат жамғармасини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?	33
22. ННТ ассоциациясини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?	33
23. Ўзбекистондаги халқаро ва чет эл ННТни рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?	34
24. Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?	35
25. ННТнинг намунали Низоми мавжудми ва сиз давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида уни тузиб беришга ёрдам бера оласизми?	36
26. ННТ Низомида қандай асосий масалалар ёритиб берилиши керак?	36
27. Жамоат бирлашмаси Низомида қандай ахборот кўрсатилган бўлиши керак?	37
28. Жамоат жамғармаси Низомида қандай ахборот кўрсатилмоғи лозим?	37
29. ННТ Низомида талаб қилинган ахборот қанчалик батафсил кўрсатилмоғи керак? Масалан, ННТ фаолиятининг мақсади нимадан иборат?	38
30. ННТ тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкинми? ННТ ташкилот эгаси сифатидаги фаолияти билан шуғулланишига ҳақ-ҳуқуқи борлиги Низомда қанчалик батафсил кўрсатилмоғи керак?	38

31. ННТ пул маблаглари ва бошқа мол-мулкларини шакллантириш борасидаги манбалар деганда нималар тушунилади? Биз ННТни рўйхатдан ўтказиш пайтида қандайдир аниқ бир суммани кўрсатишимиз керакми ёки ННТ Низомида белгиланган сармоясини яратишимиз керакми? 38
32. ННТ ассоциациясининг таъсис шартномасида нималар кўрсатилмоғи керак? 39
33. Мабодо, ташкилот Низомида унинг фаолияти региони «Тошкент вилояти» деб кўрсатилган бўлса, демак, ташкилот ўз тадбирларини Фарғона вилоятида ўтказа олмайди, деган мазмун келиб чиқадими? 39
34. ННТ ўз филиаллари ва ваколатхоналарини Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ёки, масалан, Қозоғистонда, агар у ноҳалқаро ва Республикага тегишли бўлмаса ҳам, тузишлари мумкинми? Улар ҳам мустақил ҳуқуқий шахс мақомига эга бўладими? 40
35. Филиал раҳбари қандай тайинланади? 40
36. Жамоат бирлашмалари филиалларининг масканларини кўрсатиш лозимми? 40
37. ННТни рўйхатдан ўтказиш учун қанча маблаг тўлаш керак? 41
38. Таъсис мажлиси ўтказилиб, унинг Низоми қабул қилинган, қанча муҳлат ичида адлия органларига жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар топшириш зарур? 41
39. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниш муддати қанчадан иборат? 41
40. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш қандай ҳолатларда рад қилинади? 42
41. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ННТ таъсис ҳужжатлари бўйича бериладиган фикр-мулоҳазалар қай тартибда берилади? 43
42. ННТни рўйхатдан ўтказиш рад қилинганда, ННТни рўйхатдан ўтказиш муддатларига риоя қилинмаган ҳолларда шикоят қилиш мумкинми? Ва қаерга мурожаат қилиш керак? . . . 43
43. Рўйхатдан ўтказаётган пайтда ННТнинг турли хил шакллари учун имтиёзлар қўзда тутилганми? 44
44. ННТни маълум бир ҳуқуқий манзилга, агар у ерда ушбу пайтда бошқа ташкилот рўйхатдан ўтган бўлса-да, биз ҳам рўйхатдан ўтказишимиз мумкинми? 44
45. Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказаётган пайтда қайси манзилларни кўрсатиш мумкин? 44

46. Суд қарорига асосан ННТ фаолияти тўхтатилди. Биз барча камчиликларни тузатиб, ташкилотимизни яна рўйхатдан ўтказмоқчимиз. Биз буни амалга оширишимиз мумкинми? . . . 44
47. Биз давлат органи ҳуқуқ хизмати ходимларимиз. Биз ўзимизнинг жамоат бирлашмамизни тузишимиз мумкинми? . . . 45
48. Биз ННТ тузиб, давлат рўйхатидан ўтиш босқичида турибмиз. Турли хил лойиҳаларни бажариш учун ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан хайрия ёки ҳомийлик ёрдами олишга ҳаққимиз борми? . . . 45
49. Биз ННТни жамоат бирлашмаси кўринишида рўйхатдан ўтказмоқчи эдик. Аммо биз шуғулланмоқчи бўлган фаолият доираси давлат органлари томонидан қамраб олингани туфайли бизнинг иш юритишимизга ҳожат йўқ, деган маънода рад қилинди. Адлия органлари бизга нисбатан тўғри йўл тутишдими? . . . 45
50. ННТ тузилгандан сўнг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади? . . . 45

III боб. ННТ хўжалик ва иқтисодий фаолиятига доир саволлар

1. Кўпгина ННТнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонунга қарши эмасми ҳамда тадбиркорлик фаолияти деганда нимани тушунамиз? . . . 47
2. ННТ тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадни нималарга сарфлаш мумкин, сарф қилинадиган суммага нисбатан қандайдир чеклашлар мавжудми? . . . 47
3. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ННТ тўлов қобилиятини тасдиқлайдиган бирор-бир маблағ ёки Низом жамғармасига эга бўлиши керакми? . . . 48
4. ННТ солиқ тўлаши лозимми ва улар учун бирор хил имтиёзлар мавжудми? . . . 48
5. ННТ солиқлардан ташқари яна қандай бошқа хил мажбурий тўловларни тўлаши керак ва бу тўловлар учун уларда қандай имтиёзлар бор? . . . 49
6. ННТ қандай қилиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин? . . . 50
7. ННТ синиши (банкротга учраши) мумкинми? . . . 50
8. ННТга тегишли бўлган шўъба тижорат тузилишини рўйхатдан ўтказишда қандайдир махсус қонун-қоидалар борми? . . . 51
9. ННТ тижоратчи ҳуқуқий шахс сифатида ташкил қилинишида бошқа тижорат ташкилотлари билан биргаликда қатнашиши мумкинми? . . . 51

10. Бизнинг ННТмиз аҳолига хизмат кўрсатадиган шўъба корхонасига эга. ННТ Низомида кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун шўъба корхона 90 % даромадини бизга ўтказди. У даромад солиғини тўлаши керакми? 51
11. Бизнинг ННТнинг шахсан ўзига тегишли кичик тижорат муассасаси бўлиб, у компьютерни ўрганиш дарслари ва шунга ўхшаш турли хил хизматларни амалга оширади. Солиқ тўлашда бирор хил имтиёзлар кўзда тутилганми? 52
12. Агар ННТ қўшма шўъба корхона тузмасдан туриб, Низомида кўрсатилган фаолиятини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳласа, бирор жойдан рўйхатдан ўтиши ва қаердандир бунга рухсат олиши мумкинми? 52
13. ННТ хайрия лотереясини ташкил қилса бўладими? 52
14. Бизнинг ННТ микрокредит фаолияти билан, агар бу фаолият Низомда кўрсатилган бўлса, шуғулланиши мумкинми? 52
15. Бизнинг ННТ иқтисодий ҳолатини ташкил қилишга қарор қилди. Ушбу фаолият бўйича биз қандай солиқлар тўлаймиз? 53
16. ННТ ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиши мумкинми? 53
17. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ННТ учун қандайдир махсус имтиёзлар борми? 53
18. ННТ жисмоний шахсларга ҳуқуқий (юридик) хизмат кўрсатади. Счёт-фактура ёзиб бериш керакми? 53
19. ННТ кўп қаватли уйдан офис учун хона ижарага олиши мумкинми? 53
20. Ижара пулини тўлашда ННТ учун қандайдир имтиёзлар мавжудми? 53
21. Агар натижорат ташкилоти ўз мақсадлари учун бинодан бепул фойдаланса, қандай солиқлар тўланади? 54
22. Бир йилдан ортиқ муддатга бино ижарага олинганда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинади. Қайси давлат органида шартномани рўйхатдан ўтказиш керак? 54
23. Бизнинг ННТ ижарага берувчининг ризолигисиз ремонт қилиб, ижарага олинган хоналарда пардеворлар ўрнатиб чиқди. Ижара ҳақидаги шартнома бекор қилинганда қандай солиқлар тўланади? 54
24. Бизнинг ННТ ходимимиз бўлмаган жисмоний шахс билан бинони ижарага олиб, шартнома тузган. Биз шунда тўлаш манбаига қирамизми ва даромад солиғи ушлашимиз керакми? 55
25. Бизнинг ННТмиз бинонинг эгаси билан 2 йилга ижара шартномаси тузди. Аммо уйнинг эгаси бинони сотиб юборди. Биз тузган ижара ҳақидаги шартнома ўз кучини сақлаб қоладими? 55

26. Уй эгаси уйининг бир қисмини (2 та хонасини) одам турмайдиган хонага айлантириши мумкинми? 55
27. Одам турмайдиган уйни бошқа ташкилотга ижарага ўтказиш ҳақидаги саволни тушунтириб беринг. Ижара объектини ННТ балансига бериш мумкинми? 55
28. Инвентарь таркибига нималар киради? 56
29. Бизнинг ННТда ишга яроқсиз бўлса ҳам, лекин балансида хисобда турадиган қўпгина оргтехника бор. Ҳар йили уларни қайтадан баҳолаб чиқишимиз мумкинми? 57
30. Агар нотижорат ташкилотига тезкорлик билан бошқариш ҳуқуқи асосида техника (компьютер, факс, принтер) берилган бўлса, биз ана шу компьютерда (тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш) Низомда кўрсатилган фаолиятимизни қўллаб-қувватлаш учун пулли хизматларни бажаришга ҳаққимиз борми ва даромад солиғи тўлашимиз керакми? 57
31. Ўзининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида бизнинг ННТ чет элдан компьютер техникасини сотиб олишга қарор қилди. Илтимос, кўрсатилган техникани олиб кираётганда қандай божхона ҳақи ёки бошқа тўловларни тўлаш кераклигини тушунтириб беринг. 57
32. ННТда бир неча йил аввал қўнгилли бўлиб ишлаётган бир одам бизга компьютер келтириб берди, кейинчалик у бошқа мамлакатга кетиб, ўзи ҳақида ҳеч нарса билдирмади. Бу компьютерни биз қандай қилиб қонунлаштириб олишимиз мумкин? 58
33. Бизнинг ННТнинг балансида ҳеч ким фойдаланмаётган эски компьютер бор. Эскиргани ҳақида ҳали тўлиқ устама ҳақи қўйилмаган бўлса ҳам, уни хисобдан чиқариб ташлаш мумкинми? 58
34. Канцтоварларни хисобдан чиқариш тартиби қандай? 59
35. ННТ мулки инвентаризация қилинганида камомад аниқланди. Айбдор ходимдан камомадни ундириб олиш тартиби қандай бўлади? 59
36. Даромад суммаси ёки камомад туфайли етказилган зарар учун солиқ тўлаш тартиби қандай? 59
37. ННТнинг балансига асосий маблағлар ойнинг 25 санасигача тушса, қайси вақтдан бошлаб амортизация учун устама ҳақ тўланади? 60
38. Суткалик пулга, агар нормадан юқори белгиланган тартибда бўлса, ягона ижтимоий тўловлар қўшиб тўланадими? 60
39. Хизмат сафари учун йўлқира ҳақи харажатларига ҳақ тўлаш тартиби қандай белгиланган? 60
40. Хизмат сафарида ўтказилган кунлар хисобини қандай қилиб тўғри аниқлаш мумкин? 60

41. Бизнинг ходимимизга хизмат сафари харажатлари сифатида таксида юриш ёки телефонда гаплашиш ҳолатларини ҳам кўзда тута оламизми? 60
42. ННТнинг ходимларига хизмат сафарида бўлган пайтларида тўланган харажатлар суммаси, овқатланиш ва транспорт харажатлари учун, агар у белгиланган нормадан юқори бўлган тақдирда ҳам, солиқ солинадими? 61
43. ННТ семинарда қатнашиш учун таклиф қилинган тренерлар, лекторларга яшаб туриши ва йўлқира ҳақини қандай қилиб тўлаши мумкин? 61
44. ННТнинг ходими хизмат сафарида ўзининг шахсий «Нексия» маркали машинасида борди. Унга ҳақ тўлаш тартиби қандай бўлади? 61
45. Агар халқаро ташкилот ваколатхонаси резидент бўлмаса, улар ўз эҳтиёжлари учун ўзларининг пул ҳисоб рақамларидан қандай маблағларни ишлатишлари мумкин? . . . 62
46. Бизнинг ННТмиз банкдан ойлик маош тўлаш учун нақд пул олди. Шу маблағнинг бир қисмини хизмат сафари учун йўналтириш мумкинми? 62
47. Бизнинг ННТмиз маҳалла жамғармасига шанбалик иш ҳақини ўтказди. Мана шу иш ҳақидан ягона ижтимоий тўловлар ва суғурта бадалларини (взнос) тўлаб қўйиш мумкинми? 62
48. Бизнинг ННТ бошқа банк хизматидан фойдаланишга ўтмоқчи. Бу учун нималар зарур бўлади? 62
49. Бизнинг ННТга чет эл ваколатхонаси текинга автомашина беришни таклиф қиляпти, лекин унинг кириш божига тўланмаган. Биз божхона божларини тўлашимиз керакми? 63

IV боб. ННТда меҳнат муносабатларига тегишли саволлар

1. ННТ аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш масаласи қандай ҳал қилинади? 64
2. Бизнинг ННТга одамлар келиб, ташкилотимизга кириш учун ариза намунасини сўрашади. Қандайдир намунали ариза шакллари мавжудми? 64
3. ННТда ишга жойлаштириш тижорат ёки давлат ташкилотларига ишга жойлаштиришдан фарқ қиладими? 65
4. Кўнгилли бўлиб ишлайдиганлар кимлар? 65
5. Бизнинг ННТмиз хайрия лойиҳасини амалга ошириш учун кўнгиллиларни жалб қилмоқчи. Улар билан меҳнат шартномаси тузишимиз керакми ёки қандайдир бошқа шартномами? Уларни қандай қилиб тўғри расмийлаштиришимиз керак? 65

6. Биз ходим билан фукаролик-хукукий шартномасини туз-
дик. Солиқларни ким ушлаб қолиши керак? 65
7. Кўнгилли бўлиб ишлаш меҳнат стажига ўтадимми? 66
8. Кўнгилли бўлиб ишлайдиганлар солиқ органларига декла-
рация топшириши керакми? 66
9. ННТда балоғат ёшига етмаган кўнгиллиллар ишлаши мум-
кинми? Бунинг учун уларнинг ота-оналарининг розилиги
керакми? 66
10. Бизнинг ННТда ходимларга хизмат ҳақи тўлаш учун маблағ
йўқ, ННТда фақат кўнгиллиллар ишлаши мумкинми? 67
11. ННТмиз ишга нафақахўр кишини қабул қилди. Ишга
киргани ҳақида тегишли жойга ким хабар қилиши зарур:
нафақахўрми ёки ташкилотми? 67
12. Бизлар (ННТ) болалар билан шуғулланишимиз туфай-
ли қўшимча вазифада ишлаш учун мусиқа ходимлари ва
ўқитувчиларни ишга олмақчимиз. Буни қандай расмийла-
штириш керак ва бундай қилиш мумкинми? 67
13. ННТга март ойида янги ходим ишга олинди. Аввалги иш
жойидаги даромадлари тўғрисидаги маълумотномани у март
ойи учун тўланган маошидан сўнг топширди. Апрель ойи
учун ундан даромад солиғини қандай ушлаб қолиш керак? . . . 68
14. ННТ томонидан бирор-бир қонун бузилган тақдирда унинг
аъзолари жавобгар бўла оладиларми? 68
15. ННТнинг бўйнидаги масъулият билан шу ташкилот
раҳбарининг бўйнидаги масъулият орасида қандайдир
фарқ борми? 68
16. Мабодо, ННТ раҳбари ННТнинг пулларини ўз шахсий
мақсади учун ишлатган бўлса, бундай ҳаракатлари учун
жавобгарликка тортилиши мумкинми? 69
17. Нотижорат ташкилотлари ходимларини меҳнат интизومي-
ни бузгани учун жавобгарликка тортиш мумкинми? 69
18. Қандай ҳужжатлар асосида ходимларнинг иш ҳақидан олиб
қолиш мумкин? 69
19. Бизнинг ходимимиз алимент тўлайди, айни пайтда ННТ ол-
дида унинг мол-мулкини йўқотгани учун қарздор. Бундай
ҳолатда ундан қандай тартибда маошидан пул ушлаб қоли-
нади? 69
20. ННТда ҳисобчи вазифаси зарурий ҳисобланадими? ННТ
ҳисобчисиз ишлаши мумкинми? 70
21. ННТда раҳбардан ташқари яна ким ҳукукий шахс номидан
ишончномасиз иш юритиш ҳуқуқига эга? Раҳбар ўринбоса-
ри шундай ҳуқуққа эгами? 70
22. Бизнинг ННТда расмий равишда ишламаётган кўнгилли-
нинг номига ишончнома ёзиб бериш мумкинми? 70

23. ННТда бошқа ишга ўтказилганда ёки иш жойини ўзгартирганда меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар масаласи қандай ҳал қилинади? 70
24. Бизнинг ННТмиз нафақа ёшидаги ходимни ишга олди. Нафақахўр пенсиясини тўлиқ оладими ва уни қаердан олади? 71
25. Бизнинг ташкилотимизда нафақахўр ишлайди ва пенсиясининг 50 фоизини олади, шу сабабли бундан пенсия жамғармаси учун 1 % ҳақ ушлаб қолишади, у бундан норози. Биз ушбу ҳолатда нима қилишимиз керак? 71
26. ННТда меҳнатга тегишли баҳслар қандай ҳал қилинади? 71
27. Агар грант суммасида кўзда тутилган бўлса, маошдан солиқлар ушлаб қолинадими? Ахир грантнинг ўзидан солиқ олинмайди-ку. 72
28. 2007 йилдан бошлаб касаллик варақаларига ташкилот маблағлари ҳисобидан тўланади. Агар ННТнинг маблағи бўлмаса, касаллик варақасига қандай тўланади? 73
29. Бизнинг ходимимиз ипотека кредити бўйича кредит тўлайди. Солиқ тўловчи қайси солиқлар бўйича имтиёзга эга ва бу учун у қандай ҳужжатларни кўрсатиши керак? 73
30. 3 йил давомида ННТ ходими меҳнат таътилида бўлмаган. Ишдан бўшаш вақтида фойдаланилмаган меҳнат таътили учун – охириги йил учунми ёки 3 йил учунми – қандай ҳақ тўланади? Бу тўловга 24 фоизли ЯИТ ҳам қирадими? 73
31. ННТда чет эллик ишлайди. Унинг мамлакати билан Ўзбекистон Республикаси орасида иккиёқлама солиқ тўламаслиқ учун шартнома имзоланган бўлса, ундан солиқ ундириш тартиблари қандай бўлади? 73
32. Биз грант бўйича халқаро нотижорат ташкилоти билан ишлаймиз. Улар бизнинг вакилимизни чет элдаги офисларига ишга таклиф қилишди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг чет элда ишлаш учун бирор рухсати керакми? . . 74
33. ННТмиз халқаро ташкилот лойиҳаси бўйича ишлайди. Шу сабабли экспертлар 8 соатдан иборат тўлиқ иш куни билан бир неча ой давомида лойиҳа ишида бандлар. Уларга лойиҳа учун тўлиқ иш куни ҳамда ННТ иши учун 2 та табель тўлдириш тўғри бўладими? 75
34. ННТ раҳбарияти ўз ходимларига мукофот бермоқчи, лекин улар бизда лойиҳа доираси бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида ишлашади. Мукофот пули беришнинг механизмлари қандай тартибдан иборат? 76
35. Яқинда ягона ижтимоий тўловларни тўлашнинг янгича тартиби амалга оширилиб, ягона ижтимоий тўловнинг базали ҳажми ҳам киритилди. Бу ҳолат ННТга ҳам тааллуқлими? . . . 76

V боб. ННТни маблағ билан таъминлайдиган хайр-эхсон, грантлар ва бошқа манбалар билан ишлашга тегишли саволлар

1. Грант ёки хайр-эхсон деганда нимани тушунамиз? 77
2. ННТмиз халқаро жамғармага грант олиш учун ариза берган. Бизнинг аризамиз маъқул топилиб, жамғарма маблағ ажратишга рози бўлди. Аммо бу жамғарма авваллари ҳеч қачон Ўзбекистон Республикасида ишламаган ва қафолат-хонаси ҳам йўқ. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигида ҳам қайд қилинмаган. Ушбу грант бўйича ишлашга бизнинг ҳаққимиз борми? 78
3. Халқаро ташкилотдан олинадиган техник ёрдамни грант сифатида тан олмақ учун давлат комиссиясининг ҳулосасини олиш керакми? Бу ҳулосани олиш жараёни нималардан иборат? 78
4. Халқаро ташкилотлардан олинадиган грантлар ва техник ёрдамлар учун солиқ олинимида қандайдир имтиёзлар назарда тутилганми? 79
5. ННТмиз халқаро ташкилотдан грант олди ва шу грантни олиш учун банкда ҳисоб рақамини очмоқчи. Бунга қайси банкда бажариш мумкин ва бу учун нималар керак? 80
6. ННТга ажратилган грант шартларига асосан лойиҳа тугашига яқин биз аудит ўтказишимиз керак. ННТда аудит қайси тартибда ўтказилади? 81
7. Гуманитар ёрдамлар ва грантлардан мақсадли равишда фойдаланишни назорат қилишини қайси давлат органи амалга оширади? 81
8. ННТмиз халқаро ташкилотдан грант олди. Бу ҳақда қерга ва қандай ҳисоботлар топшириш керак? 81
9. Техника воситалари ҳамда гуманитар ёрдамлар бўйича ҳисобот топшириш муддати қанчадан иборат? 82
10. Халқаро ташкилотдан грант олган ННТ банк операциялари бўйича ҳам грантлар билан бирга ҳисобот топшириши тўғрими? 82
11. Ўзбекистон Республикасида ННТнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган давлат жамғармаси мавжудми? 83
12. Ушбу жамғармада ННТ учун грант конкурсларини ўтказиш механизми қандай амалга оширилади? 84
13. Ушбу жамғармада ННТ учун ижтимоий буюртмаларни бўлиб бериш механизми қандай? 85
14. Давлат ижтимоий буюртмасига солиқ солиш мумкинми? . . . 86
15. ННТни давлат жамғармаси томонидан қўллаб-қувватловчи ижтимоий буюртмалар ва олинган грантлар бўйича топшириладиган ҳисоботлар тартиби қай тарзда бўлади? 87

16. Маҳаллий Ўзбекистон жамғармаларидан ёки хайрия ташкилотларидан маблағлар олиш учун яна махсус грант ҳисоб ракамларини очиш керакми? 87
17. ННТнинг маҳаллий ташкилотдан олинган хайр-эҳсон ва ҳомийлик бадаллари учун ҳам солиқ тўланадими? 87
18. Ҳомийлик бадаллари ва хайр-эҳсон маблағларини қандай жалб қилиш керак? Хайр-эҳсон қилувчилар учун қандайдир солиққа тегишли ёки бошқа рағбатлантирувчи воситалар мавжудми? 87
19. Ҳомийлик ёрдами ва хайр-эҳсон маблағларини қанчалик тўғри ва яхшироқ расмийлаштириш мумкин? 88
20. Биз аъзолик ташкилоти эмасмиз ва бизнинг ННТнинг Низомида ташкилотимизга аъзолик бадалларини киритиш тартиби назарда тутилмаган. ННТнинг ходимлари ташкилотимиз жамғармасига бир марталик бадалларини киритишлари мумкинми? 88
21. Грант олаётганда молиявий ҳисоботнинг каерида грант бўйича олинадиган ва сарфланадиган маблағларни кўрсатиб бериш керак? Бухгалтерия ҳисобида маблағ ўтказишни қай тарзда акс эттириш лозим? 89
22. Агар грант бўйича пул маблағлари шартнома имзолангач, 3 ойдан кейин ўтказилган бўлса, унда қайси пайтдан бошлаб биз маошдан солиқ ушлашимиз мумкин? 89
23. Битта халқаро лойиҳа ёпилганидан кейин ННТмиз оргтехника ва компьютерлар олди. Биз бунини ҳисоботда қандай кўрсатишимиз керак, худди грантдекми ёки хайр-эҳсон шаклидами? 89
24. ННТмиз ВИЧ тарқалишига қарши ҳаракат қилиш учун грант олди. Ушбу лойиҳа доирасида бизнинг ННТмиз вилоятлардаги шерикларимизга пул маблағлари ва дори-дармонларни ўтказишда қандай ҳужжатлар тузиши керак? 89

VI боб. Давлат идораларига ННТ томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар ва ННТ фаолиятини текшириш бўйича саволлар

1. Солиқ идорасига қандай ҳисобот топшириш керак? 91
2. Солиқ идораларига ҳисоботни тақдим қилиш муддати қанча? 92
3. Солиқ идораларига ҳисобот топшириш жараёни қандай бўлади? 92
4. Солиқ идорасида бизга йиллик ҳисоботга албатта тушунтириш хатини илова қилиш зарур, деб айтишди. Бу қандай хат ва унинг мазмуни нимадан иборат? 93

5. Молиявий ҳисобот шаклини топшираётган пайтда биздан бош ҳисобчининг имзосини талаб қилишади. Лекин бизда ҳисобчи вазифаси кўзда тутилмаган, ННТнинг директори ҳисоб-китоб ишларини ўзи олиб боради ва ҳисоботларни ҳам ўзи тайёрлайди. Бундай ҳолатда нима қилиш керак?	93
6. Статистика идораларига қандай ҳисоботларни топшириш керак?	94
7. Статистика идораларига ҳисобот тақдим қилиш муддати қанча?	94
8. Рўйхатдан ўтказувчи идораларга қандай ҳисоботлар топшириш керак?	95
9. Рўйхатдан ўтказувчи идораларга ҳисобот тақдим қилиш муддати қанча?	95
10. ННТмиз ўз вақтида ҳисобот топширмади. Бу учун қандай жарималар назарда тутилган?	96
11. Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораси ННТдан тузилган шартномалари ва уларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни талаб қилди. Бу қанчалик ҳақиқатга тўғри келади? ННТ қайси ҳужжатларни тақдим қилиши ва қайсыларини тақдим қилмаслиги керак?	97
12. Назорат қилувчи идора вакили ННТни текшириш олдидан қандай ҳужжатларни кўрсатиши керак?	98
13. Рўйхатдан ўтмаган рамзий белгиларни рўйхатдан ўтказувчи идоранинг розилигисиз ўтказилган тадбирлар учун ННТга қандай жазо қўлланилиши мумкин?	99
14. Солиқ идораси рўйхатдан ўтказувчи идорага ҳисоботда ташкилот фаолиятининг маълум бир молиявий-ҳўжалик кўрсатмалари акс эттирилмагани учун ННТни тугатиш ҳақида таклиф киритди. Улар тўғри ҳаракат қилишдими?	99
15. Баъзи бир давлат тузилмалари ҳисобот топшираётган пайтда қандайдир харажатларни тўлашни сўрашади. Масалан, бизнинг ҳужжатларимиз сақланадиган папка, шунингдек, бизга керак бўлмаган даврий нашрларга обуна бўлишга мажбур қилишади. Бу ҳолатда нима қилиш керак?	100
16. ННТ бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботлари ва фаолияти ҳақида ОАВда нашр қилиши шартми?	100
17. ННТни ҳар йили инвентаризациядан ўтказиш мажбурийми?	101

VII боб. ННТ фаолияти ҳақида бошқа саволлар

1. Нотижорат ташкилотлари расман ташкил топмаган ассоциациялар билан биргаликда иш юритиши мумкинми?	102
2. Ассоциация ҳуқуқий ва жисмоний шахслар иштирокида ташкил топиши мумкинми?	102

3. ННТ бошқа жойга кўчиб ўтди. Энди бизнинг ҳуқуқий манзилимиз амалдаги манзилдан фарқ қилади. Бундай ҳолларда солиқ идораларининг жаримасидан қочиш мумкинми?	102
4. Биз Ўзбекистонда ўтадиган анжуманга хориждаги ННТ вакилини қандай таклиф этамиз, агар бу мамлакатда унинг яшаши учун визали режим ўрнатилган бўлса?	103
5. Давлат тузилмаларидан ахборотларни очиқ ҳолда олиш сўралганида биз одатдагидек ахборотни тақдим этиш бора-сида рад жавобини оламиз. Нима қилиш керак?	104
6. Ёзда биз фуқароларни ўз-ўзини бошқариш идоралари билан ҳамкорликда болалар учун қатор тадбирлар ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу тадбирга биз ҳокимият вакиллари-ни таклиф этишимиз мумкинми?	104
7. Бизнинг ННТмиз мустақил равишда китоблар ва ахборот рисолаларини нашр этмоқчи. Бунинг учун бирор-бир рух-сатнома олишимиз зарурми ва уни олиш жараёни қандай?	105
8. ННТнинг агар ҳисоб рақаида маблағи йўқ бўлса, даъво аризасини киритганда давлат божи тўловидан озод қили-надими?	106
9. Судда ННТ манфаатларини ҳимоя қилишда унинг ҳар қандай ходими вакил бўла оладими ёки буни ННТнинг раҳбари бажариши шартми?	106
10. Бизнинг экологик текширув атроф-муҳитни ифлосланти-ришда сабабчи бўлган ташкилот айбини далиллар билан исботлаган бўлса, ундан етказган зарарни тўлашини талаб қилиш мумкинми?	106
11. ННТмизнинг Низоми йўқолган. Уни қандай қилиб тиклаш мумкин?	107
12. ННТ Низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш жа-раёни қандай расмийлаштирилади?	107
13. Жамоат ташкилотининг таъсисчилари янги таҳрирдаги Низомини имзо чекиб тасдиқлашлари зарурми?	108
14. Бизнинг ННТмиз рамзига ўзгартириш киритишни режала-штирганмиз. Нима қилишимиз керак?	108
15. Бизнинг ННТ автомобилни унинг эгаси билан биргаликда ишга ёллаш учун шартнома тузди. Агар автомобил эгаси авария содир этса, бизнинг ташкилотимиз бунинг учун жа-воб берадими?	108
16. ННТ ўз ходимларига хорижга чиқиш учун анкетага виза кўйиб бериши мумкинми?	109
17. ННТ Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш органига инсон ҳуқуқлари бузилганда шикоят билан чиқиши мумкинми?	109

18. Бизнинг ННТмиз ўз газетасини таъсис этиб нашр қилмоқчи. Бу учун қандай рухсатнома керак ва уни олиш жараёни қандай бўлади?	110
19. ННТнинг раҳбари алмашганда қайси ташкилотларни бундан хабардор қилиш керак?	111

VIII боб. ННТни қайта ташкил қилиш ва тугатиш масалалари бўйича саволлар

1. Қандай ҳолатларда ННТ тугатилади?	112
2. ННТни тугатиш жараёни қандай?	112
3. Тугатилаётган ННТнинг мол-мулкани тақсимлаш тартиби нимадан иборат?	114
4. ННТни тугатаётганда қандай ҳужжатларни қайси давлат идораларига тақдим қилиш керак?	114
5. ННТни тугатаётганда унинг ходимларига товон пули тўланадими?	115
6. ННТмизнинг аъзолари ташкилотни ихтиёрий равишда тугатишга қарор қилдилар. Аммо таъсисчилардан бири (директор) ўз хоҳишига кўра ишдан бўшамоқчи. Бундай қилишга унинг ҳаққи борми?	116
7. Ким ва қайси асосга кўра ННТ фаолияти тўхтатиб қўйилиши мумкин?	116
8. ННТ фаолияти тўхтатилиши қандай оқибатларга олиб келади?	116
9. ННТни қайтадан ташкил қилиш қандай шаклда юз беради?	117
10. Нотижорат ташкилотини тижорат тузилмаси сифатида қайта ташкил қилиш мумкинми?	118

ХУЛОСА	119
-------------------------	------------

Қонунлар рўйхати	120
-----------------------------------	------------

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиши билан кучли фуқаролик жамияти куриш ва демократик ривожланиш йўлига ўтди, буларнинг муҳим негизи эса нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланади.

Нотижорат ташкилотлари қисқа муддат ичида мамлакатнинг барча минтақаларида пайдо бўлиб, фуқаролар ташаббуслари ва ижтимоий фаоллик асосида демократия сари бораётган жамиятнинг турли гуруҳлари манфаатларини рўёбга чиқара бориб, аҳолининг барча қатламлари билан ишлашга дарҳол киришиб кетди.

ННТни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун жамоат ташкилотларининг фаолиятини тартибга солиб турадиган, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини мустаҳкамлайдиган қатор қонунлар қабул қилинди. «Жамоат бирлашмалари ҳақида», «Нодавлат бирлашмалар ҳақида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолати ҳақида», «Жамоа фонди ҳақида» ва бошқалар шулар жумласидандир. Жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Республика давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайдиган, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаётган жамоа фондининг моддий воситаларини бошқариш учун Парламент комиссияси тузилган ва ишлаб турибди.

Ўз фаолияти даврида Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам функционал, ҳам моддий жиҳатдан мустаҳкамлана олди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг бошқарув ва ҳокимиятнинг давлат тузилмалари, бизнес тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлиги таркиб топди.

Иккинчи чақириқдаги Олий мажлиснинг 8-сессияси очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг сўзларини эсга олиш жуда муҳимдир: «Жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш, уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Барчамиз бир ҳақиқатни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур, яъни ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин, барибир ўз кучини, қолаверса, ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади.

Шунинг учун ҳам давлат идоралари, аввало, унинг маъмурий органлари ва ташкилотлари устидан жамият ҳамда фуқаролар назоратини ўрнатиш бутун дунёда қонунбузарликка берилган ваколат ва вазифасини суиистеъмол

қилишга, коррупцияга қарши, айна вақтда барча ўзбошимчалик ва волонтеристик қарорларни қабул қилишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир деб тан олинади.

Кенг жамоатчилик ўртасида мана шундай тушунтиришга ҳаракат қилиш ва биз учун мутаносиб қонун ва меъёрий ҳуқуқларни бу йўналишда ишлаб чиқиш, уларни амалиётда қўллаш биз қураётган демократик жамиятнинг энг муҳим асосларидан бири бўлмоғи зарур».

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, ННТ фаолияти бундан кейин ҳам мукаммаллашиш ва ривожланишга муҳтождир. Кўпинча ННТ талайгина ходимлари ўз ташкилотларининг самарали ишлаши учун солиқ тизими, меҳнат муносабатлари каби ННТ фаолиятини ташкиллаштиришдаги зарур бўлган билимга эга эмаслар.

Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисола ахборот соҳасидаги камчиликларни тўлдиришга ёрдам беради, ННТ ходимлари, кенг китобхонлар оммасига жамоат ташкилотлари ва уларнинг фаолияти ҳақида кўп нарсаларни билиб олишга имкониятлар яратади. Рисола ННТ дан икки йил давомида маслаҳатлар олгач, Ҳуқуқий Муаммоларни Ўрганиш Маркази томонидан тайёрланган ва танлаб олинган, кўпинча тез-тез учраб турадиган саволлар ва жавоблардан иборат. Саволларнинг тили жиҳатидан воқеалар мазмунини асл нусхасида сақланиб қолган бўлиб, ННТни рўйхатдан ўтказиш, тузиш, молиявий фаолияти, меҳнат муносабатлари, хайр-эҳсон ва грантлар бўйича қилинадиган ишлар, ННТ ҳисоботлари, уларнинг фаолиятини текшириш ва бошқа ишларга тегишли масалаларни ўз ичига олган. Ушбу рисолада баён қилинган жавоблар Ҳуқуқий Муаммоларни Ўрганиш Маркази ходимлари томонидан тайёрланган бўлиб, Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига асосланади.

Ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан ушбу рисола янада яхшилашга ёрдам берадиган ўқувчилардан муаллифлар миннатдор бўларди-лар. Ўз таклифларингизни ушбу манзилга жўнатишлар:

e-mail: asyanov@globalnet.uz <http://www.lprc.uz>.

I БОБ

Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси

ННТ фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги саволларни ўрганиб чиқишга киришишдан аввал ННТ тушунчасининг юридик шахс сифатидаги маъносини тушунтириб бериш зарур.

1. Нодавлат нотижорат ташкилоти ҳақида тушунча. Яна қандай шунга ўхшаш тушунчалар бор?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Яна айтилишича, нотижорат ташкилотлари деганда даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилади. Нотижорат ташкилотларига нодавлат нотижорат ташкилотлари билан бирга Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган халқаро ташкилотлар ҳам қиради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 40-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари жамоат фонди (жамғармаси) шаклида тузилган.

Ташкилот хусусий мулк эгаси томонидан маблағ билан таъминланадиган ёки, шунингдек, қонун чиқариш актларида кўзда тутилган бошқача шаклдаги кўринишлари билан юридик шахслар нотижорат ташкилотлари ҳисобланади.

Нотижорат ташкилотлари тушунчаси (Ўзбекистон Республикаси, ФК, 4-боб, 3-параграф) ННТ тушунчасидан ҳам кенгрокдир, чунки у давлат ташкилотларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

2. Яна қандай нотижорат ташкилотларининг кўринишлари Ўзбекистон қонунларида белгилаб берилган?

Ўзбекистон Республикаси қонунларида нотижорат ташкилотларининг бир нечта кўриниши кўрсатиб берилган. Буларга истеъмолчилар (матлуботчилар) кооперативи, жамоат бирлашмаси, жамоат фонди (жамғармаси), муассаса қиради. Ушбу ташкилотлар ННТ ташкилий-ҳуқуқий шакллари ҳисобланади.

«Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний талабларини сиёсат, иқтисод, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва бошқа ҳаётий жабҳалар соҳасида ўзаро амалга ошириш учун бирлашган, фуқароларнинг эркин

хоҳиш-истаклари натижасида пайдо бўлган, ихтиёрий равишда шаклланган фуқароларнинг жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар, илмий, техник, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа ихтиёрий жамиятлар, ижодий уюшмалар, ватандошлар уюшмаси, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа ташкилотлари жамоат бирлашмалари деб аталади.

«Жамоат фондлари (жамғармалари) ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулккий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 76-моддасига мувофиқ, мол-мулк эгаси томонидан бошқарув, ижтимоий-маданий ёки нотижорат йўналишидаги бошқа вазифаларни амалга ошириш, ташкилотни тўлиқ ёки қисман маблағ билан таъминлаш ишлари зиммасига олинсагина, у ташкилот сифатида эътироф этилади. Ташкилотнинг фаолиятини тартибга солувчи қандайдир махсус меъёрий-ҳуқуқий актлар йўқ.

Шунингдек, нотижорат ташкилотлари сифатида уй-жой хусусий мулк эгалари ширкати («УйХМЭШ ҳақида»ги қонуннинг 3-моддаси) истеъмолчилар кооперативи (Ўзбекистон Республикаси ФК 73-моддаси) деб эътироф этилади. Аммо «Кооперация ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мустақил равишда хўжалик ишини юритаётган шахс ҳам кооператив ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, кооперативнинг асосий мақсади ўз аъзолари учун фойда олишдан иборат бўлиб, бу ННТ мақсадлари ва вазифаларига зид келади. Шунингдек, ННТга фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (махаллалар) (Ўзбекистон Республикаси ФК 78-моддаси), микрокредит ташкилотлар («Микрокредит ташкилотлари ҳақида»ги қонуннинг 4-моддаси), адвокатлик шаклланишлари («Адвокатлар ҳақида»ги қонуннинг 4-1, 4-2, 4-3-моддалари), Савдо-саноат палатаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг «ССП тузиш ҳақида»гилар 3-пункти) ҳам киради.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадлари нимадан иборат?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- демократик бойликларни ҳимоя қилиш;
- ижтимоий, маданий ва маориф соҳасидаги мақсадларга эришиш;
- маънавий ва бошқа номоддий талабларни қондириш;
- хайр-эҳсон фаолиятини амалга ошириш;

- бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни рўёбга чиқариш учун тузилади. ННТ одатда тўлиқ жамият манфаатлари ёки унинг секторлари учун, шунингдек, ташкилотларнинг аъзолари талабларини қондириш мақсадида ташкил қилинади.

Муҳими, шуни унутмаслик керакки, нодавлат нотижорат ташкилоти фойда (даромад) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида қўзламайди ва олинган фойда (даромад)ни унинг аъзолари (қатнашчилари) орасида тақсимламайди.

4. ННТ юридик шахс ҳисобланадими? Агар шундай бўлса, уларнинг статуси қандай бўлади?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 6-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ФК 40-моддасида ўз олдига фойда (даромад) олишни мақсад қилиб қўймаган (нотижорат ташкилоти) юридик шахс бўла олиши кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФК 39-моддасига асосан, шахсий мол-мулки таркибида хўжаликни юритиш ёки алоҳида мол-мулкни жадаллик билан бошқариш, ўз мажбуриятларига қўра бу мол-мулк учун жавобгар бўлиб, ўз номидан мол-мулк ва шахсий мол-мулкка эга бўлмаган ҳуқуқларни қўлга киритса ва амалга оширса, зиммасига юклатилган мажбуриятларга эга бўлиб, судда даъвогар ва жавобгар бўлган шахс юридик шахс сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси ФК 39-моддасининг иккинчи қисми юридик шахс мустақил баланс ёки сметага эга бўлишини талаб қилади. Чунки бундай ҳужжатнинг мавжуд бўлиши нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс сифатида алоҳида мол-мулкка эгалигини, ташкилотнинг мол-мулки мустақиллигини таъминлайди ва ифодалаб беради.

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентарь, пул маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши мумкин. ННТ ўз мажбуриятлари юзасидан қонунга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Ҳар қандай юридик шахс сингари нодавлат нотижорат ташкилоти ҳуқуқий лаёқатга ва муомала лаёқатига эга бўлади, ўз номидан мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни олиш ва амалга ошириши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. ННТнинг ҳуқуқий лаёқати махсус бўлиб, бу ана шу ташкилотнинг ўз Низомида белгиланган мақсадларга қаратилган юридик ҳаракатларнигина амалга ошириш ҳуқуқини англатади. ННТнинг тижорат фаолиятига фақат ташкилотни тузишдан қўзланган асосий мақсадга эришишга қўмаклашиш учун йўл қўйилади.

5. Ўзбекистонда ташкил қилинган ва рўйхатдан ўтказилган ННТга нисбатан халқаро ҳуқуқ меъёрлари қўлланиладими?

Ҳа. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида назарда тутилган қоидалардан ташқари, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро

шартномасида миллий қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса, назарда тутилганидан бошқача қоидалар давлат органлари халқаро ҳужжат меъёрларини қўллашлари шарт.

6. ННТ давлат органларига бўйсунадими?

Йўқ. «ННТнинг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқарувисиз ўз фаолиятини мустақил олиб боради, қонун актларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари уларга ҳисоб бермайди ва назорати остига олинмайди. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки унинг фаолиятига аралашиш таъқиқланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига мувофиқ, давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиши, шу билан бирга жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Кўриб турганимиздек, ННТ мустақил бўлиб, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари давлат органларига бўйсунмайди.

Мисол учун, «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, улар ўз мол-мулклари ва пул маблағларидан қандай фойдаланаётганлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлашга мажбур бўлиб, рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолиятлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этишлари керак. Кўрсатиб ўтилган ташкилотлар ННТ фаолиятини текширишга, ўз доиралари чегарасидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни беришга ҳақлари бор.

II БОБ

ННТ тузиш ҳақидаги саволлар. Жамоат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича саволлар

ННТ тузиш ва рўйхатдан ўтказиш жараёнида назарий ва амалий хусусиятга эга бўлган кўпгина саволлар туғилади. Нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш ва тузиш соҳасидаги баъзи бир меъёрий-ҳуқуқий актлар (қонунлар) туғилган саволларга ҳамиша ҳам аниқ ва тўғри жавоб беролмайди. Шунинг учун ҳам ушбу бобда биз нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тузишга тегишли бўлган анчайин муҳим ва тез-тез учраб турадиган саволларни кўриб чиқамиз.

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ННТни тузиш ёки унинг фаолиятини давлат органларида рўйхатдан ўтказмаслик назарда тутилганми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ННТ (жамоат ташкилотлари)ни рўйхатдан ўтказмасдан тузиш кўзда тутилмаган. Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилоти (органи) «Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонун томонидан ўрнатилган тартибда Низомларини рўйхатдан ўтказгачгина, ўз фаолиятларини амалга оширадилар. Ва шундан кейингина Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 44-моддасига мувофиқ, юридик шахс статусини қўлга киритадилар.

Бунинг устига, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги Кодексининг 239-моддасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ННТ фаолиятини амалга оширишда ойлик иш ҳақининг энг кам элликдан юзгача бўлган миқдорида жарима солинади.

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан ННТни тузиш ва унинг фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, унинг мажбурий ва ажралмас қисми ҳисобланади.

2. Қандай ННТни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас?

«Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, фаолияти умуминсоний гуманистик қадриятлар ва жамиятнинг ахлоқий негизларини емиришга қаратилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш ёки унинг ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, уруш, зўравонлик ва шафқатсизлик, ижтимоий, миллий, синфий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилиш, жамиятни парчалашга олиб келувчи қонунда таъқиқланган бошқа ҳолатларни содир этувчи жамоат бирлашмаларини тузишга рухсат берилмайди.

Ҳарбийлаштирилган бирлашма жамоалари ва қуролланган ҳарбий қисмлар, шунингдек, диний тусдаги партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структуралӣ бўлинмаларни тузиш таъқиқланади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг органлари томонидан қонунӣ ва демократик йўл билан ташкил қилинган ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда ҳокимият вакиллариға демократияға зид бўлган қучли тазйиқ ўтказиш ман қилинади.

Қонунӣ вазиғасини бажариб турган ҳокимият ва бошқарув органлариға ҳамда мансабдор шахсларға демократик йўл билан ҳал қилиш баҳонасида турли хил тазйиқ ўтказишға уринишлар қонун томонидан барҳам берилади.

Аҳолининг соғлиғи ва маънавиятиға, фуқароларнинг қонун орқали қўриқланаётган ҳуқуқ ва манфаатларига тажовуз қилувчи жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунға мувофиқ таъқиб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ, яширин жамиятлар ва бирлашмалар тузиш таъқиқланган.

3. Тижорат ва нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш шар- тлари бир хилми?

Афсуски, йўқ, чунки тижорат ташкилотлари учун Президентнинг «Тад- биркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобға қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ғи қарорига мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат рўйхатига олишнинг содда- лаштирилган хабардор қилиш тартиби мавжуд.

Шу билан бир вақтнинг ўзида ННТ учун адлия органларида давлат рўй- хатидан ўтказишнинг янада мураккаброқ тартиби назарда тутилган (ННТ- ни рўйхатдан ўтказиш тартиби қуйида қўриб чиқилади).

4. ННТ қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин?

«ННТ ҳақида»ғи қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижо- рат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориши, шунингдек, умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлаш- малар тузиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКға мувофиқ (73-78-моддалар), нотижо- рат ташкилотлари матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат жамғармалари, муассасалар, юридик шахслар бирлашмалари (уюшмалар ва иттифоқлар) ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби қўринишларидан иборат бўлиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 56-модда- сига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари сифати- да қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимлар жамияти, хотин-қизлар

ташкilotлари, ветеранлар ва ёшлар ташкilotлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фукароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бошқа бирлашмалари тан олинади.

Ўзининг ННТ учун қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашдан олдин шу ННТ қандай аниқ мақсадлар учун тузилаётганини тушуниб етиш жуда муҳимдир.

5. Мисол учун, Ўзбекистон Республикасида болалар спортини янада самаралироқ ривожлантириш мақсадида биз бирорта жамоат ташкilotини тузмокчимиз. Қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлашимиз керак?

«Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасида асосий мақсади маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишларидан иборат бўлган жамоат бирлашмаларини тузиш имкониятлари назарда тутилган.

«Физкультура ва спорт ҳақида»ги қонуннинг 7-моддасида Ўзбекистонда физкультура ва спорт бирлашмаларининг қандай шаллари борлиги кўрсатилган.

Физкультура ва спорт жамоат бирлашмаларига Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси, физкультура-спорт жамиятлари, федерациялар, спорт турлари бўйича жамғармалар, физкультура-соғломлаштириш, спорт клублари ва бошқа асосий мақсади физкультура ва спортни ривожлантиришдан иборат бўлган жамоат бирлашмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини муҳофаза қилишга ёрдам берувчи «Ватанпарвар» ташкilotи, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришни амалга ошираётган спорт-техник клублари киради.

Жамоат физкультура-спорт бирлашмалари ўз Низомларига мувофиқ, фукаролар билан физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ташкиллаштиради, спорт заҳиралари тайёрлашни амалга оширади.

6. ННТнинг қайси шакли афзалроқ, аъзолиги қайд қилинганими ёки аксинчами?

Аъзолиги қайд қилинган ташкilot анча демократик ҳисобланади. Аммо бундай шаклий кўринишнинг маълум бир мураккабликлари бор. Хусусан, аъзолик бадалларини йиғишда ёки унинг ҳажми ошганда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, ННТ аъзоларининг сони кўпайиши билан ННТни бошқариш жараёни мураккаблашади, бу эса ННТ аъзоларининг маълум бир қисми сустлашади, деганидир.

7. Қандай ННТ хайрия ташкilotи ҳисобланади? Улар қандай тузилади?

«Хайр-эхсон ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, умум, юридик ёки жисмоний шахслар манфаатлари учунгина хайрия фаолияти билан шуғулланиш учун тузилган ННТ хайрия ташкilotлари категориясига киради. Демак, ННТ Низомида бу албатта акс этиши лозим.

Тузиш тартиби «Хайр-эхсон ҳақида»ги қонунда алоҳида кўрсатилган.

ННТнинг хайр-эхсон билан шуғулланувчи кейинги ўзига хос хусусиятлари куйида кўриб чиқилади.

8. ННТ учун тўғри ном қандай танланади, ННТ номланишига қандайдир махсус талаблар борми?

Сиз ўзингизга ёققан хоҳлаган номни танлашингиз мумкин, лекин Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 46-моддасига мувофиқ, нотижорат ташкилотларининг номлари шу ташкилот фаолияти хусусиятларини ўзида акс эттиришини назарингиздан қочирманг. Қонун ННТ алоҳида кўринишларининг номланишига махсус талаблар қўйган. Масалан, «Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, жамғарма Низомида «жамоат жамғармаси» сўзини ўз ичига олган жамғарма номи кўрсатилган бўлиши зарур. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 77-моддасига мувофиқ, иттифок (уюшма) ва бошқа бирлашмалар номларининг асосий мазмунини уларнинг фаолияти предметига қаратилиб, «иттифок», «уюшма» ёки бирлашманинг кўринишини таъкидлаб турадиган сўзлар киритилган бўлиши керак. Хайрия ташкилотининг номланишида ҳам «хайрия» сўзи киритилган айнан шунга ўхшаш талаб мавжуддир.

Жуда кўп рўйхатдан ўтказилганларга шунчалик ўхшаш бўлиб қолган хайрия ташкилоти рўйхатдан ўтказилмайди, чунки бундай ҳолат бошқа хайрия ташкилотларига айнан ўхшашликка олиб келади.

9. ННТ фирма номини давлат рўйхатидан ўтказиши керакми?

«Фирма номлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, шунинг учун ҳам ННТ номини рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал давлат статистика органлари томонидан берилган нолаш ҳақидаги гувоҳнома олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сиз берган ном аввал худди шунақа ном билан номланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган ННТ номи билан мос келмаганига сизда ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

10. ННТ ўз рамзий белгилари ва эмблемасига эга бўлиши мумкинми? Ва буни бирор жойда рўйхатдан ўтказиши мумкинми?

Ҳа. ННТ байроқ, эмблема, вимпель ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин ва «Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, адлия органларида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

«Жамоат бирлашмалари рамзларини рўйхатга олиш тартиби ҳақида»ги қарорга асосан, ННТ рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак.

ННТнинг рамзий белгилари Низомга мувофиқ, унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгилардан фойдаланишга руҳсат берилмаганини унутмаслик керак.

11. ННТнинг рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш жараёни қандай?

«Жамоат бирлашмалари рамзларини рўйхатга олиш тартиби ҳақида»ги қарорнинг 7-бандига мувофиқ, жамоат бирлашмалари рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун рамзий белги қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муҳлат ичида ташкилот раҳбар органининг камида учта аъзоси имзо-

си қўйилган ариза берилади. Аризадаги имзолар конун томонидан ўрнатилган тартибга қўра тасдиқланган бўлиши керак. (Ушбу қарор иловасига мувофиқ) Аризага қуйидагилар илова қилинади: рамзий белги ҳақида қоида ва унинг фарқловчи белгиларининг баёни, қоида ва рамзий белги баёнини тасдиқловчи раҳбар орган қарори, рамзий белги намуналари ва рўйхатдан ўтказиш учун йиғилган маблағнинг тўлангани ҳақидаги ҳужжат. Жамоат бирлашмаларининг рамзий белгиларини рўйхатга олиш учун берилган ариза топширилган кундан бошлаб икки ой муҳлат ичида қўриб чиқилади. Аризани қўриб чиқиш натижаларига қараб қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади: рамзий белгини рўйхатдан ўтказиш; рамзий белгини рўйхатдан ўтказишни рад қилиш; ҳужжатларни қўриб чиқмаслик учун қолдириш.

Рамзий белгини рўйхатдан ўтказиш рад қилинган ҳолда ёзма равишда асосланган қарор нусхасининг кўчирмасини 10 кун муҳлат ичида ариза берганларга жўнатиб юборилади.

Жамоат бирлашмалари рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза қўриб чиқилмаса, рўйхатдан ўтказиш органи қайта мурожаат қилиш учун уларнинг ҳуқуқларини тушунтирган ҳолда ариза берганларни бу ҳақда хабардор қилади. Рамзий белгиларни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза билан қайта мурожаат қилинганда икки ой муҳлат ўтгандан кейин ҳам қолдирилган ариза қўриб чиқилмаса, рўйхатдан ўтказиш учун бўлинадиган маблағ (давлат божи) умумий асосда олинади.

Жамоат бирлашмалари рамзий белгиси рўйхатдан ўтказилган ҳолда ариза берганларга рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги расмий нусханинг гувоҳномаси берилади.

«Жамоат бирлашмаларининг рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш учун олинadиган давлат божининг ҳажми ва уни олиш тартиби ҳақида»ги қарорга асосан, жамоат бирлашмалари рамзий белгиларини рўйхатдан ўтказишда олинadиган давлат божи ҳажми қуйидагича белгиланган:

- халқаро жамоат бирлашмалари учун – энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, шунингдек, АҚШ 50 долларига тенг бўлган эркин валюта айирбошлаш тушумлари;
- республика ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари учун – энг кам иш ҳақининг беш баравари;
- бошқа жамоат бирлашмалари учун – энг кам иш ҳақининг уч баравари.

Афсуски, «Жамоат бирлашмаларининг рамзий белгиларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги қоидада «Ҳужжатларни қўриб чиқишдан қолдириш ҳақида» қарор қабул қилиш назарда тутилган, бу эса бундай қарорларга йўл қўймайдиган «ННТ ҳақида»ги ва «ННТ кафолатлари ҳақида»ги қонунларга мутлақо зид келади.

12. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсисчилари кимлар бўлиши мумкин?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсисчилари 18 ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек, агар қонунда бошқа нарсалар кўзда тутилмаган бўлса, юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ННТ таъсисчилари бўлишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

ННТ ташкилий-ҳуқуқий шаклларига боғлиқ ҳолда ташкилотни тузиш учун зарур бўлган таъсисчилар ва уларнинг сонига бўлган талаблар фарқ қилади.

Масалан, «Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари 18 ёшга тўлган, ўнтадан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билан тузилади.

«Хайр-эҳсон ҳақида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, юридик ва (ёки) жисмоний шахслар (яъни, битта ёки ундан кўпроқ таъсисчи) ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига боғлиқ ҳолда хайрия ташкилотларининг таъсисчилари бўлиши мумкин.

«Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, жамғарманинг таъсисчилари (таъсисчиси) бир ёки бир нечта юридик ва (ёки) жисмоний шахслардан иборат бўлиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, давлат қўшма корхоналари, давлат муассасалари ва ташкилотлари хайрия ташкилотларининг таъсисчилари бўла олмайдилар.

13. Ёш йигитлар (16-17 ёш) ўзларининг ёшлар ННТни туза оладиларми?

Йўқ, туза олмайдилар. Аммо улар «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, 14 ёшдан бошлаб ёшлар ННТнинг аъзолари бўлишлари мумкин. Ёшига кўра ННТ аъзолик сафидан чиқиб кетиш шартларини ўз ичига олган ҳолда, аъзоликни қўлга киритиш ва унинг сафидан чиқиб кетиш шартлари ва тартиблари ННТнинг Низомига мувофиқ кўрсатилган қоидаларга асосан белгиланади.

14. Расмий ҳужжатларда у ёки бу ННТга аъзолик ёки унинг фаолиятида қатнашишини кўрсатиш зарурми?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, расмий ҳужжатларда у ёки бу ННТга аъзолик ёки унинг фаолиятида қатнашишни кўрсатувчи талабларга рухсат берилмаган.

ННТнинг таъсисчиси ёки аъзоси бўлиш ҳар бир кишининг ихтиёрий хоҳишидир. Баъзи бир ҳолларда ННТни юридик шахс тузиши мумкин.

15. ННТни тузишда мулкдорнинг аниқ бир қарори шакллари мавжудми?

ННТни тузиш ҳақидаги қарорни ташкилотнинг вакил органи ёки жисмоний шахс қабул қилиши мумкин. Ташкилотни тузиш ҳақидаги қарор ё коллегиял орган мажлисининг қарори (кўчирмаси)га мувофиқ, ё яқка

бошчилик асосидаги ижроия органи, ё жисмоний шахс қарорига мувофиқ расмийлаштирилади. Якка бошчилик ижроия органи ёки жисмоний шахс қарори ҳам коллегиял орган мажлис қарори шаклига ўхшайди, фақат унда ташкилотни тузиш бўйича келиб чиққан масалаларни овозга қўйиш, муҳокама қилиш эслатилмайди.

16. Нодавлат нотижорат ташкилотини қанча муҳлатга тузиш мумкин?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилоти агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқа ҳолатлар қайд этилмаган бўлса, фаолияти чекланмаган муддатга тузилаверади.

17. ННТ бошқариш органларини қандай қилиб тўғри шакллантириш мумкин? Раҳбарлик вазифаси сайлаш ёки тайинлаш орқали амалга оширилганда қайси бири яхши бўлади?

ННТнинг бошқарув органлари кўпинча унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида боғлиқ бўлади. Юридик шахсни тайинлаш ёки сайлаш органлари тартиби ушбу ташкилотнинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади ёки (Ўзбекистон Республикаси ФК 45-моддаси) қонунлар орқали белгилаб қўйилган бўлади. Бу тартиб таъсисчилар тасдиқлаган нотижорат ташкилоти Низомда қатъий белгилаб қўйилади. Шундай қилиб, нотижорат ташкилотнинг бошқарув органларининг у ёки бу тизимини Низомда қатъий белгилаб олиб, унинг таъсисчилари (таъсисчиси)нинг ўзлари ҳам бошқарув органларини шакллантириш жараёнини аниқлаб олишда қатнашади.

Юридик шахс фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш юритаётган ўз органлари орқали фуқаролик мажбуриятларини олади.

Ташкилот раҳбарига келганда эса, ҳар қандай ҳолатда ҳам тайинланадиган ёки сайланадиган раҳбар умумий мажлис ёки бошқа вакил орган қўли остида бўлиб, бошқарув органига ҳисоб берувчи ҳисобланади.

У ёки бошқа раҳбар органини унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шакллантириш тартиби таъсисчилар томонидан аниқлаштирилади ва кейинчалик ушбу ташкилот Низомда қайд қилинади. Одатда, ННТ раҳбар органларини шакллантириш учун ҳар қандай аниқ ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлган ННТ барқарор схемалари асос қилиб олинади. ННТнинг барча кўринишлари учун умумий бўлган бошқарувнинг камида икки поғонаси – олий ва ижро этувчи поғоналари мавжуддир. «Жамоат бирлашмаларининг Низомларини рўйхатдан ўтказиш ҳақида берилган аризаларни кўриб чиқиш қоидалари ҳақида»ги қонунга мувофиқ, битта жамоат бирлашмаси раҳбар органи аъзоси бир вақтнинг ўзида бошқа жамоат бирлашмаси раҳбар органининг аъзоси бўла олмаслигини унутмаслик муҳимдир. Лекин бир нечта ННТга таъсисчи бўлиш мумкин.

18. ННТ таъсисчиларининг мажлисини қандай қилиб тўғри ўтказиш мумкин?

Таъсисчилар мажлисига тайёргарлик кўраётиб шуни эътиборга олиш керакки, «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, таъсисчиларнинг умумий мажлиси қарорида ННТ тузиш, унинг таъсисчилари, унинг Низомининг тасдиқланиши ҳақида, раҳбар ва бошқа органларни шакллантириш тўғрисида маълумотлар бўлиши керак.

Мажлиси олдида барча қатнашувчиларни Низом лойиҳаси билан таништириш, раҳбар органларга сайланиш учун керакли номзодларни ўйлаб чиқиш, хона танлаб барчага мажлиси ўтказилаётган вақтни олдиндан хабардор қилиш керак. Мажлиси давомида барча қарорларни қоғозда белгилаб, уларни қатнашувчиларга ўқиб бериш, сўзга чиққанларнинг нутқларини эзиб олиб, мажлиси қарори (протокол)ни олиб бориш лозим. Қарор қабул қилинганга қадар барча алтернатив вариантларни кўриб чиқиб, муҳокама қилмоқ ва уларга қарши ёки рози эканликлари учун овоз бермоқ керак.

Таъсис мажлисининг қарорини (протоколи) тўғри олиб бориш жуда муҳимдир. Барча зарур ахборотларни ҳам қарорда кўрсатиб ўтиш ўта муҳим ҳисобланади.

19. Жамоат бирлашмаси таъсис мажлиси қарорига (протоколи) қайси саволларни киритиш мажбурий ҳисобланади?

Таъсис мажлиси пайтида қуйидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қилиниб, уларни таъсис мажлиси протоколига киритиш лозим:

- 1) жамоат бирлашмасини тузиш (унинг тўлиқ номланишини бериш);
- 2) жамоат бирлашмаси Низомини қабул қилиш;
- 3) раҳбар органларни ва бошқа жамоат бирлашмалари органларини сайлаш ва тайинлаш (аъзолари исм-шарифини кўрсатиб ўтиш);
- 4) адлия органларида жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 5) жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказиш учун вакил тайинламоқ (исм-шарифини кўрсатиш керак), унга таъсис ҳужжатларига имзо қўйдириш ва жамоат бирлашмасини адлия органида рўйхатдан ўтказиш вазифаларини топшириш;
- 6) жамоат бирлашмаси жойлашган жойни қуйидаги манзил бўйича (манзилни тўлиқ кўрсатиш) ўрнатмоқ. Таъсис мажлиси протоколига бошқа масалалар ҳам киритилган бўлиши мумкин.

Таъсис мажлиси протоколи ННТни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжат ҳисобланади.

20. ННТни рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?

ННТни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати сиз уни қайси шаклда рўйхатдан ўтказишингизга боғлиқ.

ННТни рўйхатдан ўтказиш учун «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади:

а) ННТ раҳбар органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилини кўрсатган ҳолда, улар томонидан имзоланган муассислар аризаси;

б) нодавлат нотижорат ташкилотининг икки нусхадаги Низоми;

в) таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишининг ННТ-ни ташкил этиш тўғрисидаги, муассислари хусусидаги, унинг Низомини тасдиқлаш ҳақидаги, раҳбар органлари ва бошқа органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган баённомаси;

г) давлат божи тўлангани тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Шунингдек, статистика органлари томонидан олинadиган ташкилотнинг номланиши ҳақидаги гувоҳномани тақдим қилиш зарур.

21. Жамоат жамғармаларини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар зарур бўлади?

«Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

а) муассислар ёки улар ваколат берган шахслар томонидан имзоланган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва яшаш жойи (почта манзили) кўрсатилган ариза (агар жамғарма васиятнома бўйича ташкил этилаётган бўлса, васиятнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси);

б) таъсис йиғилиши (съезди, конференцияси) ёки муассис (жамғарма бир юридик шахс томонидан ташкил этилаётган бўлса) томонидан қабул қилинган, жамғарма муассислари тўғрисидаги маълумотлар, жамғарманинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган қарор;

в) жамғарма Низомидан икки нусха;

г) жамғарманинг дастлабки маблағлари шаклланганини тасдиқловчи ҳужжат;

д) давлат божи тўлангани тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Шунингдек, статистика органлари томонидан олинadиган ташкилотнинг номланиши ҳақидаги гувоҳномани тақдим қилиш лозим.

Жамоат жамғармаларини рўйхатдан ўтказиш пайтида жамғарманинг дастлабки маблағлари шаклланганини тасдиқловчи ҳужжат зарур (2 пункти). «Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, жамғармани ташкил қилиш учун зарур бўлган дастлабки маблағнинг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Афсуски, ҳозиргача Вазирлар Маҳкамаси томонидан дастлабки маблағларнинг энг кичик миқдори аниқ белгиланмаган, бу албатта жамғармаларни рўйхатдан ўтказишга ҳалақит беради. Аммо тажрибадан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда жамоат жамғармалари барибир рўйхатдан ўтказилиб турибди. Хуллас, дастлабки маблағларнинг энг кам миқдори ҳақидаги саволни адлия органларида муҳокама қилишни тавсия қиламиз.

22. ННТ иттифоклари, уюшмаларини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?

«ННТ ҳақида»ги қонун, «Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги Низомга мувофиқ, юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан иттифок шаклида ўтказиш учун муассислар ёки улар ваколат берган шахслар томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

1) юридик шахслар бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва белгиланган шаклдаги рўйхатга олиш ҳужжати (картаси);

2) таъсис йиғилиши конференциясининг таъсис шартномаси ва Низомни қабул қилиш тўғрисидаги баённома;

3) юридик шахслар вакиллик органларининг иттифокқа кириши ҳақидаги қарор;

4) таъсис шартномаси ва Низомни қабул қилингани ҳақида таъсис мажлиси (конференцияси) қарори;

5) юридик шахслар муассислари Низомни ва давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳақидаги гувоҳномалар нусхаси;

6) иттифокнинг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

7) юридик шахслар бирлашмасини рўйхатга олиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганидан далолат берувчи банк тўлов ҳужжати.

Шунингдек, статистика органлари томонидан олинадиган ташкилотнинг номланиши ҳақидаги гувоҳномани тақдим қилиш зарур.

23. Ўзбекистондаги халқаро ва чет эл ННТни рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ННТ, халқаро ва чет эл ННТ ваколатхоналари ҳамда филиаллари рўйхатдан ўтказилади.

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 22-моддасида рўйхатдан ўтказувчи органга ННТ халқаро ва чет эл ваколатхоналари ҳамда филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар рўйхати тақдим қилиниши назарда тутилган:

- ваколатхона ёки филиалнинг асосий мақсадлари ва фаолият муддати кўрсатилган ариза, шунингдек, бош ташкилотнинг марказий раҳбар органлари томонидан тасдиқланиб, икки нусхада илова қилинган ходимлар сони ҳақида ҳужжат;
- белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бош ташкилотнинг мақсадлари ва уни ташкил қилиш масалалари кўрсатилган, давлат рўйхатидан ўтказилган Низом ва гувоҳноманинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикасида бош ташкилот ваколатхонаси ёки филиалининг очилиши Низомининг тасдиқлангани, раҳбар (раҳбарлар) тайинлаш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган маълумотлар акс этган қарор (протокол) баённомаси;
- ваколатхона ёки унинг филиалини очишдан мақсад ҳамда унинг вазифалари кўрсатилган, рус ва ўзбек тилларида ёзилган қоида (Низом)нинг нотариал тасдиғи;
- белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бош ташкилот томонидан ваколатхона ёки филиал раҳбарига берилган ишончнома;
- белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бош ташкилот фаолияти ҳақида ахборот;

- ваколат ёки филиал учун мос келадиган турар жойни ижарага берувчининг розилик мактубини тақдим қилиш;
- рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлагани ҳақида далолат берувчи банк тўлов ҳужжати;
- ваколатхона ёки филиал раҳбарлари ва ходимлари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, фуқаролиги, касби, яшаш жойи ҳамда телефон рақами ҳақида маълумотлар;
- ваколатхона ёки филиалнинг белгиланган шаклда маблағ билан таъминлаш манбалари ҳақидаги декларация;
- шунингдек, статистика органлари томонидан олинган ташкилотнинг номланиши ҳақидаги гувоҳномани тақдим қилиш зарур.

24. Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш учун қандай ҳужжатлар керак?

«Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги, «Жамоат бирлашмаларининг Низомларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари ҳақида»ги қонунларга мувофиқ, жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказиш жамоат бирлашмаси Низомини рўйхатдан ўтказиш қонунига асосланади.

Жамоат бирлашмаси Низомини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: ташкил этилаётган жамоат бирлашмаси раҳбар органи аъзолари томонидан имзоланган, шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи ва телефони кўрсатилган ариза.

Рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризага (3 нусхада) нотариал тасдиқланган (ёки уларни берган органлар томонидан тасдиқланган) қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- жамоат бирлашмаси Низоми;
- Низом қабул қилинган таъсис мажлисининг қарори;
- рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлаганликдан далолат берувчи банк тўлов ҳужжати ва бошқа ҳужжатлар, чунончи:
- жамоат бирлашмасини ташкил этиш ташаббускорлари (таъсисчилари) тўғрисидаги («Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, фуқаролар сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак) маълумотлар;
- ташаббускор фуқароларнинг фамилиялари, исми, отасининг исми, туғилган йили, яшаш жойи;
- жамоат бирлашмалари учун – бирлашманинг номи;
- раҳбар органнинг манзили;
- Низом рўйхатдан ўтказилган жой ва унинг санаси кўрсатилган маълумотлар;
- биринчи марта тузилаётган жамоат бирлашмалари учун – унга мос биноларни ижарага берувчининг розилик мактуби;
- ноширлик ва матбуот органлари таъминотини ҳам ўз ичига олган молиявий фаолият манбалари ҳақидаги декларация;

- раҳбар орган аъзоларининг ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, сайланган касби, туғилган йили, манзили ва телефони ҳақидаги маълумотлар;
- шунингдек, статистика органлари томонидан олинадиган ташкилотнинг номланиши ҳақидаги гувоҳномани тақдим қилиш зарур.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида иш юритаётган халқаро ННТ, халқаро ва чет эл ННТ ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро ННТ Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Бошқа барча ННТ вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри адлия органларида рўйхатдан ўтказилади.

25. ННТнинг намунали Низоми мавжудми ва сиз давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида уни тузишга ёрдам бера оласизми?

ННТнинг кўринишлари бўйича расмий равишдаги намунали Низомлар йўқ, лекин сиз ННТ рўйхатдан ўтказилган жойдаги рўйхатдан ўтказувчи адлия органига ёрдам сўраб мурожаат қилишингиз мумкин. У ерда қоидага кўра барча ҳужжатларнинг намуналари бор ва сизга Низомни тайёрлашда зарур бўлган барча ёрдамни кўрсатишади.

26. ННТ Низомида қандай асосий масалалар аниқлаштирилади?

ННТ Низомида «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, қуйидаги ахборотлар кўрсатилиши керак:

- номи, ННТнинг мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, ўз фаолиятини амалга ошириш доирасидаги ҳудуди;
 - ННТнинг тузилиши ва раҳбар органлари, зарур бўлганда унинг назорат тафтиш органлари (жамоат жамғармалари учун мажбурий ҳисобланади) ёки аудиторларни (аудитор фирмаларини) жалб қилишнинг мажбурийлиги;
 - раҳбар органларни шакллантириш тартиби ва ваколати (компетенция), уларнинг вакиллик муддати, раҳбар органнинг доимий ишлайдиган жой манзили;
 - аъзоликка асосланган бирлашма учун – аъзоликка кириш ва унинг сафидан чиқиш, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шартлари ва тартиби;
 - пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг шаклланиш манбалари, мол-мулкни бошқариш бўйича ННТ ва уларнинг тузилмали бўлимларининг ҳуқуқлари;
 - қайтадан ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;
- Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

ННТнинг Низомида унинг рамзий белгиси тавсифи баён қилинган бўлиши мумкин.

Низомда ННТ фаолиятига тегишли бўлган, қонунларга зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига боғлиқ ҳолда, Низомда бор бўлиши ҳолда талабларга нисбатан бир оз фарқлар бор.

27. Жамоат бирлашмаларининг Низомида қандай ахборот кўрсатилган бўлиши керак?

- жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифалари;
- жамоат бирлашмасининг тузилиши, ўз фаолиятини амалга ошириш доирасидаги ҳудуди;
- жамоат бирлашмасига аъзо бўлиш, ташкилот сохта аъзоликка эга бўлган ҳолларда аъзоликдан чиқиш шартлари ва тартиби;
- жамоат бирлашмалари аъзолари (қатнашчилари)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- жамоат бирлашмалари ва унинг ташкилотларининг раҳбар органларини, уларнинг ваколатларини ташкил қилиш тартиби ва компетенцияси;
- жамоат бирлашмалари ва унинг ташкилотларининг маблағлари ҳамда бошқа мол-мулкларини ташкил қилишнинг иқтисодий манбалари;
- жамоат бирлашмаси раҳбар органи жойлашган манзил;
- жамоат бирлашмаси Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- жамоат бирлашмаси фаолиятини тугатиш тартиби.

Низомда жамоат бирлашмасининг фаолиятига тегишли бўлган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

28. Жамоат жамғармаси Низомида қандай ахборот кўрсатилган бўлиши керак?

Жамғарма Низомида қуйидагилар акс этган бўлиши керак:

- «Жамоат жамғармаси» деган сўзларни ўз ичига олган жамғарманинг номи;
- жамғарманинг жойлашган жойи (почта манзили);
- жамғарманинг мақсад ва вазифалари;
- жамғарма тузилиши, ваколати ва унинг органларини шакллантириш тартиби;
- Жамоат жамғармасидаги мансабдор шахсларни тайинлаш (сайлаш) ва вазифасидан бўшатиш тартиби;
- жамғарма мол-мулкнинг шаклланиш манбалари, унинг ваколатхоналари ва филиаллари мол-мулкни бошқаришда жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- жамғарманинг ваколатхоналарини очиш ва филиалларини тузиш тартиби;
- жамғармани қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;
- жамғарма тугатилган тақдирда унинг мол-мулкдан фойдаланиш тартиби;
- жамғарма Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- жамғарма Низомида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиш зарур бўлган жамғарманинг рамзий белгиси тавсифи ёритилган бўлиши мумкин.

Ва, албатта, ННТ Низоми Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига зид бўлмаслиги керак.

29. ННТ Низомида талаб қилинган ахборотлар қай даражада батафсил кўрсатилиши керак? Масалан, ННТ фаолиятининг мақсадларини олсак...

Нотижорат ташкилотининг мақсади ва фаолияти предмети батафсил ва аниқ кўрсатилиши шарт, чунки ННТ фаолияти, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг ўзи ҳам (жамоат жамғармаси, жамоат бирлашмаси ва ҳоказолар) худди ана шу позицияга боғлиқ. Бундан ташқари, адлия органи ташкилотнинг фаолият мақсади аниқ акс эттирилмаган, деган сабаблар билан ННТни рўйхатдан ўтказмаслиги мумкин. Шунга ўхшаш муаммоларни четлаб ўтиш учун Низомдаги барча зарур ахборотларни иложи борица аниқроқ ва тушунарли қилиб ёзинг.

Низомда ННТнинг фаолият мақсади бўлимида унинг бўлғуси фаолиятининг кўринишларини эмас, балки ННТнинг мақсади ва вазифаларини кўрсатиш муҳим. ННТ ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин, асосийси ушбу фаолият қонунлар орқали таъқиқланган бўлмаслиги ва нотижорат ташкилотининг Низомдаги мақсадларига мувофиқ бўлиши лозим.

30. ННТ тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкинми? Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳуқуқи бўлган ННТ Низомида бу ҳақда қанчалик батафсил кўрсатма бўлиши керак?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, ННТ унинг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган, қонун орқали таъқиқланмаган ва унинг мақсадлари мос келадиган ҳар қандай фаолият турини амалга ошириши мумкин. Шу қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, ННТ унинг Низомдаги мақсадларига мос келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига рухсат этилади.

Фаолиятнинг алоҳида турлари билан ННТ фақат лицензия асосидагина шуғуллана олади. Фаолият турларининг бу рўйхати қонунлар орқали аниқланади.

31. ННТ пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари деганда нималар тушунилади? Биз ННТни рўйхатдан ўтказаяётганда қандайдир аниқ суммани ёки ННТнинг Низомда кўрсатилган маблағини (капитал) кўрсатишимиз керакми?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, ННТнинг пул маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- агар Низомда кўзда тутилган бўлса, кириш ва аъзолик бадаллари;
- таъсисчилар, қатнашчилар (аъзолар)дан тушадиган бир марталик ва доимий тушумлар;
- хайр-эҳсон ва ихтиёрий мулкый бадаллар;
- фақат Низомда кўзда тутилган мақсадлар учун ишлатиладиган, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар (фойда);
- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа тушумлар.

Низомнинг ушбу бандида сизнинг ННТнинг дастлабки мол-мулкларингизни шакллантириш манбаларини ва уни иқтисодий жиҳатдан таъминлашнинг бўлғуси манбаларини (аъзолик бадаллари, хайр-эҳсон ва хоказолар) кўрсатиш талаб қилинади, холос.

Ўзбекистон Республикаси ФК ННТ тузишда Низомда кўрсатилган капитални шакллантириш зарурлигини назарда тутмайди. Аммо сиз келажакда ННТнинг Низомда кўрсатилган фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган Низомдаги капитални тўплашингиз мумкин.

ННТ баъзи бир хил турларини рўйхатдан ўтказаятганда (масалан, жамоат жамғармасини) маблағнинг энг кам миқдордаги дастлабки шаклланишини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш зарурлигини ёддан чиқармаслик муҳим.

32. ННТ уюшмаларининг таъсис шартномасида нималар акс этиши лозим?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, таъсис шартномасида томонлар (таъсисчилар) ННТнинг уюшмаларини тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш бўйича ўзаро фаолият юритиш тартибини аниқлайдилар, ўз мол-мулкларини унга ўтказиш шартлари ва унинг фаолиятида иштирок этиш, ННТ фаолиятини бошқариш, таъсисчиларни унинг таркибидан чиқариш мажбуриятларини аниқлайдилар.

Таъсисчиларнинг келишувига биноан таъсис шартномасида бошқа шаршлар ҳам киритилиши мумкин.

Афсуски, Ўзбекистон Республикаси қонунларида жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда иштирок этган уюшмасини тузиш назарда тутилмайди.

33. Агар ташкилот Низомида фаолият ҳудуди «Тошкент вилояти» деб кўрсатилган бўлса, бу ташкилот ўз тадбирларини Фарғона вилоятида ташкил қила олмайди, деганими?

Бевосита ННТнинг ўзи бошқа вилоятда фаолият юрита олмайди, аммо сизнинг ННТ Фарғона вилоятида иш юритаётган ННТ билан шерик бўлиб ишлаш учун шартнома тузиши ва улар билан биргаликда ўз тадбирларини ўтказиши мумкин. Ушбу масалаларни адлия органи ходимларидан аниқлаштириб олса, янада яхши бўларди. ННТ ўз фаолиятини фақат Тошкент вилояти ҳудудида амалга оширади, деб Низомда кўрсатилган бўлсада, бу фақат ННТга тааллуқли эканини ёддан чиқармаслик керак. Қўпинча, ННТга унинг ходимлари бошқа вилоятда ўтказилган конференцияда қатнашди, деб таъна қилишади. Шуни билиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир фуқаро Республика ҳудуди бўйича эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга (28-модда). Ва ҳар бир киши ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга (29-модда).

Аммо сиз хоҳласангиз, Республиканинг бошқа шахри ёки вилоятида ННТнинг филиали ёки ваколатхонасини ташкил қилишингиз мумкин. ННТни рўйхатдан ўтказиш жараёнида аниқ бир вилоят ёки Тошкент шахрини фаолият юритиш жойи сифатида кўрсатишнинг талаб қилиниши бир оз ортқича

кўринади. Шуниси диққатга сазоворки, тижорат тузилмалари учун бунақа қоида йўқ ва уларга Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўз фаолиятини амалга ошириш учун руҳат берилган, бу эса мутлақо тўғри ҳисобланади.

34. ННТ ўз филиаллари ва ваколатхоналарини Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ёки, масалан, Қозоғистонда, агар у ноҳалқаро ва Республикадан ташқарида бўлганида, тузиши мумкинми? Улар мустақил юридик шахслар бўла оладими?

Ўзбекистон Республикаси ФК 47-моддаси ва «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, ННТ ўз филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил қилишлари мумкин. ННТнинг ваколатхонаси у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисmini, шу жумладан, ваколатхона вазифаларини амалга оширади. ННТнинг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиш мумкин.

Ўзбекистонда ННТнинг ваколатхонаси, филиалларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари томонидан тартибга солинади. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, ННТнинг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатхона ва филиал томонидан тақдим этилган, ННТнинг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек, ННТ давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

ННТнинг юридик шахс бўлмаган ваколатхоналари ва филиалларини ҳисобга олиш ННТ марказий раҳбар органлари томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек, ННТ давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Ушбу ҳолатда чет элда филиални очиш Қозоғистон қонунлари томонидан тартибга солинади. Қозоғистондаги филиал фаолиятини қандай тартибга солишни сиз ўзингизнинг ННТ ва унинг Низомида тасдиқланган қоидалар асосида амалга оширасиз.

Негаки, ННТ Низомига унинг тузилиши ва ҳудудий фаолиятига тегишли бўлган ўзгартиришлар киритилади, шунда сиз албатта ўз ННТнгизни республика ёки Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг халқаро ташкилотида қайта рўйхатдан ўтказишингиз зурур.

35. Филиалнинг раҳбари қандай тайинланади?

Бўлинма раҳбари бўлинма ҳисобланган ва бўлинма томонидан берилган ишончнома асосида фаолият юритаётган юридик шахс томонидан тайинланади.

36. Ҷамоат бирлашмаларининг бўлинмалари жойлашган ерни кўрсатиш керакми?

«Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмасининг Низомида жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд кўзда тутилиши керак. Демак, ваколатхоналар ва филиаллар (бўлинмалар) уларни тузган юридик шахснинг Низомида кўрсатилиши лозим.

37. ННТни рўйхатдан ўтказиш учун қанча тўлаш лозим?

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари Низомларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида»ги қарорга мувофиқ, жамоат бирлашмалари Низомларини рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги миқдорда давлат божи белгиланган:

- халқаро жамоат бирлашмалари учун – йигирмата энг кам иш ҳақи ва 100 АҚШ доллари миқдорида эркин конвертацияланувчи валютадаги давлат божи;
- республика ва вилоятлараро – йигирмата энг кам иш ҳақи;
- бошқа жамоат бирлашмалари учун – ўнта энг кам иш ҳақи.

Мабодо, жамоат бирлашмасини рўйхатдан ўтказишда рад жавоби берилганда ва мазкур қарор ўзгартиришсиз қолдирилганда давлат божи қайтариб берилмайди.

«Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги Низомга мувофиқ, юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун (масалан, ННТ бирлашмасини) бешта энг кам иш ҳақи миқдорида давлат божи олинади.

Афсуски, қонуларда ННТнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллариини давлат рўйхатидан ўтказиш учун олинадиган давлат божи миқдори кўрсатилмаган, хусусан, жамоат жамғармалари учун ҳам. Масалан, «Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонунда давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи тўлангани ҳақида банк тўлов ҳужжати тақдим қилиниши талаб қилинади. Гарчи амалда ҳозирги пайтда барча ННТ «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари Низомларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳақида»ги қарорда белгиланган давлат божи миқдори асосида бож тўлайди.

38. Таъсис мажлиси ўтказилиб, унинг Низоми қабул қилинганидан сўнг қанча муҳлат ичида жамоат бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш учун адлия органларига ҳужжат топшириш зарур?

«Жамоат бирлашмалари Низомини давлат рўйхатидан ўтказиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш ҳақида»ги қоидаларга мувофиқ, жамоат бирлашмаси Низомини рўйхатдан ўтказиш учун у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида адлия органига ариза бериш керак.

39. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида чиқариладиган қарор муҳлати қанчадан иборат?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган адлия органи уларни икки ойлик муддат ичида кўриб чиқади ҳамда ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш

ҳақида қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кун ичида муассисларга давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ёки қонун ҳужжатларининг қайси қоидалари бузилгани давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга олиб келгани ҳақида аниқ кўрсатилган ҳужжат беради.

«Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги Низомга мувофиқ, юридик шахсларнинг бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (масалан, ННТ уюшмаси) давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги аризага керакли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда топширилган дақиқадан бошлаб ўн кун ичида амалга оширилади.

Шуни қайд этиш лозимки, «Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, жамғармани давлат рўйхатидан ўтказиш ёки жамғарманинг ваколатхоналари ва филиалларини ҳисобга киритиш учун берилган ҳужжатларни қабул қилиб олган рўйхатдан ўтказувчи орган бир ой ичида давлат рўйхатидан ўтказилгани ёки ҳисобга киритилгани ёхуд давлат рўйхатидан ўтказилмагани ё ҳисобга киритилмагани ҳақида қарор чиқариб беришга мажбур.

Афсуски, ҳозиргача ННТни рўйхатдан ўтказишда қонунларда қарама-қаршиликлар бор. Мисол учун, «Жамоат бирлашмаларининг Низомини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари»нинг 3-бандига мувофиқ, зарур бўлган ҳолларда рўйхатдан ўтказувчи орган тегишли ташкилотларга жамоат бирлашмасининг Низомини экспертизадан ўтказишни топшириши, шу сабаб туфайли аризани кўриб чиқиш муддати узайтирилиши мумкин, лекин бир ойдан ошмаслиги лозим. Бундан ташқари, ушбу бандга мувофиқ, ННТ Низомини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш натижасида рўйхатдан ўтказувчи орган қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1. Низомни рўйхатдан ўтказиш;
2. Рўйхатдан ўтказишга рад жавоби бериш;
3. Аризани кўриб чиқмасдан қолдириш.

Аризани кўриб чиқмасдан қолдириш ҳақидаги қарор ариза берувчиларга ёзма шаклда етказилади. Уларга барча камчиликлар бартараф қилинган, давлат божи тўламасдан жамоат бирлашмасининг Низомини давлат рўйхатидан ўтказиш учун қайта ариза ёзиб топшириш ҳуқуқлари тушунтирилади. Низомни рўйхатдан ўтказиш учун ариза ёзиб қайта мурожаат қилинганда ариза берилгандан кейин уч ой муҳлат тугагач, кўриб чиқилмаса, рўйхатдан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи умумий асосларда олинади.

Жамоат бирлашмаси Низомини рўйхатдан ўтказиш учун берилган аризани кўриб чиқмаслик ҳақидаги қарор «ННТ ҳақида»ги қонунга мутлақо зиддир. Лекин шунга қарамасдан, ушбу вазият ҳозиргача қўлланилади.

40. Қандай ҳолларда ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш рад қилинади?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

- ННТ таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиқ ва маънавиятига таъовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;
- ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар лозим даражада расмийлаштирилмаган бўлса;
- ҳужжатлар Низом қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ўтганидан кейин тақдим қилинган бўлса;
- илгари худди шу номдаги ННТ рўйхатдан ўтказилган бўлса;
- ННТни тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки унинг таъсис ҳужжатларида қонунга номувофиқликлар бўлса;
- рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри маълумотлар келтирилгани аниқланган бўлса;
- ННТ номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилса;
- ННТ таъсис ҳужжатларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига зид қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам рад этилиши мумкин.

Шуни унутмангки, таъсис ҳужжатларида грамматик ва стилистик хато-ларнинг мавжуд бўлиши рўйхатдан ўтказувчи орган унинг кам-қўстини тўлдириб, охиригача етказиш учун қайтариб беришига олиб келади. Шунинг учун ҳам ННТ таъсис ҳужжатларининг мазмуний матни, услуби, грамматикасини батафсил текшириб чиқиш зарур.

41. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ННТ таъсис ҳужжатлари бўйича бериладиган фикр-мулоҳазалар тартиби қандай?

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан сизнинг ННТнинг таъсис ҳужжатларига тегишли ҳар қандай фикр-мулоҳазалар, камчиликлар ёзма равишда мансабдор шахс имзоси ва жўнатилаётган хатнинг қайд қилинган чиқиш рақами билан жўнатилган бўлиши керак.

42. ННТни рўйхатдан ўтказиш рад қилинганда ва ННТни рўйхатдан ўтказиш муҳлати қоидалари бузилганда шикоят қилиш мумкинми ва қаерга мурожаат этиш керак?

Ҳа, мумкин. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 26-моддасига мувофиқ, ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилгани, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилгани устидан судга шикоят қилиш мумкин.

«Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмаси Низомини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда қараб чиқилади. Халқаро ва республика ҳамда вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг Ни-

зомини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига, маҳаллий жамоат бирлашмалари Низомини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкин.

Бу жараённинг мавжудлиги сизнинг талабларингиз қанчалик тўғрилиги, даъвогар сифатидаги талабларингизни, шикоятларингизни тасдиқлайдиган исботингиз борлигига боғлиқдир. Давлат органларининг қонунга ҳилоф равишда чиқарилган қарорлари, уларнинг мансбдор шахсларининг фаолияти (фаолиятсизлиги) уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний талабларини бузса, ННТ судга шикоят қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинишини унутмаслик муҳим («ННТнинг қафолатлари тўғрисида»ги 10-моддасига биноан).

43. ННТнинг турли шаклларида давлат рўйхатидан ўтказишда имтиёзлар берилганми?

«Жамоат бирлашмалари Низомини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, ногиронлар, ветеранлар, аёллар ва болалар жамоат бирлашмаларининг Низомини рўйхатдан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномани бериш учун 25 фойиз миқдорда давлат божи олинади.

Рамзий белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун жамоат бирлашмалари учун белгиланган 25 фойиз миқдорида давлат божи олинади.

44. Биз ННТни ушбу манзилда бошқа ташкилот рўйхатдан ўтган бўлса ҳам, шу ерда рўйхатдан ўтказишимиз мумкинми?

Ҳа, сизнинг бунга ҳуқуқингиз бор, чунки қонун бир хил манзилда жойлашган юридик шахслар сонини чегараламайди.

45. Жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказаётганда қайси манзилларни кўрсатиш лозим?

«Жамоат бирлашмалари Низомини рўйхатдан ўтказиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш қоидалари»нинг 2-бандига мувофиқ, раҳбар орган аъзоларининг ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, сайланган вазифаси, туғилган йили, санаси, уй манзили ва телефони ҳақидаги маълумотларни кўрсатиш зарур, шунингдек, керакли уй-жойни ижрага берувчининг розилик хати ва ташкилотнинг раҳбар органлари жойлашган манзил ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим қилиш керак.

Сизнинг ташкилотингизнинг раҳбар органи жойлашган манзил сифатида сиз оддийгина қилиб ўз ташкилотингиз жойлашган манзилни кўрсатишингиз мумкин.

46. Бизнинг ННТнинг фаолияти суд қарорига асосан тўхтатиб қўйилди. Биз барча камчиликларни тугатиб, ташкилотимизни яна бир марта рўйхатдан ўтказишни хоҳлаймиз. Биз шундай қила оламизми?

Агар ННТ юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тугатган бўлса, унда у юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан чиқариб юборилади, демак, янги тузилма билан ҳеч қандай боғлиқлик йўқ бўлиб, янги ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

47. Биз давлат органи юридик хизмати ходимларимиз. Ўзимизнинг жамоат бирлашмамизни тузишимиз мумкинми?

Ҳа, тузишингиз мумкин. «Давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ҳақида»ги қарорга мувофиқ, юридик хизмат ходимлари умумманфаатларини ҳимоя қилиш ва ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда жамоат бирлашмаларини тузишлари мумкин.

48. Биз ННТни туздик ва давлат рўйхатидан ўтиш даражасида турибмиз. Бизнинг юридик ёки жисмоний шахслардан турли лойиҳаларни бажариш учун хайр-эҳсон ёки ҳомийлик ёрдами олишга ҳуқуқимиз борми?

То давлат рўйхатидан ўтгунча сизнинг ННТнгиз юридик шахс ҳисобланмайди ва шунинг учун тузилган деб саналмайди. Демак, юридик шахс ҳуқуқларига эга эмас, мол-мулкка эгалик қилолмайди ҳамда бошқара олмайди. Аммо сиз рўйхатдан ўтказилаётган ННТ пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларининг шаклланиш манбалари сифатида ҳомийлик ёрдами йўналтиришингиз мумкин. Аммо бундай ёрдам олиш учун асос керак, шунинг учун сизнинг ташкилотингиз раҳбар органи рўйхатдан ўтказилаётган ННТнинг мол-мулкнинг шаклланиши сифатида ушбу ёрдам олиш учун тузилган далолатномани имзолаши керак. Шунингдек, «Жамоат бирлашмаларининг Низомини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш қоидалари»га мувофиқ, рўйхатдан ўтказиш аризасига илова қилинган, жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ҳақидаги декларацияда албатта кўрсатиш зарур.

49. Биз ННТни жамоат бирлашмаси кўринишида рўйхатдан ўтказмоқчи эдик, лекин бизга рад жавоби беришди, яъни биз шуғулланмоқчи бўлган фаолият доираси давлат органлари томонидан қамраб олингани сабабли бизнинг ташкилот тузишимизнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ экан. Адлия органлари тўғри иш қилишдими?

Йўқ, нотўғри. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, ННТни тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан ННТни тузишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи таъсисчиларнинг ихтиёрий равишда ННТни тузишлари асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 44-моддасига мувофиқ, юридик шахс тузиш мақсадга мувофиқ эмас, деган ваз билан рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

50. ННТ тузилганидан кейин қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, рўйхатдан ўтказилган дақиқадан бошлаб, ННТ маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. ННТ ҳуқуқлари:

- ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

- ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;
- ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;
- оилавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- Низомда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;
- ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

ННТ қонунга мувофиқ ахборотни сақлаш ва фойдаланиш, тарқатиш, излаш, олиш ва ўрганиш ҳуқуқига эга. ННТ сўровига жавоб имкони бори-ча қисқа муддатда берилиши, агар қонунда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, сўроқ олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ошмаган бўлиши керак. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ, ННТ:

- қонун ҳужжатларига риоя этиши;
- ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;
- ННТни рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаятган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;
- рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, халқаро ҳамда чет эл ННТ ваколатхоналари ва филиаллари ҳамда бундай ваколатхоналарнинг (филиалларнинг) ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирор-бир сиёсий фаолиятда ва ваколатхона ёки филиалнинг Низомда белгиланган мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда иштирок этишга ҳақли эмас. Уларнинг сиёсий партиялар ҳамда оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган амалий ҳаракатлар ва тадбирларни молиялаштиришига, шунингдек, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқишига ҳамда шундай ташкилотлар тузишни қўллаб-қувватлашига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, ННТ қонунда кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади.

III БОБ

ННТ хўжалик ва молиявий фаолияти ҳақидаги масалалар

Кўпгина ННТ Низомда кўрсатилган фаолиятларини амалга ошириш учун тижорат фаолияти билан шуғулланадилар. Бунинг натижасида кўпчилик ҳолларда тез-тез хилма-хил саволлар туғилади. Ушбу бобда биз тез-тез учрайдиган ва муҳим бўлган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

1. Кўпгина ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, бу қонунга хилоф эмасми ва тадбиркорлик фаолияти деганда нималар тушунилади?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 30-моддасига мувофиқ, ННТ қонун билан таъқиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

ННТ томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосидагина амалга оширилишини унутмаслик лозим.

«Тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш кафолатлари ҳақида»ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, ушбу қонун нотижорат ташкилотларининг ўз хусусиятига кўра тадбиркор бўлган қисми фаолиятига қўлланилади.

ННТ учун энг асосийси тадбиркорлик фаолияти ва ундан фойда олиш ННТ фаолиятининг асосий мақсади бўлмаслиги керак.

2. ННТнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад нималарга сарфланиши мумкин, харажатлар суммаси бўйича бирор-бир чеклашлар мавжудми?

Маблағ билан таъминлашнинг фақат кўшимча манбаларини таъминлаш учунгина тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади. ННТ тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган фойда нотижорат ташкилотларининг ёки аъзоларининг орасида қайтадан тақсимланмайди, балки Низомда кўзланган мақсад сари йўналтирилади (ННТнинг Низомда кўрсатилган фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш, ойлик иш ҳақи, офис ижараси учун пул тўлаш, буклетлар нашр қилиш ва ҳоказо).

Шунингдек, «Жамоат бирлашмалари ҳақида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан ҳатто ўз Низомида кўрсатилмаган бўлса ҳам, хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

«Хайр-эҳсон ҳақида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, хайрия ташкилотларида хайрия дастурларини маблағ билан таъминлаш учун (хайрия дастурларини амалга ошириш учун қатнашувчи шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, хайрия дастурларини амалга ошириш ишлари билан боғлиқ бўлган

бошқа харажатларни ҳам киритган ҳолда) қонун рухсат берган тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар, шу жумладан, тижорат тузилмалари таъсис этган хайрия ташкилотларидан тушган тушумлар, бир молия йилида тушган фойданинг 80 фойизидан кам бўлмаган миқдори ишлатилган бўлиши керак.

Шунингдек, ННТ баъзи бир хил кўринишлари, хусусан, жамоат жамғармалари ва хайрия ташкилотларида ташкилотни таъминлаш учун сарф қилинадиган йиллик сумма (фаолият билан боғлиқ бўлган барча харажатларни киритган ҳолда) ушбу ташкилотлар томонидан бир молия йилида сарф қилинадиган молия маблағларининг 20 фойизидан ошмаслиги керак («Хайрия ҳақида»ги қонуннинг 9-моддаси ва «Жамоат жамғармаси ҳақида»ги қонуннинг 24-моддаси). Бу чеклашлар хайрия дастурларини амалга оширишда қатнашувчи шахсларнинг меҳнат ҳақини тўлашга татбиқ этилмайди.

Барча бошқа ННТ Низомдаги мақсадларини амалга ошириш учун йўналтирилган харажатлар суммасига қўйилган чекловлар мавжуд эмас.

3. ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун тўловга қурби етишини тасдиқлайдиган Низом жамғармаси ёки бошқа бирор воситаларга эга бўлиши керакми?

ННТга келганда «Низом капитали» ёки «Низом жамғармаси» каби категориялар қонунда белгиланмаган, улар учун мол-мулкнинг ҳажми ва таркибига қандайдир мажбурий талаблар кўзда тутилмаган.

Аммо ННТ шўъба тижорат ташкилотини тузса, унда ана шу тижорат ташкилотига Низом маблағларини шакллантириш учун қонунда назарда тутилган барча талаблар жорий қилинади.

4. ННТ солиқ тўлаши керакми ва улар учун бирор-бир имтиёзлар мавжудми?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 32-моддасига мувофиқ, ННТ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар тўлайди.

Лекин ННТ умумфойдали ишлар билан шуғулланиши ва нотижорат ташкилотлари бўлгани учун қонунларда солиқларни тўлаш бўйича қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

Солиқлар рўйхати:

- юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқ – нотижорат ташкилотлари даромад солиғидан озод қилинадилар (Ўзбекистон Республикаси, СК, 126-модда);
- қўшимча қиймат солиғи – нотижорат ташкилотлари қўшимча қиймат солиғидан озод қилинганлар, фақат ННТ юридик шахслар категориясини олганда уларга Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмаганлар томонидан амалга ошириладиган ва ННТ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни импорт қилишганда қўшимча қиймат учун солиқ тўлаш мажбуриятлари юкланган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон Республикаси, СК, 197-модда);

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш – нотижорат ташкилотлари юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқдан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси, СК, 265-модда);
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи – нотижорат ташкилотлари ер солиғидан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси, СК, 279-модда);
- сув ресурсларидан фойдалангани тўғрисидаги солиқ – нотижорат ташкилотлари сув ресурсларидан фойдалангани тўғрисидаги солиқдан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси, СК, 257-модда);
- ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи – нотижорат ташкилотлари ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси, СК, 295-модда).

Агар ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, унда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланишини ёдингиздан чиқарманг.

5. ННТ солиқлардан ташқари, яна қандай мажбурий тўловларни тўлаши керак ва бу тўловлар учун ҳам имтиёзлар борми?

ННТ худди бошқа юридик шахслар каби Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган қатор мажбурий тўловларни тўлаши лозим. Аммо ННТ умумфойдали ишлар билан шуғулланиб, нотижорат ташкилотлари бўлгани учун қонун томонидан мажбурий тўловларни тўлашда қатор имтиёзлар белгиланган. Мажбурий тўловлар рўйхати:

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси учун ажратиладиган мажбурий ажратмалар – нотижорат ташкилотлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси учун ажратиладиган мажбурий ажратмалардан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси, СК, 312-модда);
- Республика Йўл жамғармасига ажратиладиган мажбурий ажратмалар – нотижорат ташкилотлари Республика Йўл жамғармасига ажратиладиган мажбурий ажратмалардан озод қилинган (Ўзбекистон Республикаси, СК, 316-модда);
- мактаб таълимини ривожлантириш учун ажратиладиган мажбурий ажратмалар – нотижорат ташкилотлари мактаб таълимини ривожлантириш учун ажратиладиган мажбурий ажратмалардан озод қилинган («Мактаб таълимини ривожлантириш учун ажратиладиган ва тўланадиган мажбурий ажратмалар тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 5-банди);
- бир марталик ижтимоий тўлов – ННТ бир марталик ижтимоий тўлов солиғини тўлаши керак (Ўзбекистон Республикаси, СК, 305-модда);
- ННТ давлат ва божхона божларини қонунда белгиланган тартибда тўлайди. ННТ давлат органларининг ноқонуний чиқарган қарорлари устидан судга шикоят қилганда, мансабдор шахслар ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари билан уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний талабларини бузганларида давлат божини тўлашдан озод қилинадилар.

Алоҳида ННТ улар ҳатто тадбиркорлик фаолиятини амалга оширганларида ҳам бир қатор солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси СКга мувофиқ (158-модда), умумий ҳисобда 50 фойиздан кам бўлмаган ногиронлар ишлайдиган, шахсан ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига қарайдиган «Нуроний» жамғармаси, «Ўзбекистондаги чернобилликлар» уюшмаси каби ташкилотлар ҚҚСни тўлашдан, юридик шахсларнинг даромад солиқларидан озод қилинадилар. Фақат юридик шахсларнинг воситачилик, савдо-сотик, тайёрлаш, таъминот, тарқатиш фаолиятини амалга оширишда реализация қилинган пул айланмаси бундан истисно.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг СК 319-моддасига мувофиқ, адвокатлар томонидан кўрсатилган адвокатлик ёрдами билан боғлиқ бўлган адвокатлар коллегияси, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюроларининг фаолияти қисмида улар нотижорат ташкилотлари сифатида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинадилар. Божхона тўловлари, ягона ижтимоий тўлов, Республика Йўл жамғармаси учун йиғимлар ва бошқа тўловчининг манбаларидан ушланадиган бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар бундан истиснодир.

Шуни қўшимча қилиш керакки, SOS – Ўзбекистондаги болалар қишлоқлари уюшмасининг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг ягона ижтимоий тўловни тўлаши 70 фойизли ставка асосида амалга оширилади.

6. ННТ тадбиркорлик фаолияти билан қай тарзда шуғулланиши мумкин?

ННТ тадбиркорлик билан бевосита Низомга мувофиқ ёки юридик шахсларнинг тижорат шўъбаларини тузиш («ННТ ҳақида»ги қонуннинг 7-моддаси), масалан, МЧЖ орқали шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик фаолиятининг даромади ва харажати бўйича ҳисоб хайр-эхсон ва бошқа мақсадли тушумлардан алоҳида ҳолда олиб борилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан қай тарзда шуғулланиши ННТнинг чиқарган қарорига боғлиқ.

7. ННТ қасодга учраши мумкинми?

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 57-моддасига мувофиқ, суд қарорига асосан фақат тижорат ташкилотларигина банкрот деб эътироф этилади. Нотижорат ташкилотлари орасида эса фақат жамоат жамғармасининг ташкилий-ҳуқуқий шаклдагиси ёки ишлаб чиқариш кооперативи банкротлиги тан олинади. Бироқ ННТ агар тадбиркорлик билан шуғулланса, унда «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, ННТ ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга асосан ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради. Бундан ташқари, «Банкротлик ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасида қарздор тўғрисида тушунча берилади – бу пул маблағлари ёки мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятларини бажара олмаган, кредиторларнинг талабларини қондиришга лаёқатсиз бўлган юридик шахс ёки алоҳида тадбиркордир. ННТ эса юридик шахс ҳисобланади. Демак, ННТ банкрот бўлиши мумкин.

Умуман олганда, Рнспубликада ННТ банкрот деб тан олинганида бир катор прецедент (ўхшаш бўлмаган) воқеалар содир бўлиб ўтган.

8. ННТнинг шўъба тижорат тузилмаларини рўйхатдан ўтказишнинг қандайдир махсус қоидалари мавжудми?

ННТ учун шўъба тижорат тузилмаларини рўйхатдан ўтказишнинг қандайдир алоҳида қоидалари йўқ. ННТ томонидан тузиладиган тижорат тузилмалари тижорат ташкилотлари учун қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. ННТнинг шўъба тижорат ташкилоти Низомида ушбу ташкилот томонидан олинадиган даромад ННТнинг Низомида кўрсатилган фаолият учун ишлатилади, деган сўзларни белгилаб қўйиш жуда муҳим. Аммо юридик нуқтаи назардан бундай қилиш мажбурий бўлмаса ҳам, лекин бу келгусида шўъба корхона томонидан олинган даромадни ишлатиш бўйича низолар келиб чиқиши эҳтимолининг олдини олади.

9. ННТ бошқа тижорат ташкилотлари билан биргаликда тижорат юридик шахс ташкилотини тузишда қатнашиши мумкинми?

Ҳа, бўлади. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ННТ учун тижорат ташкилотлари билан янги тижорат ташкилотларини биргаликда тузиш ҳақида ҳеч қандай чекловлар назарда тутилмаган. Шунингдек, тартибга кўра бир нечта ННТ қўшма тижорат корхоналарини тузишлари мумкин.

Бироқ «Жамоат жамғармалари ҳақида»ги қонуннинг 22-моддасига асосан, тижорат ташкилотларининг Низом жамғармаси (Низом капитали)да жамғарманинг қатнашиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда амалга оширилади (афсуски, ҳозирча ушбу тартиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тартибга солинмаган).

Кейинчалик ННТ томонидан тузилган тижорат тузилмасининг фаолияти ёки унинг қатнашуви тижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонунларга мувофиқ тартибга солинади.

10. Бизнинг ННТмиз аҳолига хизмат кўрсатадиган шўъба корхонасига эга. ННТнинг Низомда кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун шўъба корхона 90 фойиз даромадини бизга ўтказди. У даромад солиғини тўлаши керакми?

Ўзбекистон Республикаси СК 159-моддасига асосан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади жамоат бирлашмаларининг қарамоғида бўлган шу бирлашмаларнинг Низомдаги фаолиятини амалга ошириш учун йўналтирилган корхоналар даромадидан ажратиладиган сумма миқдорида қамайтирилади.

Ушбу кўрсатилган имтиёзлар нотижорат ташкилотларининг мулкчи ҳисобланган ташкилот ва бошқа тузилмаларга тегишлидир, яъни бу жамғармалар ва жамоатлар томонидан Низом капитали 100 фойиз миқдорида бўлиб берилган. Агар нотижорат ташкилоти ташкилотнинг таъсисчиларидан бири бўлган ҳолларда, яъни тузилаётган ташкилотнинг Низом капитали ННТ маблағлари ҳисобидан тўлиқ шаклланмаган тақдирда унда бунақа ташкилотга юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Тадбиркорлик фаолияти ва хизматларининг баъзи бир хил турлари учун имтиёзлар мавжудлигини унутмаслик керак.

11. Бизнинг ННТ қарамоғида компьютерда ишлашни ўрганиш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар кўрсатадиган кичик тижорат ташкилоти бор. Солиқ солиш бўйича қандайдир имтиёзлар кўзда тутилганми?

Компьютерда ишлашни ўрганиш ва бошқа хизматлар тадбиркорлик фаолиятига киради, демак, қонунга мувофиқ тарзда солиқ тўлаш керак. Бироқ компьютерда ишлашни ўрганиш бу шундай хизмат бўлиб, «Солиқ ва ЯСБ бўйича қўлланиладиган имтиёзлар тартиби тўғрисида»ги қоидага мувофиқ, кичик ташкилотлар 2006 йил 1 апрелдан бошлаб то 2012 йил 1 январигача даромад солиғини тўлашдан озод қилинганлар.

Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш олдидан ўзингизнинг маҳаллий солиқ органларингиз вакиллари билан маслаҳатлашиб олинг, эҳтимол, сиз солиқлар бўйича қандайдир имтиёзлар ҳуқуқига эга бўлишингиз мумкин.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ННТ алоҳида шўъба корхона тузмай туриб ҳам тижорат фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

12. Агар ННТ шўъба корхона тузмай туриб, ўзининг Низомдаги фаолиятини маблағ билан ёрдам бериш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлса, бирор-бир жойда рўйхатдан ўтиши ва бирор-бир рухсатнома олиши мумкинми?

Йўқ. ННТнинг ҳеч қаердан рўйхатдан ўтиши ва бирор-бир рухсатнома олиши керак эмас. Агар ННТ режалаштираётган тижорат фаолияти билан шуғулланиш лицензиялашга тааллуқли бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

ННТ қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин.

13. ННТ хайрия лотереясини ташкил қилиши мумкинми?

Ҳа, ННТ хайрия лотереясини ташкил қилиши мумкин. Бундан ташқари, «Хайр-эҳсон тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида аукционлар ва лотереялар ўтказиш қонун белгиланган тартибда хайрия ташкилоти мол-мулкни шакллантириш манбаларидан бири деб кўрсатилади. Аммо лотереяни ташкил қилиш фаолияти тижорат, хусусан, лицензияланган фаолиятга тегишли бўлгани учун «Лотереяларни ташкил қилиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қоида билан тартибга солинади ва қонунда белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилиши керак. Шунинг учун ҳам, эҳтимол, сиз энг яхшиси хайрия аукционини ўтказишингиз мумкин.

14. Бизнинг ННТмиз микрокредит фаолияти билан, агар бу фаолият Низомда кўзда тутилган бўлса, шуғулланиши мумкинми?

«Микрокредит ташкилотлари ҳақида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан, микрокредит ташкилотлари қонунга мувофиқ равишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин. Сизнинг ННТнгиз тижорат шўъба корхонаси сифатида микрокредит ташкилотини тузиши мумкин. Аммо бевосита микрокредит фаолияти

соҳаси бўйича шуғулланишга ҳуқуқи йўқ. «Микрокредит ташкилотлари ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, микрокредит ташкилоти фақат микрокредитлаш билан шуғулланишини унутмаслик керак.

15. Бизнинг ННТмиз иқтисодий аҳволини яхшилаш учун пулли семинарлар ташкил қилишга қарор қилди. Фаолиятнинг бу кўриниши бўйича бизлар қандай солиқлар тўлашимиз керак?

Пулли семинарларни ўтказиш фаолияти тадбиркорликка киради ва шундай экан, сиз қонунда белгиланган тартибдаги солиқлар, мажбурий тўловлар ва қонунда кўзда тутилган ажратмаларни тўлашингиз керак (4–5-саволларга қarang).

16. ННТ ягона солиқ тўловига ўтиши мумкинми?

Молия Вазирлиги, статистика бўйича, Давлат Қўмитаси ва Давлат Солиқ қўмитасининг 30.08.07 й. 13/1-8833 рақамли тушунтириш хатига мувофиқ, ННТ ягона солиқ тўловини тўлашга ўта олмайди.

17. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ННТ учун қандайдир махсус имтиёзлар борми?

Афсуски, тижорат фаолияти билан шуғулланаётган ННТ учун қандайдир махсус имтиёзлар қонунда кўзда тутилмаган (5-саволда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари).

Унутманг, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қонунга қатъий риоя қилиш керак.

18. ННТ жисмоний шахсларга юридик хизмат кўрсатади. Счёт-фактура ёзиб бериш шартми?

Ҳа. Ўзбекистон Республикаси СК 222-моддасига мувофиқ, қўшимча қиймат солиғи солинадиган айланма маблағ ва ушбу солиқдан озод қилинган айланма маблағни амалга ошираётган юридик шахслар, шунингдек, қўшимча қиймат учун солиқ тўламайдиган юридик шахслар товарни (ишлар, хизматлар) қабул қилиб олаётган шахсларга счёт-фактура ёзиб беришга мажбурдир.

Қарийб, барча ННТ ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга тайёрланган вақтдан бошлаб кўчмас мулк ва бинони ижарага олиш соҳасидаги саволларга тўқнаш келади. Келинг, ишлардан баъзиларини кўриб чиқайлик.

19. ННТ кўп қаватли уйдан офис учун хона ижарага олиши мумкинми?

Ҳа, олиши мумкин. Фақат Ўзбекистон Республикаси ТЖКнинг 9-моддасига мувофиқ, кўп қаватли турар жойдан муассаса ва ташкилотлар учун жой олиш бундай хонани белгиланган тартибда одам яшамайдиган ҳолга келтирилгандан кейингина рухсат берилади.

20. Ижара тўлови бўйича ННТ учун қандайдир имтиёзлар мавжудми?

Ҳа, «Энг кам ижара ставкалари ҳақида»ги халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори билан жамоат ташкилотлари бошқаруви аппарати учун 2009 йилда ижара ҳақининг энг кам миқдордаги ставкаси 1 кв.м. учун 1100 сўм қилиб белгиланган. Айни пайтда шуни назарда тутиш ке-

ракки, бу ставкалар давлат ва коммунал мулк бўлиб, нотурар жойлар учун тасдиқланган. Хусусий ижарага берувчилар ижара ставкаси микдорини мустақил равишда белгилайдилар.

Шуни назарда тутиш керакки, давлат органлари кўпинча ННТга бинони бепул ёки унча катта бўлмаган ижара ҳақи эвазига берадилар. Агар сизда бино масаласи бўйича муаммолар бўлса, эҳтимол, ўзингизнинг ННТнгизга бино сўраб, илтимос билан давлат органлари ва маҳалла вакиллариغا мурожаат қилишингиз мумкин.

21. Агар нотижорат ташкилоти бинодан ўз мақсадлари учун бепул шартлар билан фойдаланганда қандай солиқлар тўланади?

Ўзбекистон Республикаси СК 129-моддасига мувофиқ, умумий даромадга бошқа ҳар хил даромадлар ҳам киритилади. Бошқа ҳар хил даромадларга бепул олинган мол-мулк, мулкка ҳўжалик ҳуқуқи, шунингдек, ишлар ва хизматлар киради (Ўзбекистон Республикаси, СК, 132-модда). Ўзбекистон Республикаси СК 135-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчи бепул олган мулкка ҳўжалик ҳуқуқи (ушбу ҳолда ижара ҳуқуқи) солиқ тўловчининг даромади ҳисобланади.

Мулкка ҳўжалик ҳуқуқини бепул олиш асосида олаётган шахснинг даромади (ушбу ҳолда сизнинг ННТнгиз) бозор қиймати билан аниқланади.

Мол-мулкнинг бозор қиймати, мол-мулкка ҳўжалик ҳуқуқи шартнома билан тасдиқланади. Сиз ижара ҳақини ўз шартномангизда кўрсатишингиз мумкин. Лекин ижара ҳуқуқи бепул асосда ўтказилишини кўрсатиб қўйишингиз керак. Солиқлар шартнома суммасидан ҳисоблаб чиқарилади.

22. Бир йилдан ортиқ муддатга бинони ижарага бераётганда шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинади. Шартномани қайси дўлат органида рўйхатдан ўтказиш мумкин?

«Биолар ва иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақида»ги қўлланмага мувофиқ, ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат Кадастрида амалга оширилади. Агар сизнинг ННТнгиз ушбу бинони ижарага олган бўлса, унда сиз ижара шартномасини рўйхатдан ўтказишингиз керак эмас, бу иш билан ижарага берувчи шахс шуғулланиши лозим.

23. Бизнинг ННТмиз ижарага берувчининг розилигисиз ремонт қилди ва ижарага берилган хоналар ичига пардеворлар (тўсиқлар) ўрнатди. Ижара шартномаси бекор қилинганда қандай солиқлар тўлаш лозим?

Ўзбекистон Республикаси ФК 555-моддасига мувофиқ, ижарачи томонидан амалга оширилган ажралмас тузатишлар (яхшилашлар) ижарага олинган бинонинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ижара шартномаси муддати тугаши билан улар ҳар қандай ҳолда ҳам ижарага берувчига пули ёки бепул асосида қайтарилиши керак. Ижарага берувчининг розилигисиз сиз томондан бажарилган ремонтнинг қиймати, агар бошқа ҳолатлар қонунда назарда тутилмаган бўлса, тўланмайди.

Модомики, сизнинг бу ҳолатингизда тузатишлар (яхшилашлар) ижарага берувчининг розилигисиз бажарилгани учун ажралмас яхшилашлар (тузатишлар)нинг қиймати амортизацияли мол-мулкни шакллантирмайди. Ўрнатилган капитал тўсиқлар учун сарф қилинган харажатлар ижарага берувчига тўланмаслиги ҳақидаги фактни ҳисобга олган ҳолда уларни ижарага берувчига бепул баҳолаш каби қайтарилади. Шу билан бирга ижарага берувчидан олган ажралмас яхшиланиш (тузатишлар)нинг қиймати даромад ҳисобланмагани учун, демак, солиқ тўланмайди, бироқ ажралмас яхшиланишлар (тузатишлар)ни ижарага берувчига бепул қайтарилса, унда ҚҚС солиғи тўланади.

24. Бизнинг ННТмиз ходимимиз бўлмаган жисмоний шахсдан шартнома бўйича бинони ижарага олган. Биз тўлов манбаи ҳисобланамизми ва биздан даромад солиғи ўшлашлари керакми?

Ҳа, сизнинг ННТнгиз Ўзбекистон Республикаси СК 184-моддасига мувофиқ, тўлов манбаи ҳисобланади. Унда белгилангани бўйича, тўлов манбаидан олинган жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига мол-мулкни юридик шахсга ижарага берган жисмоний шахсларнинг даромади қиради.

25. Бизнинг ННТмиз бино эгаси билан 2 йилга ижара шартномаси тузди. Аммо унинг эгаси жойини сотди. Бизнинг ижара шартномамиз ўз кучини сақлаб қоладими?

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси УЖК 92-моддасига мувофиқ, ижарага берилган турар жой биносининг эгалик (мулкка эгалик) ҳуқуқи ёки бошқа мулккий ҳуқуқларининг ўзга шахсга ўтиши ижара шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бинонинг собиқ эгаси янги эгасини сизга 2 йил муҳлатга ижарага бергани тўғрисидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олганини хабардор қилиши керак эди.

26. Квартира эгаси квартирасининг бир қисмини (2 та хонасини) нотурар жойга айлантириши мумкинми?

«Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш ва рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштириш ҳақида»ги Йўриқ-номанинг 56-чи Иловасига мувофиқ уй-жойни турар жой бўлиб ҳисобланмайдиган категорияга ўтказиш учун тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциясига ариза бериш зарур. 18-кун ўтгач Сизга расмийлаштиришга рухсат берувчи ҳужжатларни Иловага мувофиқ: бинонинг архитектура режалаштириш топшириғи (техник шартлари билан биргаликда); уй-жойни турар жой бўлиб ҳисобланмайдиган категорияга ўтказиш ҳақидаги ҳокимнинг қарорини; Госкомземгеодезкадастр ҳудудий хизматнинг руйхатга олиш ҳақидаги тегишли гувоҳномаси берилади.

Шунингдек, «Кўп қаватли уйлардаги нотурар жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги қоидалар билан танишиб чиқишни сизга тавсия қиламиз.

27. Нотурар жойни бошқа ташкилотга ижарага бериш ҳақидаги саволни тушунтириб беринг.

Ўзбекистон Республикаси ФК 535-моддасида ижара шартномасининг моҳияти ҳақида қуйидагича тушунча берилади: ижарага берувчи мол-мулкни ижарачига пулга бериш ва унга вақтинчалик эгалик қилиш ёки фойдаланиш мажбуриятини олади. Шу муносабат билан ижарачига мол-мулк муносабатига келганда фақат вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи берилгани сабабли ижарачи баланс ҳисобларидан олинган асосий ижара воситаларини ҳисобга олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ФК 546-моддасига мувофиқ, ижарачи ижарага берувчининг розилиги билан эгаллаб турган мол-мулкни бепул фойдаланишга беришга ҳуқуқи бор.

Бундай ҳолатларда мол-мулкка эгалик ҳуқуқи ўтиб кетмайди ва уни бепул бериш олди-сотди шартномасида кўзда тутилганидек, қайта ижарага қўйиш шартномасининг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қайта ижарага олиш ҳолатлари юз берганида ижарачи томонидан ижарага олинган асосий маблағларни баланс ҳисобидан чиқариб ташлаш амалга оширилади, уларга нисбатан вақтинчалик эгалик қилиш ёки фойдаланиш ва ижара шартномаси бўйича мажбуриятлар бошқа ижарачига берилиб, янги ижарачи эса кўрсатилган асосий маблағларни ўзининг баланс ҳисобига ўтказиши керак.

Ҳар қандай ташкилотда бўлгани каби, ННТда ҳам ўзининг мол-мулки бор. Ундан фойдаланиш ҳақидаги саволларни кўриб чиқамиз.

28. Инвентарь таркибига нималар киритилади?

«НСБУ № 4»га мувофиқ, инвентарь таркиби ва хўжалик ашёларига қуйидаги критерий (ўлчов)лардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади:

- а) хизмат муддати бир йилдан кам бўлмаган;
- б) сотиб олинаётган пайти қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик маротаба миқдоридаги, битта (тўплам) хизмат муддатига боғлиқ бўлмаган буюмлар.

Ташкилот раҳбари ҳисоб сиёсатида инвентарь таркиби ва хўжалик ашёлари, буюмларни ҳисобга олиш учун энг кам қиймат ҳажми чегарасини белгилашга ҳуқуқи бор.

Нархи ва хизмат муддатига боғлиқ бўлмаган инвентарь таркиби ва хўжалик ашёларига қуйидагилар киради:

а) махсус инструментлар (асбоблар) ва мосламалар (мақсадга қаратилган маълум бир маҳсулотларни серияли ва оммавий ишлаб чиқарадиган ёки махсус буюртма асосида тайёрланадиган инструментлар (асбоблар) ва мосламалар);

б) махсус ва санитар кийим-кечаклар, махсус оёқ кийимлари;

в) ётар-жой буюмлари (кўрпа-тўшаклар);

г) канцелярия буюмлари (калькуляторлар, стол усти ашёлари ва ҳоказо);

д) емакхона ва ошхона инвентарлари, шунингдек, ошхона учун сочиқ-дастурхонлар;

е) вақтинчалик (нотитул) қурилишлар, мослама ва қулай қурилишлар ҳамда уларни барпо қилиш, қурилиш-монтаж ишларининг таннархига тегишли бўлган харажатлар;

ж) бир йилдан кам бўлмаган эксплуатация муддатига эга бўлган алмаштирилувчи ускуналар;

з) овлаш қуроллари (траллар – катта копсимон тўрлар, тўрлар, ёйма тўрлар, балиқ овлаш учун тўр-матраплар, аслаҳа-анжомлар ва ҳоказолар).

29. Бизнинг ННТда қўпгина оргтехника бўлиб, улар ишлайдиган ҳолатда бўлмаса ҳам, балансда ҳисобланади. Уни ҳар йили қайта баҳолашдан ўтказиш керакми?

Ҳа, керак. «Асосий жамғармаларнинг 1 январгача бўлган ҳолати юзасидан ҳар йилги қайта нархлашни ўтказиш тартиби ҳақида»ги қонданинг 4-бандига мувофиқ, оператив бошқариш ва узоқ муддатли ижара (лизинг), хўжалик юритишлари каби ташкилотга қарашли барча асосий маблағлар, уларнинг техник ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалдаги ва фойдаланилмаётган, консервация қилинган, ҳисобдан чиқариб ташлашга тайёрланган, лекин тегишли ҳужжатлар (акт) билан белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган, шунингдек, қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун белгиланган қурол-аслаҳаларнинг қайтадан нарҳини белгилаш керак бўлади.

Асосий жамғармаларнинг 1 январгача бўлган ҳолатига қараб ҳар йили қайтадан нарҳини белгилаш ундан олдинги қайта нархлаш натижаларидан олинган объектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматига қараб амалга оширилади, бир йил давомида келиб тушадиган асосий жамғармалар бўйича эса – сотиб олиш таннархига қараб белгиланади.

30. Агар нотижорат корхонасига оператив бошқариш ҳуқуқи асосида техника (компьютер, факс, принтер) берилган бўлса, биз ана шу компьютерда Низомда кўрсатилган фаолиятимизни қўллаб-қувватлаш учун пулли хизмат (тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш)ларни бажара олашимиз ва даромад солиғини тўлашимиз керакми?

Шартнома бўйича, асбоб-ускуналар эгасининг розилигига кўра, сиз пулли хизматларни амалга оширишингиз мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромаддан солиқлар тўлашингиз керак. Асбоб-ускуналарни олиш тадбиркорлик фаолиятдан келадиган даромад эмаслигига қарамасдан, агар сиз шу асбоб-ускунадан даромад олаётган ҳолларда унда солиқларни умумий асосларда тўлаш лозим бўлади.

31. Шахсий моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида бизнинг ННТмиз томонидан чет элдан компьютер техникаси сотиб олишга қарор қабул қилинди. Илтимос, тушунтириб беринг, кўрсатилган техникани олиб кириш учун қандай божхона божлари ва бошқа тўловларни тўлаш зарур бўлади?

«Хайрия ва бошқа жамғармалар ёки жамоатларга солиқлар, йиғимлар ва божхона тўловлари учун берилган имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги қонданинг 3-бандига мувофиқ, нотижорат ташкилотлари томонидан олиб кирилган товарлар (божхона ҳужжатларини расмийла-

штириш учун олинадиган йиғимдан ташқари), шунингдек, шахсий моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун улар тузган корхона ва бошқа тузилмаларнинг, яна шунингдек, Низомдаги вазифаларни бажариш мақсадига мувофиқ олиб келинган хайрия ёрдами товарларига божхона солиқлари тўланмайди.

Ушбу имтиёзлар қонунда белгиланган истеъмол товарлари рўйхати-га тааллуқли эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини киритиш тартиби тўғрисида»ги фармони-га мувофиқ, божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар сақланган товарлар бундан истиснодир.

Модомики, компьютер техникаси, унга бириктирилган тўпламлар ва программалар билан таъминланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд қилинган фармони-га киритилган товарлар рўйхатига киргани муносабати билан ҳеч қандай божхона тўловларини тўламаслик керак. Лекин божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун олинадиган йиғимлар бундан мустасно.

Шунингдек, ушбу иловага мувофиқ, акциз солиғи ва ҚҚС солиқларини тўлаш керак эмас.

32. Бир неча йил аввал ННТда қўнгилли бўлиб ишлайдиган бир киши бизга компьютер бериб кетди, сўнгра ўзи бошқа мамлакатга кетиб, бизга ўзи ҳақида ҳеч нарса демади. Биз бу компьютерни қандай қилиб қонунлаштириб олишимиз керак?

Сиз албатта ушбу мулкни қонунлаштириб олишингиз керак. Бунинг учун сизнинг ННТда комиссия тузилади ва бу комиссия ўз қарорига қўра (бу қарорда сиз мулкни олишнинг барча тафсилотларини кўрсатиб берасиз, яъни сизнинг қўнгилли бўлиб ишлайдиган кишингиз кетиб қолгани ва ундан ханузгача ҳеч қандай хабар йўқлиги, аммо компьютер қолиб кетгани ва ҳоказолар) ушбу мулкни сизнинг ҳисобингизга ўтказиб беради. Сиз ушбу мулкнинг бозор нархини ҳужжатлар бўйича тасдиқланган маълумотлар бўйича аниқлашингиз мумкин. Улар мавжуд бўлмаган тақдирда эса – лицензияга эга бўлган, махсус нархловчининг эксперт хулосаси асосида амалга оширишингиз мумкин. Бу мулкни ННТнинг Низомда кўрсатилган фаолиятини амалга ошириш учун татбиқ қилишингизни маслаҳат берамиз. Бу ушбу мулк учун сизга солиқ тўламаслик имконини беради.

33. Бизнинг ННТмиз балансида ҳеч ким фойдаланмаётган эски компьютер бор. Уни ҳалигача эскиргани устига қўйиб ҳисобланмагани учун ҳисобдан чиқариб ташлаш мумкинми?

Ҳа, имкони бор. Мисол учун, «Асосий маблағларни балансдан чиқариб ташлаш тартиби тўғрисида»ги қоидага асосан, асосий маблағлар (ушбу ҳолатда компьютер), агар у маънавий жиҳатдан эскирган бўлса, шунингдек, улар фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган ҳолатларда, уларни тиклаш мумкин бўлмаган шартлар билан ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ

бўлмаганда ҳисобдан чиқариб ташланиши мумкин. Ҳисобдан чиқариш тартиби конунга мувофиқ равишда сизнинг ташкилотингиз томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

34. Канцелярия маҳсулотларини ҳисобдан чиқариш тартиби қандай?

«НСБУ № 4»га мувофиқ, канцелярия маҳсулотлари инвентарга киради ва ташкилот балансидан қуйидаги ҳолларда чиқарилиши мумкин:

- а) реализация қилинганда;
- б) бошқа ташкилотнинг Низом капиталига таъсис улуши сифатида ўтказилганда;
- в) аввал ташкилотнинг Низом капиталига киритилган улуш таъсисчига қайтарилганда, таъсисчилар таркибидан чиқилганда ёки тугатилаётган хўжалик субъектининг мол-мулки унинг аъзолари орасида тақсимланаётганда;
- г) бепул бериб юборганда;
- д) алмашишганда;
- е) саклаш муддати ўтганда, яроқсизлик ҳолига тушгани, жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани сабаблари билан тугатилганда (йўқотиб юборилганда);
- ж) камомад чиққанда, йўқотилганда ёки яроқсиз ҳолга келганда (синдирилганда, парчаланиб кетганда);
- з) товар займларини бериш ёки аввал олинган товар займини қайтаришда;
- и) бошқа операциялар (муомалалар) ва ҳоказоларда.

Инвентарь ва хўжалик ашёларини эксплуатацияга бериш дақиқасида уларнинг таннархи тўлалигича ишлаб чиқариш харажатлари ёки мавсумий харажатларга киритилади ва шу билан биргаликда «Инвентарь ва хўжалик ашёларининг ишлатилиши ҳақида»ги 014-моддада баён қилинади.

35. Бизнинг ННТнинг мол-мулкни инвентаризация қилишда камомад чиққани аниқланди. Айбдор ходимдан камомадни ушлаб қолиш тартиби қандай бўлади?

«Инвентаризация вақтида аниқланган камомад ва ортиқча чиққан мол-мулкка солиқ тўлаш ва бухгалтерлик ҳисоби тартиби ҳақида»ги қонуннинг 2-бандига мувофиқ, айбдор ходимдан етказилган зарар учун ўртача бир ойлик маош миқдоридан юқори бўлмаган суммада жарима солиниб, иш берувчининг буйруғига асосан ундан ҳам юқори суд тартибига қўра амалга оширилади. Зарар ҳажми инвентаризация қилинган кун шу жойда амалда бўлган бозор нархлари билан ҳисоб-китоб қилинади. Зарар ҳажми чегараси ва иш берувчининг мол-мулкига ходим етказган зарар учун моддий жавобгарлик тартиби Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси орқали тартибга солинади.

36. Камомад туфайли келиб чиққан даромад суммаси ёки зарар учун солиқ тўлаш керакми?

Ҳа, «Инвентаризация вақтида аниқланган камомад ва ортиқча чиққан мол-мулкка солиқ тўлаш ва бухгалтерлик ҳисоби тартиби ҳақида»ги қоидага мувофиқ, камомаддан чиққан даромад суммасига солиқ умумўрнатилган тартибда солинади. Камомаддан келиб чиққан зарар суммаси эса умумўрнатилган тартибда даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиққанда солиқ солинувчи базани кўпайтиради.

37. ННТнинг балансига ойнинг 25-санасигача тушадиган асосий маблағларга қайси пайтдан бошлаб амортизация ажратмалари қўшиб ёзилади?

«НСБУ № 5» 30-бандига мувофиқ, асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини қўшиб ёзиш шу объектни асосий воситалар таркибига киритилган ойдан бошлаб ойнинг биринчи санасидан киритиш бошланади ва бу объектнинг амортизация таннархининг тўлиқ қарзини узиш ёки шу объектни баланс ҳисобидан чиқариш орқали амалга оширилади.

38. Нормадан юқори ўрнатилган суткалик суммага ягона ижтимоий тўлов солиғи солинадими?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси СК 30-моддаси 1-бандига мувофиқ, нормадан юқори ўрнатилган суткалик суммага ягона ижтимоий тўловлар ва суғурта тўловлари белгиланмайди.

39. Хизмат сафарида бўлган вақтларда йўл-транспорт харажатлари учун компенсация (ҳақ тўлаш) тартиби қандай?

Ўзбекистон Республикаси СК 171-модда 7-бандига мувофиқ, амалда хизмат сафарига бориш ва қайтишдан брон ҳақини ҳам киритган ҳолда йўл-транспорт харажатлари учун тўланган ҳақлар буни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида тўланади. Транспортда юриш ҳужжатлари бўлмаган ҳолатларда – темир йўл транспортида юрган нарх ҳисобидан (агар темир йўл алоқаси йўли мавжуд бўлмаса, унда шаҳарлараро автобус), лекин авиачипта нархидан 30 фойиз кам бўлмаган нархларда тўланади.

40. Хизмат сафарида бўлган кунлар сонини қандай қилиб тўғри аниқлаш мумкин?

«Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарлари тўғрисида»ги қўлланмага мувофиқ, хизмат сафарида бўладиган жойнинг аниқ вақти хизмат сафари гувоҳномасида кўрсатилган белги билан аниқланади. Хизмат сафарига кетиш куни транспорт воситасининг 24 соат тўлиқ киритилган ҳолда жўнаб кетган кунидан ҳисобланади, 00 соатдан ва кейинги суткадан кейинроқ келган кунни эса транспорт воситасининг доимий иш жойига келган кунидан ҳисобланади. Агар станция, порт, аэропорт аҳоли истиқомат қиладиган пункт чегарасидан ташқарида бўлса, станция, порт, аэропорт-гача масофа вақти ҳисобга олинади. Ходимнинг доимий иш жойига етиб келиш куни ҳам шунга ўхшаш ҳисобланади.

41. Бизлар ўз ходимимиз учун хизмат сафари харажатлари сифатида таксида юриш ва телефонда сўзлашувлар харажатларини ҳам назарда тутга оламизми?

Ҳа, «Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафари тўғрисида»ги қўлланманинг 10-бандига мувофиқ, камдан-кам ҳолларда (кечикиб келиш, умумфойдаланадиган транспортнинг йўқлиги ва ҳоказо) ташкилот раҳбарига таксида келгани учун йўл ҳақини тўлашга ҳуқуқ берилган. Шунингдек, ушбу қўлланманинг 9-бандига мувофиқ, хизмат сафари билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар (телефонда сўзлашувлар, телеграф харажатлари ва бошқалар) хизмат сафарига жўнатилган ходимнинг уларни тасдиқловчи ҳужжатларига қараб тўланади.

42. Бизнинг ходимимизга хизмат сафарида овқатланиш, транспорт харажатлари учун тўланган сумма белгиланган нормадан юқори бўлса, бу харажатлар суммасига солиқ солинадими?

Ҳа, «Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафари тўғрисида»ги қўлланманинг 18-бандига мувофиқ, ушбу қўлланмада назарда тутилган, юқори нормалар бўйича ҳўжалик қилаётган субъект раҳбарининг қарорига биноан, ишлаб чиқариш ва бошқарув ходимларининг хизмат сафари харажатларини тўлаш, даромад солиғи бўйича солиққа солинадиган базага ва жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадига киритилади.

43. ННТ семинарда қатнашиш учун таклиф қилинган лекторлар, тренера (мураббийлар)га йўл харажатлари ва турар жойлари учун қандай ҳақ тўлашлари мумкин?

Ушбу харажатлар хизмат сафари разрядига киритилиши мумкин бўлиб, жисмоний шахсларга нақд пул сифатида шундай ҳолларда бериладики, агар у билан вақтинчалик меҳнат шартномаси ёки фуқаролик ҳуқуқий ҳусусиятига эга бўлган шартнома тузилган бўлса, шуни таъкидлаш лозимки, вақтинчалик меҳнат шартномалари ёки фуқаролик ҳуқуқий шартномаларини режалаштирилган тадбирни ўтказишда меҳнатидан фойдаланиш мумкин бўлиб келаётган жисмоний шахсларнинг бири билангина тузиш мумкин. Бошқа мақсадлар билан келаётган шахсларни қабул қилиш учун кетадиган харажатлар (билим олиш, тажриба алмашиш) нақд пулсиз тартибда, ўтказиладиган тадбирларга хизмат кўрсатадиган озиқ-овқат корхоналари, меҳмонхоналар, транспорт ташкилотлари билан шартномалар тузиш орқали амалга ошириш мумкин.

44. Бизнинг ННТнинг ходими хизмат сафарлари учун ўзининг «Нексия» маркали автомобилдан фойдаланган. Компенсацияни тўлаш тартиби қандай бўлади?

«Ходимларни хизмат сафарлари учун (командировкалардан ташқари) шахсий автомобилларидан фойдаланганига компенсация тўлаш тартиби»га мувофиқ, бир ойда хизмат мақсадлари учун фойдаланилган шахсий автомобилларга компенсациянинг энг сўнгги миқдори белгиланган. «Нексия» маркали автомобиллар учун жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадига киритилган ва солиқ солинмайдиган энг кам ойлик маошининг бештаси тўланади. Хизмат сафарлари учун ўз шахсий енгил автомобилларидан фойдаланадиган ходимларга компенсация тўлашда сизнинг ташкилотингиз раҳбарининг қарори асос бўлади. Ташкилот раҳбари компенса-

циянинг сўнгги миқдорини эксплуатация шартларига боғлиқ ҳолда келиб чиқиб, 10 фойиздан кам бўлмаган миқдорда ошириш ҳуқуқига эга. Компенсация бир ойда бир марта, тақвим кунлари сонидан қатъий назар, бирданига ойнинг иккинчи ярми учун тўланадиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

Компенсация суммаси юқори бўлиши ҳам мумкин, лекин унда унга солиқ солинади.

45. Агар халқаро ташкилот ваколатхонаси норезидент бўлса, унда у ўзининг эҳтиёжлари учун сўмдаги ҳисобидан қанча маблағ сарфлаши мумкин?

«Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида вакил қилинган банklar томонидан норезидентларнинг ҳисоб рақамини олиб бориш тартиби»га мувофиқ, миллий валютадаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги норезидентларнинг жорий харажатларини тўлаш-таъминлаб туриш учун ишлатилиши мумкин (ижара ҳақи учун тўловлар, коммунал ва бошқа хизматларни тўлаш, жорий фаолиятни амалга ошириш учун қимматбаҳо нарсалар сотиб олиш, ойлик маош тўлаш, хизмат сафарлари харажатлари ва ҳоказолар).

Норезидентнинг касса лимити хизмат кўрсатувчи вакил банкнинг ҳисоб рақами эгаси билан келишувига биноан ўрнатилади. Банк норезидентнинг ваколатхонаси, филиали учун ўрнатилган лимит кассасини, кассадан олинган нақд пулдан мақсадли фойдаланишини назорат қиладди.

46. Бизнинг ННТмиз ойлик маошларни тўлаш учун банкдан нақд пул маблағларини олди. Шу маблағларнинг бир қисmini хизмат сафари харажатларини тўлашга йўналтириш мумкинми?

Йўқ, мумкин эмас. «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини олиб бориш қондаси»нинг 3-бандига мувофиқ, ташкилотлар банк муассасасидан олган нақд пуллар қайси мақсадда олинганига қараб харажат қилинади. Хизмат сафарлари билан боғлиқ бўлган харажатлар учун ҳисобот остида олинган нақд пуллар, ушбу ҳудудда амалда бўлган тартибга мувофиқ (ушбу қонданинг 9-банди), хизмат сафарига жўнатиш билан шахсларнинг мақсадлари учун белгиланган сумма доирасида тўланади.

47. Бизнинг ННТмиз шанбалик ўтказилган куни маҳалла жамғармасига бир кунлик иш ҳақини ўтказди. Мана шу иш ҳақидан ягона ижтимоий тўлов ва суғурта тўловларини тўлаши керакми?

Йўқ. Ўзбекистон Республикаси СК 308-моддаси 2-бандига мувофиқ, ягона ижтимоий тўловлар ва суғурта тўловлари ходимга ўтказилган меҳнат ҳақи кўринишида бўлгани ва унинг розилиги билан тегишли бюджет ва хайрия жамғармаларига (шанбаликлар, яшанбаликлар ва ҳоказолар учун) ўтказилгани сабабли даромад солиғига киритилмайди.

48. Бизнинг ННТмиз бошқа банк хизматидан фойдаланишга ўтмоқчи. Бунинг учун нималар керак бўлади?

Бошқа банк хизматида ўтиш учун шу банкка ташкилотингиз номидан сизнинг реквизитларингиз кўрсатилган ва ушбу банк хизматидан фойдаланиш истаги баён қилинган хат билан мурожаат қиласиз.

49. Бизнинг ННТга чет эл ваколатхонаси бепул автомашина беришни таклиф қилмоқда. Биз божхона божлари ва йиғимларини тўлашимиз керакми?

Ҳа, нега деганда, автомашина вақтинчалик кириб келишда турибди. Сизнинг ННТга берилган дақиқадан бошлаб, у Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритилган ҳисобланади. Шундай экан, сиз унинг эгалари сифатида божхонадаги барча жараёнлардан ўтишингиз зарур, автотранспортни олиб киришда назарда тутилган барча керакли тўловларни тўлашингиз керак бўлади.

IV БОБ

ННТда меҳнат муносабатларига доир саволлар

Ҳар бир ташкилотда бўлгани каби, ННТда ҳам кўпинча меҳнат муносабатлари, иш ҳақи, ишчилар ҳуқуқи ва мажбуриятлари юзасидан саволлар туғилади.

ННТга аъзо бўлиш ва ишга қабул қилишга оид бўлган саволларни кўриб чиқамиз.

1. ННТ аъзолигига қабул қилиш ёки ундан чиқариш масаласи қандай ҳал қилинади?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 18-моддасига биноан, ННТга аъзо бўлиш ва аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, ёшига кўра аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг Низомлари билан белгиланади.

Муҳими шундаки, ННТ аъзолик ташкилоти бўлмаса-да, ўз ташкилотига Низом асосида иш фаолиятини юритиш учун турли одамларни қабул қилиши мумкин.

2. Кўпинча одамлар бизнинг ННТга келиб, ташкилотимиз аъзоси бўлиш учун ёзиладиган ариза намунасини сўрашади. Шу турдаги аризаларнинг аниқ шакли мавжудми?

ННТга аъзо бўлиш учун ёзиладиган аризаларнинг аниқ шакли кўзда тутилмаган, ҳар бир ташкилот ўзининг Низоми асосида аъзоликка қабул қилиш тартиб-қоидалари ва ариза намуналарини кўриб чиқади. Аммо биз сизга ушбу шаклдаги аризани намуна сифатида тавсия этишимиз мумкин:

ННТга

(номини кўрсатиш)

АРИЗА

Мени (Ф.И.Ш.) ННТ (номини кўрсатиш) аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман. Ташкилот аъзосига тегишли барча мажбуриятларни ўз зиммамга оламан.

ННТ (номини кўрсатиш) Низоми қоидалари (ва ташкилот қоидалари, агар мавжуд бўлса) билан танишиб чиқдим ва тўлиқ розиман.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мос келадиган, ННТ аъзоларидан талаб этиладиган барча талабларга жавоб беришимни ушбу аризам билан тасдиқлайман.

Ўзим ҳақимда ариза ёзилган сана бўйича, қуйидаги маълумотларни келтираман: (Ф.И.Ш., маълумоти, иш жойи, телефон, почта манзили, паспорт маълумотларини кўрсатиш).

Имзо, сана.

ННТ аъзолигидан чиқиш ёки қатнашмаслик учун ҳам ариза шу тарзда ёзилади. Одатда, қатнашувчи аризани ташкилотнинг олий бошқарув органи номига ёзади. Аризанинг умумқабул қилинган шакли йўқ, аммо унда иложи борица қатнашувчининг ННТдан кетиш сабаблари, ташкилотдан ҳеч қанақа қарзи йўқлигини ва унга юклатилган барча вазифаларни бажарганини кўрсатса, мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ишга жойлашишда ННТ ҳамда тижорат ёки давлат ташкилотлари орасида фарқ борми?

Йўқ, ишга жойлашишда ННТ, тижорат ёки давлат ташкилотлари орасида деярли ҳеч қандай фарқ йўқ. ННТда ҳам меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси МК томонидан белгиланади.

Айтиш керакки, ННТ учун қонун ҳужжатларида кўнгиллилар (волонтерлар) мисолида ихтиёрий (текин) меҳнат кўзда тутилган.

4. Волонтерлар деганда кимларни тушунамиз?

Ўзбекистон қонун ҳужжатларида «кўнгиллилар» атамаси билан қабул қилинган волонтерлар (ўз ишимизда биз иккала атамани ҳам қўллаймиз) – беғараз иш кўринишида хайрия ишларини бажарувчи юридик ёки жисмоний шахсларга, хайрия ташкилотларига беғараз хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслардир («Хайрия фаолияти тўғрисидаги» қонуннинг 3-моддаси). ННТ фаолиятида кўпгина волонтерлик ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Масалан, ҳашар ва шунга ўхшаш тадбирларда ихтиёрий, хайрия тариқасида ишлаш шулар жумласидандир. Белгилаб ўтиш жоизки, хайрия ишлари анъаналари қадимдан халқимизга хос бўлган ҳислатдир.

5. Бизнинг ННТ хайрия лойиҳасини амалга ошириш учун кўнгиллиларни ишга жалб этмоқчи. Улар билан меҳнат шартномаси ёки бошқа бирор шартнома тузиш керакми? Уларни қандай қилиб тўғри расмийлаштиришимиз керак?

Йўқ, сиз волонтерларни меҳнат шартномасига кўра ишга қабул қила олмайсиз. Чунки меҳнат шартномасида иш ҳақи кўзда тутилган ва унга беғараз иш ҳақидаги пунктни киритишингиз қонунга тўғри келмайди. Сиз волонтерларни ташкилотингиз аъзолигига киритишингиз ёки улар билан беғараз иш тўғрисида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 355-моддаси) ҳамда уларнинг ННТ мулки ва сармояларидан фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги шартномалар тузишингиз мумкин. Бу ННТни турли хил одамлардан (ихтиёрий равишда қилинган хайрия ишлари учун иш ҳақи талаб қилинган ҳолларда) ҳимоя этиш ва волонтернинг унга топширилган мулкка жавобгарлиги (масъулияти)ни олдиндан кўзда тутиш учун жуда муҳим.

Бундан ташқари, волонтерлар билан тузилган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар қонуний асосда уларни хизмат сафарларига жўнатиш, ўқишга юбориш ва иш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатларни қоплашга имкон беради.

6. Биз ходим билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномасини туздик. Солиқларни ким ушлаб қолиши керак?

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 184-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар даромадидан ҳисоблаш, чегириб қолиш, солиқ тўлаш мажбурияти юридик шахсларга, яъни сизнинг ташкилотингизга юклатилади.

7. Волонтерлик иши меҳнат стажига киритиладими?

Йўқ, волонтерлик иши пенсия олиш ҳуқуқини берувчи меҳнат стажига киритилмайди. Чунки волонтер меҳнати беғараз бўлиб, унга иш ҳақи тўланмайди. «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасида иш фаолияти, мулкдорлик ва хўжалиги шаклининг қандайлигидан қатъий назар, давлат томонидан ижтимоий суғурта қилиниши лозим бўлган ходим (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига қарашли бюджетсиз Пенсия фондида суғурта бадалларини тўлаган тақдирда) ишлайдиган ҳар қандай иш фаолияти иш стажига киритилади. Меҳнат дафтарчаси эса ишчининг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси МКнинг 81-моддаси).

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, агар иш ҳақи олинмаса, ижтимоий суғурта учун ҳам пул ушлаб қолинмайди, демак, иш стажи ҳам ҳисобга ўтмайди.

Кўнгиллига тўланадиган таътил берилмайди, вақтинча ишга лаёқатсизлик учун ва бошқа турдаги нафақалар ҳам кўзда тутилмаган.

8. Волонтерлар солиқ органларига декларация тақдим этишлари шартми?

Йўқ, волонтерлик иши фойда кўришни кўзламайдиган, беғараз, ҳолисона ҳизмат ҳисобланади. Асосий иш жойи бўлмаган жойдан даромад кўрган жисмоний шахс албатта умумий йиллик даромади декларациясини келаётган йилнинг 1 апрелигача турар жойи бўйича солиқ органига тақдим этиши шарт. Волонтерлар даромад кўрмагани учун ҳам солиқ органларига декларацияларни топширишлари шарт эмас. Аммо, мисол учун, волонтер ННТ томонидан хизмат сафарига жўнатилиб, унга сафар харажатларини қоплаш учун пул тўланган бўлса, волонтер уларни ўзининг умумий йиллик даромади ҳақидаги декларациясида кўрсатиб ўтиши шарт.

9. Бизнинг ёшлар ННТмизда балоғат ёшига етмаган кўнгиллилар ишлаши мумкинми? Бунинг учун ота-оналарининг розиликлари керакми?

Ҳа, мумкин. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, ёшлар ННТ аъзолигига 14 ёшдан, болалар ННТ аъзолигига эса 10 ёшдан бошлаб қабул қилиниши мумкин. Аммо ёш кўнгиллиларни ишлаш истаги кучли бўлган тақдирда ҳам ҳаддан ошиқ ишлатиш мумкин эмаслигини англаш лозим. Иш энгил, балоғатга етмаган шахснинг соғлиги ва ўсишига зарар етказмайдиган, ўқиш жараёнига ҳалақит бермайдиган, ўқишдан бўш пайтларда бўлиши лозим («Бола ҳуқуқи қафолати ҳақида»ги қонуннинг 20-моддаси). Ўзбекистон Республикасининг амал қилувчи қонун ҳужжатларида балоғатга етмаган шахсларнинг ёшлар ва болалар ННТ фаолиятида қатнашишлари учун ота-онасининг розилик бериши аниқ кўрсатилмаган. Албатта, бир жиҳатдан, ота-онанинг розилиги бўлса, ёмон эмас, аммо бу мажбурий шарт ҳисобланмайди.

Мехнат Кодексининг 77-моддасига биноан, ННТга 15 ёшдан 16 ёшга-ча бўлган шахслар ҳамда умумтаълим мактаб ўқувчиларини ишга қабул қилиш, фақатгина ота-оналардан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс (васий)нинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. Ота ёки она розилиги албатта ёзма равишда олинishi керак.

10. Бизнинг ННТда ходимларга иш ҳақи тўлаш учун маблағ йўқ. ННТда фақатгина волонтерлар ишлаши мумкинми?

Сизнинг барча ходим ва ишчиларингиз ННТда текин, волонтер сифатида ишлаши мумкин, лекин ННТ раҳбари меҳнат шартномаси асосида ишлаши ва унга иш ҳақи тўланиши лозим.

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 17-моддасига биноан, раҳбар органлар, уларнинг шакллантириш тартиби ва ваколатлари, ваколат муддатлари, жойлашган ери ННТ Низомида белгилаб қўйилган. Қонун ишлаб чиқарувчи томонидан раҳбар органлардан уларнинг шакллантириш тартибига бўлган бундай талаблари ННТ раҳбарининг маълум бир масъулиятларга эга эканидан дарак беради. Чунки Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексига биноан, ҳар қандай мулкдорлик шаклидан қатъий назар, бирор-бир корхона, ташкилот, муассасадаги мансаб эгаси, агар унга раҳбарлик, ташкилотчилик, бошқарувчилик, назорат қилиш ёки моддий мулк билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар юклатилган бўлса, у мансабдор шахс деб ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, ННТ раҳбари мансабдор шахслар тоифасига қиради, яъни бу дегани у билан меҳнат шартномаси тузилиши ва унга ойлик маош тўланиши шарт.

Шунинг учун ҳам ННТда волонтерлар ишласа-да, директор штатдаги ходим ҳисобланади ва бу статистика органларига топшириладиган меҳнат ҳисоботида қайд этилади. Унда ходимлар сони камида 1 та, яъни директор кўрсатилиши лозим.

11. Бизнинг ННТ ишга нафақахур ходимни қабул қилди. Ишга жойлашгани тўғрисида ижтимоий таъминот бўлимига қим хабар бериши керак: нафақахурми ёки ташкилотми?

«Ишлаётган нафақахурларга нафақа тўлаш тартиби»нинг 32-бандига биноан, ташкилотингиз раҳбари 5 кун мобайнида ижтимоий таъминотнинг тегишли органларига нафақахурнинг ишга қабул қилинганини хабар қилиши ва қабул қилинганлик тўғрисидаги буйруқдан илова тақдим этиши лозим.

12. Биз болалар билан ишлайдиган ННТ сифатида мусиқа билан боғлиқ ходимлар ва ўқитувчиларни ўриндошлик асосида ишга олмақчимиз. Бунинг иложи борми ва уни қандай амалга оширса бўлади?

Ҳа, сиз бундай мутахассисларни ўз ташкилотингизга ўриндошлик асосида қабул қилиб олишингиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси МКнинг 72-моддасига қўра, ходим агар қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бўлса, ўриндошлик асосида меҳнат шартномалари тузиши мумкин. Ишга жойлашиш пайтида сизнинг бўлажак ишчингизга асосий иш жойидан меҳнат дафтарчаси ўрнига маълумотнома берилади (Ўзбекистон Республикаси МКнинг 80-моддаси).

13. Бизнинг ННТ га март ойида янги ходим қабул қилинди. У аввалги иш жойидан даромадлари ҳақидаги маълумотномани март ойидаги иш ҳақини олганидан кейингина топширди. Ундан апрель ойи учун даромад солиғи қай тарзда ушлаб қолинади?

Ўзбекистон Республикаси МК 6-моддасининг айрим бандига мувофиқ, 1 йил давомида асосий иш жойи (хизмат, ўқиш)ни ўзгартирган жисмоний шахс янги иш жойидаги бухгалтерияга биринчи ойлик иш ҳақини олгунга қадар шу йилги даромадлари ва ундан ушлаб қолинган солиқ тўғрисидаги маълумотномаларни тақдим этиши лозим. Тегишли маълумотнома ёки солиқ тўловчининг идентификацион рақами кўрсатилмаган тақдирда жисмоний шахслар даромадидан солиқ ўрнатилган максимал ставка бўйича ушлаб қолинади. Кейинги сафар ҳужжатлар кўрсатилгандан сўнг аввалги асосий иш жойидан олган даромадига қараб солиқ қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳар бир ташкилотда бўлгани каби, ННТда ҳам кўпинча ННТ аъзолари ва ходимлари ҳуқуқлари ва масъулиятига доир саволлар юзага келади.

14. Бирор-бир қонунбузарликка йўл қўйилганда ННТ аъзолари жавобгарликка тортиладими?

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 48-моддасига биноан, ННТ муассислари (иштирокчилари) ННТ мажбуриятлари учун, ННТ эса унинг муассислари (иштирокчилари) мажбуриятлари учун масъул эмаслар.

ННТ томонидан қонунбузарликка йўл қўйилган тақдирда унинг бошқарув органи ва раҳбаригина жавобгар ҳисобланади. ННТ раҳбар органига қирмайдиган ННТ аъзолари умуман жавобгар эмаслар. Бундан ташқари, «ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ, у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилот фаолиятида иштирок этиш ёки унинг аъзоси эканини расмий ҳужжатларда кўрсатиш талаб этилмайди. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотга алоқадорлиги улар ҳуқуқи ва эркинлигини чеклаш учун асос бўла олмайди.

15. ННТ ҳамда уни бошқарувчи раҳбар масъулиятлари орасида фарқ борми?

ННТ раҳбари биринчи ўринда ўз ҳаракатлари, фаолияти билан юридик шахснинг ишлаш самарадорлигини оширувчи шахс ҳисобланади. ННТ раҳбари авваламбор юридик шахснинг бошқариш ва маъмурий мажбуриятларини бажарувчи мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикаси КаАОнинг 15-моддасига мувофиқ, ҳар қандай мулкчилик шаклидан қатъий назар, бирор-бир ташкилот, муассасадаги мансаб эгаси зиммасига бошқариш, ташкилий, раҳбарлик, текширув-назорат функциялари ёки мол-мулк билан боғлиқ мажбуриятлар юклатилган шахс мансабдор шахс деб тан олинади.

Юридик шахс доимо ўзининг мажбуриятлари учун жавоб берар экан, юридик шахс ёки раҳбар зиммасига алоҳида мажбуриятларни юкловчи қонун нормаларини аниқлаб олмоғи керак. Масалан, хўжалик фаолиятининг маълум бир тартиббузарликларида қонун ҳужжатлари томонидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўзда тутилган бўлса, юридик

шахсга эса фақатгина маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади. Корхона раҳбари эса бундай пайтда ҳам маъмурий, ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланишда ННТ тижорат ташкилотлари каби тузилган шартномаларда кўрсатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт. Айни дамда ҳўжалик юритувчи субъект деб ҳисобланувчи ННТ раҳбари, ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари учун ўрнатилган қонун тартибида жавобгарликка тортилиши мумкин.

16. Агар ННТ раҳбари ташкилот пулларини шахсий манфаати йўлида ишлатган бўлса, у жавобгарликка тортиладими?

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 45-моддасига биноан, таъсис ҳужжатлари асосида юридик шахс номидан фаолият кўрсатувчи шахс ҳалол ишлаши лозим. Раҳбар юридик шахс, муассисчилар (иштирокчилар, аъзолар) талабларига кўра, юридик шахсга келтирган барча зарарларни қоплаши лозим.

17. Нотижорат ташкилот ишчиларини меҳнат интизомини бузганликлари учун жавобгарликка тортиши мумкинми?

Ҳа, мумкин. Ўзбекистон Республикаси МКнинг 176-моддасига кўра, ходим барча меҳнат мажбуриятларини ҳалол бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш билан таъминловчининг қонуний буйруқларини аниқ ва ўз вақтида бажариши, технологик интизом, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига риоя қилиши, иш билан таъминловчи мол-мулкни асраб-авайлаши шарт.

Меҳнат интизоми бузилган тақдирда иш билан таъминловчи ходимига нисбатан қуйидаги интизомга оид жазо чораларини қўллаши мумкин:

1. Ҳайфсан бериш;

2. Ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фойиздан кўп бўлмаган миқдорида жарима солиш.

Ҳар қандай ташкилот билан меҳнат муносабатларида бўлган ходим томонидан содир этилган айбни қоидабузарлик интизомга риоя қилмасликка киради. Интизомга оид жазо чоралари мулк эгаси, ташкилот раҳбари, ташкилотни бошқариш ҳуқуқи ваколатини олган органлар вакили томонидан қўлланилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси МКнинг 181-моддаси). Юқорида кўзда тутилмаган интизомга оид жазо чораларининг қўлланилиши ман этилади.

18. Қайси ҳужжатлар асосида ходим маошидан ушлаб қолиш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 164-моддасига биноан, меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш умумий қоидаларга кўра ходимнинг ёзма розилиги билан, агар розилиги бўлмаса, суд ҳукми билан амалга оширилади.

19. Бизнинг ходим алимент тўловчи. Шу билан бирга унинг ННТ олдида мулк йўқотгани учун қарзи мавжуд. Бундай ҳолларда маошидан ушлаб қолиш қандай амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси МКнинг 164-моддасида ходим томонидан ўз меҳнат ҳақининг 50 Ҳойиз сақланиши кўрсатилган. Шунинг учун ҳам агар ходим меҳнат ҳақининг ушлаб қолиш миқдори 50 Ҳойиздан ошса, ошган суммани кейинги ойларга навбатма-навбат тақсимлаб чиқиш керак. Сизнинг ҳолингизда:

- биринчи навбатда (бажарилиш) ижро этиш варағи бўйича ушлаб қолиш;
- иккинчи навбатда ННТдан қарзи борлиги учун ушлаб қолиш.

20. ННТда бухгалтер лавозими керакми? ННТ бухгалтерсиз фаолият кўрсатиши мумкинми?

Қонун ҳужжатларида ННТ штатида бухгалтер лавозимининг мажбурий экани кўрсатилмаган. Албатта, бухгалтернинг борлиги ННТ фаолияти ва ишини янада такомиллаштиради, аммо бу лавозимнинг бўлиши мажбурий ҳисобланмайди. Рўйхатга олувчи, солиқ ва статистика органларига топшириш керак бўлган барча молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ННТнинг ҳар қандай ҳодими ёки раҳбари шуғулланиши мумкин. Қонун ҳужжатларида бухгалтерлик ҳисоб-китоб ишларини раҳбарнинг ўзи мустақил равишда олиб бориши мумкинлиги кўзда тутилган («Бухгалтерлик ҳисоб-китоб ишлари тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси). Эсдан чиқармаслик керакки, ушбу ҳисоботлар ва барча бошқа керакли ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини исботловчи ННТ раҳбарининг имзоси мажбурий ҳисобланади.

21. ННТда раҳбардан бошқа ким ишонч қоғозисиз юридик шахс сифатида иш юритиш ҳуқуқига эга? Раҳбар ўринбосари шундай ҳуқуққа эгами?

ННТ Низомида ишонч қоғози бўлмаган ҳолда қилган ҳаракатлари ҳуқуқий жавобгарликка тортиладиган барча мансабдор шахслар рўйхати кўрсатилиши керак.

Масалан, «Ташкилотнинг ишонч қоғозисиз фақат директор, директор ўринбосари, бош бухгалтер иш кўриши мумкин», дейилади.

Низомида, шунингдек, ташкилот номидан ишонч қоғозисиз иш юритиш ҳуқуқига эга ҳар қандай мансабдор шахс кўрсатилиши мумкин. Аммо шунга қарамай, уларнинг рўйхати тўла, аниқ қайд этилган бўлиши зарур.

22. Бизнинг ННТда расман ишламайдиган, кўнгилли бўлиб хизмат қилаётган киши номига ишонч қоғози бериш мумкинми?

Ҳа, мумкин. Ишонч қоғози юридик шахс номидан раҳбарнинг имзоси билан ушбу юридик шахснинг муҳри илова қилинган ҳолда берилади (Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 138-моддаси). Ишонч қоғозида унинг берилган санаси албатта кўрсатилиши шарт. Ишонч қоғози уч йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Агар ишонч қоғозида муддат кўрсатилмаса, берилган санасидан бошлаб бир йил муддат кучга эга бўлади.

23. Ишга ўтказиш, ишни алмаштириш тўғрисидаги ёзувларни меҳнат дафтарчасига қайд қилиш масаласи ННТда қандай ҳал қилинади?

Фуқаронинг меҳнат дафтарчасида фақат унинг бирор жойдаги иш фаолияти тўғрисидаги ёзув қайд қилинади.

Агар сизнинг ходимингизнинг турли грантлардаги фаолияти учун тўланган ойлик маошларида муддат узилиши бўлмаса, бу ҳолда меҳнат дафтарчасига бир лавозимдан бошқасига ўтказилди, деб расмийлаштириш мумкин. Агар турли грантлардан маоши ўртасида муддат узилиши бўлса, ойлик маошлар тўлови қонунда кўрсатилган муддатдан чўзилиб кетган бўлса (бир ойдан кўп), бундай ҳолда меҳнат дафтарчасига ишдан бўшатиш ва ишга қабул қилиш тўғрисида алоҳида ёзиб кўрсатиш шарт.

ННТда аксарият ҳолларда нафақахурлар ишлашади ва натижада кўпинча нафақага тегишли ҳамда у билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади.

24. Бизнинг ННТ нафақа ёшидаги ходимни ишга қабул қилди. нафақахур нафақасини тўлиқ ололадими ва у нафақани қердан олади?

«Ишлайдиган нафақахурларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 2-бандига мувофиқ, ишлайдиган нафақахурлар улар учун белгиланган нафақанинг 50 фойизини олиши керак.

Шунингдек, мазкур тартибга кўра, ижтимоий таъминот бўлимида ҳисобда турадиган ҳамда ташкилот, муассасалар (жумладан, ҳудудий ташкилотлар)да ишлайдиган нафақахурларга нафақалар иш жойидан тўланади.

25. Ташкилотимизда нафақахур киши ишлайди ва у нафақанинг 50 фойизини олади. Унинг маошидан 1 фойизи нафақа фондида ушлаб қолингани учун у бундан норози. Биз нима қилишимиз керак?

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган нафақа таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ, иш берувчи мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалини жисмоний шахснинг даромадининг устама солиғи суммасини камайтириш ҳисобига амалга оширади. Унинг миқдори ишлайдиган нафақахурлар даромадидан келиб чиқиб белгиланади. Сиз нафақахурингизга мажбурий чегирма ишчининг оладиган маоши миқдорига таъсир этмаслигини, 1 фойиз чегирма жисмоний шахс даромадида устама солиқни камайтириш ҳисобига амалга оширилиши ва у ишчининг жамғарма банкдаги ҳисобига ўтказилишини тушунтиришингиз керак.

Бошқа ташкилотларда бўлгани каби, ННТда меҳнат билан боғлиқ даъво, тортишувлар пайдо бўлади. Уларни ҳал қилиш йўлларини кўриб чиқамиз.

26. ННТда меҳнат муносабатлари қандай ҳал қилинади?

ННТда меҳнат билан боғлиқ даъво, тортишувлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунида белгиланган умумий қоидалар асосида кўриб чиқилади.

Энг аввало, меҳнат билан боғлиқ даъво, тортишувлар бевосита иш берувчи ва ишловчи ўртасида, иложи бўлса, мазкур ННТ ишчилар касаба қўмитаси ёки нуфузли органи иштирокида кўриб чиқилиши керак. Афсуски, ННТларнинг аксариятида ишловчилар сони кам бўлгани учун уларда ходимларнинг касаба қўмитаси ёки бошқа нуфузли орган мавжуд эмас. Бундай ҳолатда сизнинг ННТ ходимларидан вакиллар органи тузиш ва иш

билан боғлиқ даъво, тортишув бўйича комиссия ташкил қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси МКнинг 262-моддасига биноан, иш берувчи ва ишчилар меҳнат билан боғлиқ даъво, тортишувлар бўйича комиссия ишчилар касаба қўмитаси ёки вакиллик органи ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқ асосида тузилади. Ишчилар касаба қўмитаси ёки вакиллик органидан комиссия аъзолари тегишли орган қарори асосида, иш берувчининг вакиллари эса унинг буйруғи асосида тасдиқланади. Агар ишловчи ва иш берувчи ўзаро келиш-маса, шунингдек, меҳнат билан боғлиқ даъво, тортишув бўйича тузилган комиссия мазкур меҳнат билан боғлиқ даъво, тортишувни ҳал қилолмаса ёки ишловчи ёхуд иш берувчи комиссия қароридан норози бўлган тақдирда бундай иш кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) судига ўтказилади.

27. Ойлик маош грант суммаси ничига кирадиган тақдирда ундан солиқ олинадими? Ахир грантнинг ўзи солиққа тортилмайди-ку!

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 178-моддаси 10-бандига биноан, жисмоний шахсларнинг бошқа даромадларига уларнинг грант берувчидан олган гранти, шунингдек, хорижий давлатлардан келиб тушадиган сумма ҳам қўшилади. Аммо Ўзбекистон Республикаси СК 179-моддаси 18-бандида халқаро ва хорижий ташкилот, жамғармалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бевосита илмий-техник ҳамкорлик доирасида фаолият олиб борувчи грант берувчи жисмоний шахслар ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технология тараққиётини мувофиқлаштириш органи қарорига кўра, грант берувчи юридик шахслардан грант олганларнинг маоши солиққа тортилмайди. Шунингдек, ушбу имтиёз «Грант бўйича хулоса бериш қоидалари»нинг 3.1-бандига мувофиқ, грант ижрочилари – грант берувчи – юридик шахсдан грант олувчи ўртасида лойиҳани амалга ошириш бўйича бажарилган иш, хизмат бўйича тузилган шартномага кўра, даромад олувчи жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланади. Агар сизнинг грантингиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технология тараққиётини мувофиқлаштириш органи томонидан маъқулланган бўлса, бундай ҳолда даромадлар тўғрисида декларация тақдим этганда грант бўйича олинган даромад суммасини кўрсатиш ва бу маълумотни солиқ органига маълум қилиш керак (Ўзбекистон Республикаси СКнинг 192-моддаси). Шунда грант суммаси, жумладан, сизнинг маошингиз ҳам солиққа тортилмайди.

Афсуски, амалдаги қонунчиликда маҳаллий жамоатчилик фондлари ва ННТларнинг маҳаллий юридик ва жисмоний шахсларга грант ва техник кўмак кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш мукаммал ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистон Республикаси ВМ фан ва технология тараққиётини мувофиқлаштириш органи маҳаллий фондлар ва ННТ томонидан берилган грантлар учун хулоса чиқариб бермайди. Бу эса ўз навбатида мазкур грантларда иштирок этиб, улардан маош оладиган жисмоний шахслар даромадини солиққа тортмасликка монеълик қилади.

28. 2007 йилдан касаллик варақаси учун тўлов ташкилотнинг маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Агар ННТда маблағ бўлмаса, касаллик варақаси учун тўлов қандай амалга оширилади?

2007 йилдан касаллик варақаси учун тўлов (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси) ташкилотнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан тўланади. Агар ННТда иш ҳақи тўлаш учун маблағ бўлмаса, ходим маош олмайди, жумладан, касаллик варақаси учун ҳам унга тўланмайди.

29. Ходимимиз ипотека кредитига кредит тўлайди. Солиқ тўловчи солиқ тўлашда қандай имтиёзларга эга ва у қандай ҳужжатлар тақдим этиши керак?

Ўзбекистон Республикаси СК 179-моддаси 30-бандига мувофиқ, жисмоний шахслар – ёш оила аъзоларининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари – шахсий турар-жой қуриш, реконструкция қилиш, сотиб олиш ёки кўп қаватли уйдан турар-жой сотиб олиш, реконструкция қилиш учун олинган солиқ олинадиган ва солиққа тортиладиган ипотека кредитлари ва уларнинг фойизлари солиққа тортилмайди. Лекин ушбу мулкни сотиб олгандан кейин беш йил давомида сотилса, мазкур бандда кўрсатилган даромадлар белгиланган тартибда солиққа тортилади.

Иш берувчига банк билан ипотека кредити олгани тўғрисидаги шартнома нусхасини ва ипотека кредитини қайтариш учун иш ҳақидан маълум суммани ўтказиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш шарт. Жисмоний шахснинг имтиёзли ҳуқуқи бўлган ҳолатларда юридик шахс – иш берувчи юқоридаги ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 15 кун ичида ушбу ҳужжатларни жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда унинг СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами)ни кўрсатган ҳолда турар-жойидаги Давлат солиқ инспекциясига топширади.

30. Бизнинг ННТ ходими 3 йил мобайнида меҳнат таътилига чиқмади. Ишдан бўшатишда унга фойдаланмаган меҳнат таътилининг охириги йили ёки 3 йил учун компенсация бериладими? Бу тўлов учун 24% ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ) қўшиб ёзиладими?

Ўзбекистон Республикаси МК 151-моддасига биноан, ходимга меҳнат шартномаси тугаганидан кейин у фойдаланмаган ҳар йиллик ва қўшимча таътиллار учун пулли компенсация тўланади. Юқоридаги ҳолатда 3 йил учун тўланади. Ўзбекистон Республикаси СК 172- ва 175-моддаларига мувофиқ, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация ходимнинг меҳнатига тўланган ҳақ сифатида унинг даромади саналади ва у ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалига тортиладиган объект ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси СК 307-моддаси).

Шунингдек, фойдаланилмаган меҳнат таътили учун компенсация қонунда белгиланган тартибда солиққа тортилади.

31. Бизнинг ННТда хорижлик фуқаро ишлайди. Ходимимиз фуқароси бўлган давлат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида икки томонлама солиққа тортишдан қочиш тўғрисида шартнома имзоланган бўлса, хорижлик ходим қандай тартибда солиққа тортилади?

Ўзбекистон Республикаси СК 194-моддасига биноан, хорижлик жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида СКга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортилади.

Ўзбекистон Республикаси СК 195-моддасига биноан, хорижлик жисмоний шахслардан солиқ олиш ва бошқа мажбурий тўловлар тўхтатилиши ёки ўзаро келишувга кўра қисқартирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси манбаларидан олган даромадларидан бюджетга солиқ ундирилган ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг бундай норезиденти бўлган жисмоний шахслар даромадидан ундирилган солиқ суммасини Ўзбекистон Республикаси СК солиқ тўғрисидаги мажбуриятларнинг 38-моддасига мувофиқ, қонун бўйича белгиланган муддатда қайтариб олиши мумкин. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси норезиденти Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органига жисмоний шахс даромадидан ундирилган солиқдан озод қилиш ёки солиқ суммасини камайтиришни сўраб ариза беради, шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- ҳақиқатан ҳам икки томонлама солиққа тортишдан қочиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартномага эга давлатнинг резиденти эканини тасдиқловчи расмий ҳужжат;
- олинган даромадларини тасдиқловчи ҳужжат;
- Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган мазкур жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикаси манбаларидан олинган даромадлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида даромад солиғи тўлагани тўғрисидаги хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органи уч ой муддат ичида аризани кўриб чиқади ва тақдим қилинган ҳужжатлар текширилиб тасдиқланганида мазкур модданинг биринчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси СК 58-моддасига биноан, жисмоний шахс даромадидан бюджетга ундирилган солиқ Ўзбекистон Республикаси норезидентига қайтарилади.

Халқаро шартномаларни қўллаш қонунларга мувофиқ келмаган ҳолатда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органи Ўзбекистон Республикаси норезидентига асосланган рад жавобини жўнатади.

32. Биз халқаро ноғижорат ташкилот гранти бўйича ишлаймиз. Улар бизнинг вакилимизни ўзларининг хориждаги офисида ишлаш учун таклиф этди. Бунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий-муҳофаза вазирлигининг хорижда ишлаш учун рухсати керакми?

Ҳа, агар Ўзбекистон Республикаси фуқароси хусусий меҳнат шартномаси бўйича хорижга ишлаш учун кетадиган бўлса, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат фаолияти тўғрисидаги тартиб-қоидалар» Низомига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агент-

ликка куйидаги ҳужжатларни икки нусхада топшириши шарт: ариза, нотариал тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаси томонидан расмийлаштирилган, давлат тилига таржима қилинган тиббий суғурта ва бошқа барча ижтимоий кафолатлар, шунингдек, иш берувчи томонидан меҳнат визаси билан таъминланиши назарда тутилган шартнома нусхаси, объективка-маълумотнома, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги шакли бўйича соғлиги тўғрисида маълумотнома, шунингдек, энг кам маошнинг 4 баравари миқдоридаги суммани тўлаши зарур.

33. Бизнинг ННТ халқаро ташкилот лойиҳаси бўйича ишламоқда. Шартномага мувофиқ, бир неча ойдан бери экспертлар лойиҳада ҳар кун 8 соатдан тўла иш кун ишлашмоқда. Уларга лойиҳа бўйича ва ННТ иши бўйича тўла иш кун учун иккита табель тўлдирса, тўғри бўлади?

Иш вақтини белгилаш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 114-125-моддаларига мувофиқ ҳал қилинади.

Ходим ишнинг белгиланган тартиби ёки меҳнат шартномасида кўрсатилган жадвал асосида меҳнат мажбуриятларини бажариши шарт муддат иш вақти саналади. Ходимнинг меъёрий иш вақти ҳафтада қирқ соатдан ошмаслиги (ҳафтада олти иш кунда етти соатдан ортиқ бўлмаган, беш кунликда – саккиз соат) керак.

Ташкилотлар ҳисобот даврида меъёрий иш соатларини кўпайтирмаган ҳолда умумий иш вақтини узайтириши мумкин. Бундай ҳолда ҳисобот даври бир йилдан, кундалик иш жараёни ўн икки соатдан ошмаслиги шарт. Ходимнинг розилиги асосида унинг иш вақтидан ташқари ишлашига руҳсат берилади. Аммо бу кетма-кет икки кун тўрт соатдан ҳамда бир йилда бир юз йигирма соатдан ошмаслиги керак. Иш вақтидан ташқари ишлагани учун ходимга икки баравардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Булардан аён бўладики, сиз ходимларингиз иш вақтини тартиб-қоидаларда белгиланган меъёрларга мувофиқ тарзда ҳисобга олишингиз шарт.

Сиз эслатган лойиҳа доимий ишнинг бошқа турига тааллуқли бўлса, ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишингиз ва уни табелга киритишингиз шарт. Агар экспертлар ҳам сизнинг ташкилотингизда алоҳида меҳнат шартномаси асосида тўла иш кун ишласа, бу Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг юқорида кўрсатилган меъёрларига ҳилоф бўлади.

Бундай пайтда сиз ҳар бир ходим белгиланган иш вақтининг энг юқори меъёрига амал қилишини назорат қилишингиз керак. Чунки ҳеч бир эксперт бир пайтда ва бир тўла иш вақтида иккита ҳар хил вазифани бажара олмайди. Ушбу вазиятда ходимларга лавозимларни қўшиб бериш имкониятидан фойдаланилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси МК 160-моддасида кўрсатилган лавозимларни қўшиб олиб борган, хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтирган, иш ҳажмини ошириб бажарган, бир вақтда ўз асосий ишини бажарган ҳолда вақтинчалик ишламаётган ходимнинг ҳам ишини бажар-

ган ходим меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрларига амал қилинади. Шунингдек, ўриндошлик (ходимнинг ҳақ тўланадиган асосий ишидан ташқари асосий иш вақтидан бўш пайтда меҳнат шартномаси асосида иш бажариши) учун томонлар ўртасидаги меҳнат шартномаси асосида амалда бажарилган иш учун ҳақ тўланади.

Аммо сиз ходимларингиз учун бошқа вариантдан ҳам фойдаланишингиз мумкин: ННТда иш меҳнат шартномаси асосида бажарилса, лойиҳа бўйича ишларни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома (халқаро ташкилотлар келишувига мувофиқ) асосида амалга ошириш мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномада кун ёки ҳафта бўйича минимал ва максимал иш соати кўрсатилмаган.

34. Бизнинг ННТ раҳбарияти ўз ходимларини мукофотлашни истайди. Аммо ходимлар фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида лойиҳа доирасида ишлайди. Мукофот тўлаш механизми қандай бўлади?

Ҳозирги пайтда бюджетдан ташқари ташкилотларга ходимларни мукофотлаш учун тўла эркинлик берилган. Сизнинг ННТ раҳбари ННТнинг лойиҳа доирасида фаолият олиб бораётган ходимларига мукофот пули ажратиш ёки моддий рағбатлантириш ёхуд амалдаги фуқаролик-ҳуқуқий шартномага муваффақиятли бажарилган иш учун бир ойлик қўшимча маош бериш тўғрисида буйруқ чиқариши етарли.

Ўзбекистон Республикаси СК 172-моддасига биноан, рағбатлантириш ва мукофотлар меҳнатга тўланган ҳақ сифатида даромад саналади ва у қонунда белгиланган тарзда солиққа тортилади.

35. Яқинда ягона ижтимоий тўлов базавий миқдорининг жорий этилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўлов ҳисоблашнинг янги тартиби киритилди. Бу ННТда ҳам қўлланиладими?

Йўқ. «Ягона ижтимоий тўлов базавий миқдорининг жорий этилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш ва тўлаш қоидалари тўғрисида»ги вақтинчалик қонун натижарат ташкилотларга татбиқ этилмайди. ННТ эса натижарат ташкилотдир (қаранг: 1-боб, 1-савол). Сиз ягона ижтимоий тўловни аввалгидай ходимнинг иш ҳақи суммасидан ставка бўйича 24 % тўлайсиз.

Ҳ БОБ

ННТни молиялаштиришнинг хайрия, грант ва бошқа манбалари билан ишлаш масалалари

ННТ учун грант ва хайрия билан ишлаш масалалари ННТ фаолиятида кўпинча учрайдиган масалалардан бири ҳисобланади. Бу табиий, негаки ҳозиргача Ўзбекистонда грантлар, хайрия ва ҳомийлик ёрдамлари ННТнинг ўз Низом фаолиятини молиялаштиришининг асосий манбаси бўлиб қолмоқда. Мазкур бобда биз ушбу мавзу бўйича муҳим ва тез-тез учраб турадиган масалаларни кўриб чиқамиз.

1. Грант, хайрия нима?

Ўзбекистон Республикаси СК 22-моддасига кўра:

- грант – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилаган рўйхатга киритилган давлатлар, давлат ҳукуматлари, халқаро ва хорижий ҳукумат ташкилотлари, шунингдек, халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига, ҳукукий ва хусусий шахсларга беминнат берадиган мулк;
- инсонпарварлик ёрдами – аҳолининг ижтимоий ночор гуруҳига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, табиий офатлар оқибатлари, ҳалокатлар ва бахтсизлик, касаллик тарқалиши ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун мақсадли беминнат ёрдам.

Инсонпарварлик ёрдами дори воситалари ва тиббий анжомлар, озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, ускуналар, транспорт ва техника, шунингдек, ихтиёрий ҳадя, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар, ташиш, кузатиб бориш ва инсонпарварлик ёрдами юкларини сақлаш сингари кўри-нишларда амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати вакил қилган ташкилот томонидан тарқатилади.

Шунингдек, «ННТ кафолати тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида таъкидланганидек, ННТга танлов асосида ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ҳисобига бериладиган пул воситалари ва моддий заҳиралар давлат гранти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФК 511-моддасига кўра, умумий фойдали мақсадларда тортиқ қилиш эҳсон дейилади.

«Эҳсон ҳақида»ги қонуннинг 3-моддасида эса хайр-эҳсон мақсадларига йўналтирилган мулк, шунингдек, пул воситалари эҳсон ҳадйаси ҳисобланади.

«Грант» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мавжуд бўлишига қарамай, у фақат хориждан молиявий ва моддий-техник ёрдамга нисбатан қўлланади, аммо маҳаллий ННТга маҳаллий ижтимоий фонд томонидан грант берилиши «грант» бўлиши ҳамон номаълум бўлиб қолмоқда.

«ННТ кафолати ҳақида»ги қонуннинг 13-моддасида фойдаланиладиган «давлат гранти» тушунчасига фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети воситалари ҳисобига бериладиган грантлар киритилади.

2. Бизнинг ННТ халқаро фонд грантига талабнома берган. Бизнинг талабнома қондирилди ва фонд бизга маблағ ажратишга тайёр. Аммо фонд илгари Ўзбекистон Республикасида ҳеч қачон фаолият юритмаган, рўйхатга олинмаган. Биз ушбу грант бўйича ишлаш ҳуқуқига эгамизми?

«ННТ ҳақида»ги қонуннинг 29-моддасига биноан, Низомда кўрсатилган бўлса, аъзолик ва кириш бадаллари, таъсисчилар, иштирокчилардан (аъзолар) бир марталик ва доимий маблағлар, ихтиёрий мулкый бадал ва ҳадялар, фақат Низом мақсадлари учун фойдаланиладиган тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад (фойда), қонунчиликда ман этилмаган бошқа маблағлар ННТ мулкани шакллантириш манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Негаки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинмаган ташкилотлардан грантлар ёки бошқа моддий-техник ёрдам олиш таъқиқланмаган, шунинг учун сиз ушбу фонддан грант сотиб олиш ҳуқуқига эгасиз, аммо бунинг учун сизнинг ННТга ушбу фонд томонидан ажратилаётган молиявий маблағ грант деб тан олинаши керак ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳулоса бериши зарур. Ушбу ҳулосани олгандан сўнг сиз олинган грант бўйича ишлаш ҳуқуқига эга бўласиз.

3. Халқаро ташкилотнинг техник ёрдамини грант деб ҳисоблаш учун давлат комиссияси ҳулосасини олиш зарурми? Бу ҳулосани олиш йўл-йўриғи қандай?

Ҳа, шундай. «Халқаро илмий-техник алоқаларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаш ҳақида»ги қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (қуйида қўмита) фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасидан ҳулоса олиш зарур. Мазкур ҳулоса халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлардан беминнат, инсонпарварлик ва техник ёрдам сифатида, шунингдек, ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мос равишда илмий-техник ҳамкорлик бўйича, халқаро келишувлар доирасида бериладиган грант асосида, хориждан келадиган пул воситалари ва ускуналар бўйича тақдим этилади.

«Грантлар бўйича ҳулосалар бериш тартиби»га қўра, олинган пул воситалари, моддий-техник заҳираларга ажратилган грантлар мақсад ва вазифаларига мослиги ҳақидаги ҳулоса илмий тадқиқотлар, илмий-техник ва инновацион дастурлар ва лойиҳалар ижросиси – грант олувчининг тегишли шаклда («Грантлар бўйича ҳулоса бериш тартиби»га 1-илова) қўмита раиси ўринбосари номига ёзма мурожаати асосида қўмита томонидан берилади. Шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш керак:

- халқаро ва хорижий ташкилот ва фондлардан грант ажратилганини тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, грант хулосаси учун берилган илмий лойиҳа, иш бажариш таквимий режаси, харажатлар сметаси ва иш мақсадини белгиловчи бошқа ҳужжатлар) нусхаси;
- пул воситаси ёки ускуна (асбоблар, материаллар, ахборот ва ташкилий техник тизим ва воситалар) олинishiга сабаб бўлган халқаро илмий-техник ва инновация дастурлари тасдиқланганидан кўчирма;
- илмий-техник ҳамкорлик бўйича халқаро келишув юзасидан грантлар ёки халқаро илмий-техник дастур ва лойиҳалар ажратилган мақсад ва вазибаларга мослигига кўра тадқиқот ишларини олиб боришга олинган пул воситалари ва моддий-техник воситаларни тасдиқловчи ва экспертиза ўтказишга имкон берувчи бошқа ҳужжатлар.

Ариза берувчи хулоса олиш учун қўмимага тақдим этилаётган маълумотлар, ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига жавобгардир.

Қўмимага ҳужжатлар келиб тушгандан 15 кун давомида тақдим этилган ҳужжатларни илмий-техник экспертизадан ўтказди ва унинг натижаларига кўра хулоса беради.

Тақдим этилган воситалар, ускуналарни халқаро ва хорижий ташкилот ҳамда фондлар грантлари халқаро илмий-техник ва инновация дастурлари мақсад ва вазибаларига мослигини аниқлаш учун қўмимага тегишли ҳужжатлар бўйича экспертиза ўтказди. Экспертизага Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган муассасалар ва ташкилотлардан экспертлар жалб этилиши мумкин. Экспертиза ўтказиш, хулоса тайёрлаш ва бериш учун кетган харажатларни ариза берувчи энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида тўлайди.

Экспертиза натижалари бўйича ҳуқуқий ва хусусий шахслар учун тегишли шаклда («Грантлар бўйича хулоса бериш тартиби»га 2-илова) ва хусусий шахслар учун тегишли шаклда («Грантлар бўйича хулоса бериш тартиби»га 3-илова) қабул санасидан кейин 10 кун ичида экспертизага ҳужжатлар талабига тўла мос келувчи, раҳбар имзо қўйган, қўмимага бланкасига расмийлаштирилган хулоса берилади.

4. Халқаро ташкилотлардан олинган грантлар ва техник ёрдамлар учун солиқ солишда бирор имтиёзлар бериладими?

Ҳа, «Грантлар бўйича хулоса бериш тартиби»га кўра, қўмимадан грантлар бўйича хулоса олган шахс Ўзбекистон Республикасида бажариладиган халқаро ва хорижий ташкилотлар ва фондлар грантлари, шунингдек, илмий-техник ҳамкорлик бўйича халқаро шартномалар бўйича бажариладиган илмий-техник ва инновация дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида етказиб берилаётган ускуналар учун божхона тўлови, қўшимча нарх солиғи, акциз солиғи ва бошқа божхона солиқларидан озод қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси СК 129-моддаси 8-бандига биноан, олинган грантлар солиқ тўловчининг даромади ҳисобланмайди.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ҳукукий ёки хусусий шахсга халқаро ва хорижий ташкилотлар ажратган пул маблағи ёки моддий-техник ёрдам грант деб тан олингандагина кўмита ҳулосасини олиш зарур ва шундагина солиқ тўлашда имтиёз ҳукуқи пайдо бўлади. Шунингдек, хориждан олинган ускуналарни (асбоблар, материаллар, ахборот ва ташкилий техника тизими ва воситалари) сотилганда ҳам грант олувчи барча тўлов ва солиқларни тегишли тартибда тўлайди. Булардан ташқари, «Инсонпарварлик ёрдамидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирлар ҳақида»ги қарорга кўра, Ўзбекистон Республикасига инсонпарварлик ёрдами ва беминнат техник кўмак доирасида юборилган маҳсулотлардан тижорат мақсадида фойдаланиш қатъиян таъқиқланади. Юқорида кўрсатилган маҳсулотларни сотиш, ижарага бериш ёки бошқа мақсадсиз фойдаланиш ҳолларида айбдор шахслар қонунга кўра жавобгарликка тортилади.

5. Бизнинг ННТ халқаро ташкилотдан грант олди ва унинг учун банк ҳисоби очмоқчи. Ҳисоб рақамини қайси банкда очиш мумкин ва бунинг учун нима қилиш керак?

«Техник кўмак молиявий воситаларини ҳисобга олишнинг самарасини ошириш бўйича тадбирлар ҳақида»ги қарорнинг 2-бандига кўра, техник кўмак, грант ва инсонпарварлик ёрдами олувчи юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ва олувчини банк комиссиясини тўлашдан озод қилиш МББ бўлимлари ва «Асака» банкка юклатилган.

«Ўзбекистон Республикасида Банк ҳисоб рақамлари ҳақида»ги Йўриқноманинг 13-бандига мувофиқ тадбиркорлик субъекти ҳисобланмайдиган норезидентлар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар учун банкга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади: юқорида келтирилган Йўриқномага қилинган 2 иловада белгиланган шаклда ҳисоб рақами очиш ҳақидаги ариза; корхона ва ташкилотни ягона давлат регистрига киритиш ҳақидаги статистика органи томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси ва юқорида келтирилган Йўриқномага илованинг 3 банддаги шаклда икки нусхада нотариал тасдиқланган муҳрдан оттиск ва имзолар. «Ўзбекистон Республикасида Банк ҳисоб рақамлари ҳақида»ги Йўриқноманинг 8-банди 2 қисмига кўра, банкларга юқоридаги Йўриқномада кўрсатилгандан ташқари ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян ман этилганлигини ёдда тутиш лозим.

Агар сиз грант ҳисоб рақами очишни хоҳлаган қайсидир бир банк филиали қандайдир қўшимча ҳужжатлар талаб қилса, унда ушбу банк вакиллари ўзлари қўшимча ҳужжат талаб қилишга асос бўлган Адлия вазирлигида рўйхатга олинган меъёрий ҳужжатни кўрсатишлари шарт. Сиз грант ҳисоб рақами очиш рад этилгани ҳақида ушбу банкнинг юқори органи, Марказий банк ёки судга шикоят қилишингиз мумкин.

Шуни назарда тутиш муҳимки, грант маблағини сўмга кўчириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сизнинг ННТ ҳисоб рақамига киритилган ёки жисмоний шахс пул воситаларини олган кундан амалга оширилади.

Ҳозирги пайтда ушбу банкларда банк комиссияси ҳам мавжуд бўлиб, у ушбу лойиҳа ёки грантни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Ушбу комиссия қандай меъёрий ҳужжат асосида иш кўриши, афсуски, ҳозиргача номаълум. Тажриба кўрсатадики, бундай комиссиялар кўпинча грант олишда сабабини айтмаёқ рад этади. Ёки «тасдиқлаш» жараёни жуда чўзилиб кетади.

6. Бизнинг ННТга ажратилган грант шарти бўйича лойиҳа якунланиши юзасидан биз аудит ўтказишимиз лозими? ННТ аудити қандай ўтказилади?

«Аудиторлик фаолияти ҳақида»ги қонуннинг 11-моддасига кўра, ташаббускор аудиторлик текшириши хўжалик юритувчи субъектнинг ёки қонунчиликда кўрсатилган тартибда бошқа буюртмачиларнинг қарорига кўра ўтказилиши мумкин.

Ташаббускор аудиторлик текшириши ўтказиш предмети, муддати ва бошқа шартлари аудиторлик ташкилоти ўртасида тузилган аудиторлик текшириши ўтказиш ҳақидаги шартномада белгиланади.

Аслида грант ажратиш чоғида грант берувчи ташкилот талабларига биноан тақдим этилган грантдан фойдаланиш бўйича ҳисобот схемаси одатда тўла ёритилган бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лойиҳани амалга оширишни бошлаганда сизнинг лойиҳа бўйича ишингизни ва олинган грантни мақсадли ишлатилишини тасдиқловчи ахборот, факт ва исботларни йиғиш режаси ва таомилини аввалдан белгилаб олиш зарур.

Шуни ёдда тутиш керакки, грант ёки инсонпарварлик ёрдами олган ННТ олинган воситалардан мақсадли фойдаланилаётгани ҳақидаги барча зарурий ҳисобот ва ахборотларни ваколатли давлат органларига тақдим этиш зарур.

7. Қайси давлат органи инсонпарварлик ёрдами ва грантлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади?

«Инсонпарварлик ёрдамини мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича департамент тузиш ҳақида»ги қарорга кўра, республикага инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаларини жалб этиш ва ўз вақтида расмийлаштириш, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилишни ташкил этишни мувофиқлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигига юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича департамент ташкил этилган.

8. Бизнинг ННТ халқаро ташкилотдан грант олди. Қасрга ва қандай ҳисоботлар топшириш зарур?

Грант олингандан кейин ва лойиҳани амалга оширишни бошлаганда ННТ «Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари бўйича тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тўлатиш қоидалари»га кўра, бу ҳолатда «Олинган ва фойдаланилаётган техник кўмак воситалари ҳақида ҳисобот» шаклини (юқорида кўрсатилган қоидаларга 2-илова) тақдим этиши зарур.

Грант олувчи ҳисоботни яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигининг тегишли бўлинмасига почта орқали жўнатади ёки чопардан бериб юборади. Ҳисоботга раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади ва грант олувчи муҳри қўйилади. Ҳисоботда маблағ миллий валюта ва АҚШ долларида кўрсатилади. Бошқа хорижий валютада расмийлаштирилган инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаси инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаси олинган кундаги Марказий банк курси бўйича АҚШ долларида қайта ҳисобланади.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳисоботни донорлар билан дастурда ва шартномада ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича ҳамда инсонпарварлик ёрдами билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиришга масъул комплекс қарорида бевосита кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами гранти олувчилар тақдим этади, техник кўмак воситалари бўйича эса техник кўмак бериш ҳақидаги халқаро молия ва иқтисод институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотлари қарорида кўрсатилган грант олувчилар ҳисобот беради.

9. Техник кўмак воситалари ва инсонпарварлик ёрдами бўйича ҳисобот топшириш муддатлари қандай?

«Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари бўйича тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тўлатиш қоидалари»га кўра, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-куни ҳолатига кўра (ҳисобот ойдан кейинги 10-кунигача) топширилади.

10. Халқаро ташкилотдан грант олган ННТ грант бўйича банк операцияларидан ҳам ҳисобот топшириши зарурлиги ростми?

Ҳа, шундай. «Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари олувчилар банк ҳисоб рақамларидан кўчирма ва ахборот тақдим этиш қоидалари»га кўра, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаларини олувчилар (қуйида грант олувчилар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига юқоридаги қоидаларнинг 1,2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклга кўра инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари ҳақида банк ҳисоблари ва ахборотидан (қуйида ахборот) қатъий белгиланган тартибда кўчирма тақдим этади.

Ахборотда барча қатор ва катаklar тўлатилади. Бирор қатор катаги бўйича грант олувчида тегишли маълумот бўлмай, у ёки бу катак тўлатилмай қолган ҳолатда бу катак чизмалаб қўйилади. Ахборотдаги ёзувлар ёзув машинкаси, механизация воситаси ёки ахборот технологиялари ёрдамида туширилган.

Ахборотда тузатилган ва сувалган жойи бўлмаслиги керак. Агар тузатиш киритилган бўлса, грант олувчи раҳбар тасдиқлаган тегишли изоҳ ёзиб қўйилади.

Пул воситалари ва мулк нархи ҳақидаги ахборот миллий валюта ва АҚШ долларида кўрсатилади. Бошқа хорижий валютада расмийлаштирилган инсонпарварлик ёрдами (техник кўмак) грант олинган кундан Марказий банк курси бўйича АҚШ долларида қайта ҳисобланади.

Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари, шунингдек, табиий кўринишдаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаларини жалб қилиш (юқоридаги қоидаларга 1-илова), олиб келиши (юқоридаги қоидаларга 2-илова) ва фойдаланиш (юқоридаги қоидаларга 3-илова) ҳақидаги ахборот инсонпарварлик ёрдами, шунингдек, халқаро молия ва иқтисод институтлари ва хорижий ҳукумат ташкилотларининг техник кўмак бериш ҳақидаги қарори билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиришга масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича комплекс раҳбари қарори ёки донорлар билан дастур ва шартномаларни тасдиқланган кундан грант олувчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигининг тегишли бўлинмасига почта ёки чопар орқали юборилади.

Инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари, шунингдек, ашёвий кўринишдаги инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситаларининг келиб тушиши (юқоридаги қоидаларга 2-илова) ва улардан фойдаланиш бўйича ахборот инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмак воситалари келиб тушиши ёки фойдаланиш бўйича ишлар амалга оширилган куннинг эртасига грант олувчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигининг тегишли бўлинмасига почта ёки чопар орқали юборилади.

Шуни ёдда тутиш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига хорижий давлатлар, уларнинг федерал ёки ҳудудий бўлимлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ва хусусий шахслар билан тузилган дастурлар ва шартномаларда ёки инсонпарварлик ёрдами билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиришга масъул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича комплекс раҳбарлари қарорида, техник кўмак воситалари бўйича эса халқаро молия ва иқтисод институтлари ва хорижий ваколатли ташкилотларнинг техник кўмак бериш ҳақидаги қарорида кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами олувчилари тақдим этади.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳисобот уни тақдим этиш муддатига кўра ниҳоятда талабгор ҳисобланади ва ННТ учун айниқса оғир бўлади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, мазкур ҳисоботлар ўзаро ўхшаш бўлади ва 8-масалада кўрсатилган ҳисоботлар билан бир хил.

11. Ўзбекистон Республикасида ННТ фаолиятини қўлловчи давлат фонди мавжудми?

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошида Парламент комиссияси бошқарувида «ННТ кафолатлари ҳақида»ги қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамиятлари-

ни қўлловчи Жамоатчилик фонди фаолият кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҳамкорликдаги «ННТни қўллашни кучайтириш бўйича тадбирлар ҳақида»ги қарорига кўра, фонд маблағи бевосита ННТга ва бошқа фуқаролик жамияти институтларига уларнинг буюртмалари ва Парламент комиссияси қарорига кўра субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртма кўринишида ажратилади. Парламент комиссияси ННТни қўллаш учун фонд маблағини тақсимлаш билан шуғулланади. Ушбу фонд ўз фаолиятини ошқоралик, очиклик тамойили асосида олиб боради, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа фуқаролик жамияти институтларига ажратилган маблағни мақсадли фойдаланилишини таъминлайди. Фонд ҳар йили ўз фаолияти, ННТ ва бошқа фуқаролик жамиятларига ажратилган маблағни тақсимлаш ва амалга ошириш ҳақидаги ҳисоботни оммавий ахборот воситаларида нашр этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаш бўйича Ижтимоий фонд маблағини тақсимлаш тартибини Парламент комиссияси белгилайди («ННТни қўллаш бўйича жамоатчилик фонди ҳақида»ги қонуннинг 6.2-банди).

12. Ушбу фондда ННТ учун грант танловларини ўтказиш механизми қандай?

ННТ ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаш бўйича Жамоатчилик фондларининг грант танловларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари «Ўзбекистон ННТ танловларини ўтказиш ва лойиҳаларни танлаш тартиби ҳақида»ги қоидалар билан тартибланади. Ушбу қоидага кўра, ОАВда танлов ҳақида эълон қилиш назарда тутилади, танловда иштирок этишни хоҳлаган ННТлар грант олиш учун буюртма берадилар. Танловда тақдим этиладиган шарт талабларига жавоб берувчи ННТ унда иштирок этиши мумкин. Танлов ҳақидаги қўшимча ахборот ва танлов ҳужжатлари намуналари билан танишиш учун даъвогарлар фонднинг ижроия маҳкамасига мурожаат этишлари мумкин. Грант олиш учун буюртма электрон шаклда ҳам берилиши мумкин.

Ҳужжатларнинг тегишли намуналарига мослик предметиға грант олишға буюртмаларни аввалдан танлаш фонднинг ижроия маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатларда ННТ танловда иштирок этишға қўйилмайди:

- тугатиш ишлаб чиқариш яқунланмаган ёки қайта ташкил этиш жараёни тугамаганда;
- танловда иштирок этиш учун барча зарурий ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда;
- аввалги лойиҳалар бўйича қабул қилинган мажбуриятлар талаб даражасида бажарилмаганда.

Грант ва лойиҳаларни олишга ННТ буюртмаларини кўриб чиқиш ва фонд ижроия маҳкамаси томонидан зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш муддати Парламент комиссияси томонидан белгиланади. Грант олиш ва лойиҳага буюртма «Ўзбекистон ННТ лойиҳалар танловини ўтказиш тартиби ҳақида»ги қоида талаблари ва эълон қилинган танлов шартларига асосан қабул қилинади. Ушбу қоидалар ва эълон қилинган танлов талабларига риоя этилмаган ҳужжатлар кўриб чиқилмайди. Грант олиш учун буюртмалар фонд ижроия аппарати томонидан сурғичланган рўйхатга олиш дафтарига расмийлаштирилади. Танловда иштирок этиш учун барча зарурий ҳужжатларни белгиланган вақтда тақдим этмаган лойиҳалар эгалари ва ижрочиларга ёзма маълумот тариқасида билдирилади.

Шуни назарда тутиш керакки, лойиҳаларни аввалдан танлаш ва баҳолаш учун Парламент комиссияси Эксперт гуруҳини ташкил этиши мумкин. Эксперт гуруҳини шакллантириш ва фаолият юритиш жараёни «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари лойиҳаларини сифатли танлаш бўйича мустақил эксперт гуруҳи ҳақида»ги қоида билан тартибга солинади.

Парламент комиссияси лойиҳалар танлови ва баҳолашни очиқ-ошкора бўлишини таъминлайди. Зарур бўлганда Парламент комиссияси ёпиқ муҳокама ўтказиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир танлов лойиҳаси бўйича очиқ овоз бериш йўли билан асосли қарор қабул қилинади. Грант олиш учун буюртмаларни танлаш ва баҳолаш, лойиҳаларни кўриб чиқиш чоғида Парламент комиссияси даъвогарларни таклиф этиши, улардан қўшимча маълумотлар ва изоҳлар олиши мумкин. Парламент комиссияси эксперт гуруҳи ҳулосаларини кўриб чиқиб танлов ғолибларини аниқлайди ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари лойиҳаларини молиялаштириш ҳақида қарор қабул қилади. Парламент комиссиясининг танлов ғолиблари ҳақидаги қарори баённома билан расмийлаштирилади ва фонд ижроия маҳкамасига кўрсатилган лойиҳаларни молиялаштириш учун юборилади.

Парламент комиссияси танлов ғолибларини белгилагандан уч кун ичида унинг натижалари фонд ижроия маҳкамаси томонидан ОАВ ва фонд расмий сайтида эълон қилинади.

Ўтказилган грант танловлари ва ушбу фонд фаолиятига тегишли бутун қўшимча ахборотни сиз фонднинг <http://www.fundngo.uz> веб-сайтидан олишингиз мумкин.

13. Ушбу фондда ННТ учун ижтимоий буюртмаларни тақсимлаш механизми қандай?

«ННТ ўртасида ижтимоий буюртмани тақсимлаш тартиби ҳақида»ги қоида ва унга илова билан тартибланади.

Ушбу қоидага биноан, ижтимоий буюртма жамоатчилик фонди ва ННТ ўртасида шартнома тузиш йўли билан жамоатчилик фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси қарори асосидаги

давлат органлари таклифига кўра, ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш учун ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга топшириқдан иборат бўлади.

Ижтимоий буюртма қонун билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва бир йилдан ортиқ фаолият юритиб келаётган ННТ ўртасида жойлаштирилади.

Жамоатчилик фонди Парламент комиссияси жойларда ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида мамлакатнинг кенг жамоатчилиги, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, ҳокимиятлар ва давлат бошқарув органлари фикри ва таклифларини ўрганишни ташкил этади (15 июнгача).

Таклифларни ўрганиш натижалари бўйича Парламент комиссияси бюджет талабини шакллантиради ва маблағ ҳажмини кейинги йил республика Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси ВМга юборади (20 июнгача).

Ўзбекистон Республикаси ВМ бир ҳафта ичида ижтимоий буюртмалар учун маблағ ажратиш ҳақидаги таклифлар бўйича талабларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиладиган кейинги йил учун республика Давлат бюджети лойиҳасига тегишли ҳажмдаги маблағни киритиш ҳақида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида Парламент комиссиясининг ННТни қўллаш учун маблағ ажратиш ҳақидаги таклифини кўриб чиқади ва ННТ ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини амалга ошириш ва тадбирлар ўтказиш учун маблағни «ННТ қўллашга харажатлар» моддасига кўра тасдиқлайди.

Фонд (республика Молия вазирлигидан тасдиқланган кўрсаткичлар ҳақидаги хабарномани олганидан 10 кун ичида) Парламент комиссиясига ННТ ўртасида ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш бўйича таклифларни тақдим этади. Парламент комиссияси молиявий маблағ мавқеи, шарти ва ҳажмларини тасдиқлайди, шунингдек, (фонд таклифини олгандан беш кун ичида) ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш учун ННТ белгилайди. Фонд улар билан тегишли шарномаларни тузади. ННТ билан тузилган шартнома асосида фонд ижтимоий буюртмаларни молиялаштиради (ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш ва муддати бўйича шартномада кўрсатилган бир йил ичида).

14. Давлат ижтимоий буюртмасига солиқ солинадими?

Ҳа, «ННТ кафолатлари ҳақида»ги қонуннинг 14-моддасига биноан, ННТ давлат ижтимоий буюртмаси иш бажаришга давлат топшириғи ёки давлат органи ва ННТ ўртасида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбирлар ўтказишдан иборат бўлади.

Агар сизнинг ННТ маълум хизматларни кўрсатишга шартнома тузса, унда хизмат кўрсатиш учун олинган маблағ тижорат фаолиятидан келади-ган даромад ҳисобланади, у қонунчиликда ўрнатилган тартибда солиққа тортилиши лозим.

15. ННТ қўллаш давлат фондидан олинган грант ва ижтимоий буюртма бўйича ННТ учун ҳисобот тартиби қандай бўлади?

«ННТ қўллаш бўйича жамоатчилик фонди маблағларини тақсимлаш тартиби»нинг VI бўлимига кўра, бюджет маблағи оладиган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳар чорақда белгиланган муддат ва тартибда жамоатчилик фондига грант ва ижтимоий буюртмаларнинг бажарилиши, шунингдек, олинган маблағлардан фойдаланиш ҳақида ҳисобот бериб боради. Ўз навбатида фонд бюджет маблағларини олган ННТ тақдим этган ҳисоботлардан кейин бюджет ташкилотлари учун белгиланган муддат ва тартибда Молия вазирлигига бюджет маблағидан фойдаланилганлик ҳақида ҳисобот беради.

Парламент комиссияси ва Фонд ННТга ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилишини назорат қилади. ННТ фаолиятини қўллаш учун ажратилаётган маблағнинг кириб келиши ва ундан мақсадли фойдаланишни текшириш ишларига Ўзбекистон Республикаси ҳисоб Палатаси томонидан ҳам қонунчилик палатаси депутатларининг умумий миқдоридан ўндан бир қисм депутатлар гуруҳини жалб этган ҳолда амалга ошириш мумкин.

16. Ўзбекистон маҳаллий фондлари ёки хайрия ташкилотларидан маблағ олиш учун махсус грант ҳисоб рақами очиш керакми?

Йўқ, маҳаллий фондлар ёки хайрия ташкилотларидан грант ёки қандайдир бошқа молия-техник ёрдами олиш учун махсус банк ҳисоб рақамлари очиш шарт эмас. Маблағлар ННТ мавжуд ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин ва тегишли тартибда сарфланади.

17. ННТ маҳаллий ташкилотлардан олган ҳомийлик бадаллари ва хайрия ажратмаларидан солиқ тўлайдими?

Йўқ, солиқ тўламайди. «Хайрия ва бошқа фондлар ва жамиятларга солиқ, бўнак ва божхона тўловлари бўйича имтиёз қўллаш тартиби ҳақида»ги қонданинг 3.2-бандига кўра, нотижорат ташкилотлар Низом фаолиятини юритиш учун олган ҳомийлик бадаллари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўтказмалари солиқ ва бошқа тўловларга тортилмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси СК 129-модда 10-бандида айтилишича, фаолиятни юритиш ва Низом фаолиятини амалга ошириш учун нотижорат ташкилотлар томонидан олинган, шунингдек, мақсадли ва беминнат ишлатиш учун келиб тушган маблағлар даромад деб ҳисобланмайди.

18. Ҳомийлик бадаллари ва хайрия маблағларини қандай олиш мумкин? Хайрия қилганлар учун бирор солиқ ёки бошқа имтиёзлар бериладими?

Ҳомийлик ёрдами ва хайрия ажратмаларини жалб этиш кўпинча ННТнинг ўзларига боғлиқ. Аммо бевосита хайрия қилувчилар учун имтиёзлар мавжудлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Солиқларни камайтириш ана шу имтиёзлардан бири бўлиши мумкин, хусусан, Ўзбекистон Республикаси СК 159-моддасига биноан, ҳуқуқий шахсларнинг куйидаги солиқ солинадиган фойдаси суммаси камайтирилади:

1) экологик соғломлаштириш ва хайрия фондлари, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш (жисмоний тарбия ва спорт), меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бадалларидан, лекин солиққа тортиладиган фойдадан бир фойиздан ортиқ эмас;

2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасаларини қуришга қаратилган маблағлар, аммо солиққа тортиладиган фойдадан 30 фойиздан ортиқ эмас.

19. Ҳомийлик ёрдами ва хайрия ажратмаларини қандай қилиб тўғри амалга ошириш ва расмийлаштириш мумкин?

Энг аввало, хайрия берувчи ва олувчи турли тушунмовчилик ва муаммолардан йироқ бўлиш учун ёзма шартнома тузиб олиши зарур. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳомийлик шартномаси ёки хайрия ёрдами кўрсатиш шартномаси ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Ҳомийлик ёрдами одатда Ўзбекистон Республикаси ФКда кўрсатилган тортиқ, талаб шартномаси бўйича амалга оширилади. Ҳомийлар ўз ҳомийлик ёрдамларидан фойдаланиш, мақсад ва тартибини белгилаш ҳуқуқига эга («Ҳомийлик ҳақида»ги қонун, 5-модда), шунингдек, ушбу ҳомийлик ёрдамларини мақсадли фойдаланиш ҳақида ҳисобот талаб қилиши мумкин («Ҳомийлик ҳақида»ги қонун, 16-модда).

Шартномадан ташқари пул маблағлари ва мулкнинг ўзини ҳам тегишли тарзда расмийлаштириш лозим. Хусусан, нақд пул воситаларини бериш йўли билан ёрдам кўрсатилганда ёрдам олувчи ташкилот кирим касса ордерини расмийлаштириши ва ҳомийга бадални тасдиқловчи ҳужжат сифатида квитанция бериши зарур. Пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинганда тўлов варақаси ва банк кўчирмаси тасдиқловчи ҳужжат бўлиб қолади. Асбоб-ускуналарни қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки юк хати билан кирим қилинади, улар бухгалтерлик ва солиқ ҳисоб-китобида сарф-харажатлар кўрсаткичи бўлиб қолади.

Ҳомийлик ёрдамини қабул қилган ҳуқуқий шахс уни бирор йўналишда ишлатиш учун барча жараёнларни алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб бориши зарур (Ўзбекистон Республикаси, ФК, 511-модда).

Шу нарсани ёдда тутиш зарурки, «Ҳомийлик ҳақида»ги қонуннинг 9-моддасига биноан, ҳомий ташкилотлар томонидан берилган ҳомийлик ёрдамлари фақат ҳомийлик мақсадида ишлатилади, ёрдам олувчиларни боқишга сарфланмайди.

20. Бизники аъзолик ташкилоти эмас ва бизнинг ННТ Низомиди ташкилотимизга аъзолик бадаллари тўлаш кўзда тутилмаган. Бизнинг ННТ ходимлари ташкилотимиз фондига бир марталик бадал топшира оладими?

Ҳа, сизнинг ходимларингиз шундай ҳуқуққа эга. «ННТ ҳақида»ги қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, таъсисчилар, иштирокчилар (аъзолар) дан бир марталик ва доимий тушумлар, шу ихтиёрий мулккий бадаллар ва хайриялар ННТ мулкани шакллантирувчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сизнинг ходимларингиз ННТ фойдасига ихтиёрий бадал ёки хайрия ўтказиш ҳақида ариза ёзса, қифоя.

21. Грант олинганда грант маблағини олиш ва сарфлаш молиявий ҳисоботини қаерда акс эттириш лозим? Бухгалтерия ҳисоб-китобда қандай ўтказмаларни акс эттириш мумкин?

«НСБУ № 21»га кўра, грант ажратиш ҳақидаги имзоланган шартномага асосан грантлар ННТ балансида 460 қаторда ҳисобга олинади.

Грантлар қуйидаги бухгалтерлик ҳисобларида ўз аксини топади:

- дебет 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари»;
- кредит 8810 «Грант».

22. Агар грант бўйича пул воситалари шартнома имзолангандан сўнг 3 ойдан кейин олинган бўлса, биз қачондан бошлаб маошдан солиқ ҳисоблашимиз лозим?

Бу грант ажратиш ҳақидаги шартномада акс этган шартларга боғлиқ. Агар сиз пул воситалари келиб тушган пайтдан бошлаб лойиҳа бўйича иш бошласангиз, унда иш ҳақи ва барча солиқлар шунга кўра ҳисоб рақамига пул келиб тушгандан ҳисоблана бошлайди.

23. Биз халқаро лойиҳани тугатгандан кейин бизнинг ННТ оргтехника ва компьютерлар олди. Уларни ҳисоботда грант ёки хайрия деб кўрсатиладими?

Бу лойиҳа ваколатли шахслари ва сизнинг ННТ ўртасида тузилган, сизга оргтехника бериш ҳақидаги шартномада кўрсатилган ҳолатга боғлиқ. Агар шартномада ушбу техника грант сифатида берилаётгани кўрсатилса, унда сиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасидан ҳулоса олишингиз зарур. Аммо кўпгина халқаро шартларга кўра уларнинг фаолияти тугагач, ижтимоий фойдали мақсадларга берилиши зарур, ушбу ҳолатда бу техника хайрия сифатида кўрсатилгани маъқул (албатта, бу шартномада ҳам кўрсатилиши лозим).

24. Бизнинг ННТ ВИЧ тарқалишига қарши туриш юзасидан грант олди. Ушбу лойиҳа доирасида бизнинг шерикларимиз бўлган вилоятдаги ННТларга пул ва дори воситалари юбориш учун қандай ҳужжатлар тайёрлаш лозим?

Бу лойиҳадаги сизнинг шерикларингиз грант берувчи ташкилот билан келишиши зарур ва грант ажратиш ҳақидаги шартномада акс этиши керак. Агар ушбу шартларга риоя қилинган бўлса, унда пул воситалари уларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади, дори воситалари эса қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида топширилади.

Агар грант бажариш ҳақидаги шартнома фақат сизнинг ташкилотингиз билан тузилган бўлса, унда бу ташкилотларга сиз ушбу маблағнинг бир қисмини ундан фойдаланиш мақсадларини кўрсатиб хайрия сифатида беришингиз мумкин. Ёки шерикларингиз билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузишингиз мумкин, аммо бу ҳолатда солиқ ва мажбурий тўловлар тўлайсиз.

VI БОБ

ННТ томонидан давлат органларига ҳисоботлар тақдим этилиши ва ННТ фаолиятини текшириш билан боғлиқ саволлар

Ҳар бир ташкилотда бўлгани каби, ННТ ҳам ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга. ННТ асосий мажбуриятларидан бири рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этишидир («ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси). Шунингдек, ННТ ўзининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда қилинган ишлар ҳамда маблағларни мақсадли ишлатилгани ҳақида грант берувчилар ва тегишли давлат органларига ҳисоботларни тақдим этади. ННТ ҳисоботларини солиқ органларига тақдим этилишидан бошлаймиз.

1. Солиқ органларига қандай ҳисоботларни топшириш керак?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига биноан, нодавлат нотижорат ташкилот ўз фаолияти натижалари ҳақида ҳисоб-китоб юритади ва белгиланган тартибда рўйхатга олувчи, статистика ва солиқ органларига ҳисоботлар тақдим этади.

«Молиявий ҳисоботлар шаклини тасдиқлаш ва уларни тўғри тўлдириш тўғрисида»ги буйруққа биноан, солиқ органларига қуйидаги шаклдаги ҳисоботлар топширилади:

1. «Бухгалтерлик баланси» – №1 шакли;
2. «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» – №2 шакли;
3. «Асосий маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот» – №3 шакли;
4. «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» – №4 шакли;
5. «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» – №5 шакли;
6. «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома» – №2а.

Молиявий ҳисобот «Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари»га биноан тўлдирилади.

ННТ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилингани сабабли ҳам нотижорат ташкилотларнинг солиқ ҳамда бюджетсиз фондларга тўлов тўлаши ҳақидаги ҳисоботлари фақатгина ходимларнинг иш ҳақи, ЯИТ ва нафақа чегирмалари учун тааллуқлидир (III БОБ, 4-5-саволларга қаралсин).

Шуни ёдда тутиш лозимки, агар ННТ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, у солиқ тўлаши ва тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларига асосан солиқ органларига ҳисобот тақдим этишлари шарт.

Шунингдек, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, жамоат фонди қонун ҳужжатлари асосида ҳар йили фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиши ҳамда аудиторлик текшируви ўтгач, 15 кун ичида ҳисобот йилининг кейинги йил 15 майгача молиявий

хисоботларининг ҳақиқийлиги ҳақидаги аудиторлик хулосасидан нусха тақдим этишлари шарт («Молиявий ҳисобот шакллари тўғри тўлдириш қоидалари», 6-банди).

Агар ННТнғиз Низоми ёки бошқа таъсис ҳужжатларида ҳар йили аудиторлик текшируви ўтказиш кўзда тутилган бўлса, албатта аудиторлик текширувини ўтказиш кераклигини ёдда тутинг.

2. Солиқ органларига ҳисобот топшириш муддати қанақа?

«Молия ҳисоботлари шакллари тўлдириш қоидалари»га асосан, йиллик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шаклларда ва ҳажмда тақдим этилади:

- а) «Бухгалтерлик баланси» – №1 шакли;
- б) «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» – №2 шакли;
- в) «Асосий маблағлар ҳаракати тўғрисида ҳисобот» – №3 шакли;
- г) «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» – №4 шакли;
- д) «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» – №5 шакли;
- е) «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома» – №2а.

Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шакл ва ҳажмда тақдим этилади:

- а) «Бухгалтерлик баланси» – №1 шакли;
- б) «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» – №2 шакли;
- в) «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома» – №2а.

Ушбу ҳисоботлар шакли «Молиявий ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш ва уларни тўғри тўлдириш қоидалари» 5-буйруғининг иловалари ҳисобланади.

«Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддати тўғрисида»ги қарорига асосан, чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботлар қуйидаги муддатда тақдим этилади:

- йил чорагига оид молиявий ҳисоботлар ҳисоботлар даври тугагандан сўнг келаси ойнинг 25 кунигача;
- йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот тугагач, кейинги йилнинг 15 февралигача.

Ярим йиллик ҳисоботлар 2-чорак ҳисоботлари учун белгиланган муддат ичида тақдим этилади.

3. Солиқ органига ҳисоботларни топшириш жараёни қандай кечади?

Ўзбекистон Республикаси СКнинг 45-моддасига мувофиқ, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади. Ҳисоботлар солиқ тўловчиларнинг ихтиёрига кўра, шахсан бориб ёки буюртма хат билан почта орқали ҳамда телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида тақдим этилиши мумкин. Солиқ органи шахсан бориб тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилмасликка ҳаққи йўқ ҳамда солиқ тўловчининг талабига кўра, солиқ ҳисоботлари нусхаси устига ҳисобот қабул қилинган санани белгилаб қўйиши лозим. Телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишидаги солиқ ҳисоботларини қабул қилишда солиқ органи солиқ

тўловчига ҳисоботларни қабул қилгани тўғрисида электрон кўринишда тасдиқлаши лозим. Солиқ ҳисоботлари олдиндан текширилмасдан ва мазмуни муҳокама этилмасдан қабул қилинади.

Солиқ ҳисоботи қуйидагилар маълум бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилмаган, деб ҳисобланади:

- солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса;
- солиқ даври ва солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси кўрсатилмаган бўлса;
- солиқ ҳисоботларини тузишда Ўзбекистон Республикаси МК томонидан белгиланган талаблар бузилган бўлса;
- солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан имзо қўйилиши ҳамда агар у юридик шахс бўлса, муҳрланиши лозим. Электрон ҳужжат шаклидаги солиқ ҳисоботи солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Солиқ ҳисоботи белгиланмаган шаклда тақдим этилган тақдирда давлат солиқ хизмати органи ҳисобот олинган кундан эътиборан уч кун ичида солиқ тўловчига бу ҳақда ёзма билдиришнома юборади ва камчиликлар аниқ кўрсатилган ҳолда ҳисоботни қайта ишлаш учун қайтаради.

Агарда белгиланган муддатгача ҳисобот қайтадан тўғрилانган ҳолда топширилса, солиқ тўловчига нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмайд.

4. Солиқ органида бизга йиллик ҳисобот билан бирга тушунтириш хатини илова қилиб топшириш кераклигини айтишди. Бу қандай хат ва унинг мазмуни нимадан иборат?

«Молиявий ҳисоботлар шакллари тўлдириш қоидалари»нинг 5-бандига мувофиқ, йиллик молиявий ҳисоботга корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир этган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова этилади.

Агарда баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартиришлар сабаби тушунтирилади. Шу билан бирга хатда кейинги йил учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати ҳам кўрсатиб ўтилади.

Агар вазиятга кўра, ҳисобот йилининг 1 кунда асосий фондлар қайта баҳоланса, унинг натижалари ҳисобот йилининг бошидаги молиявий ҳисобот маълумотларини тузишда қабул қилинади. Бунда ўтган йил охири ва ҳисобот йилининг бошидаги маълумотлари бир-бирига тўғри келмаслиги, асосий маблағларни қайта баҳолаш натижалари экани сифатида тушунтирилади ва айтилган пайтдаги молиявий ҳисобот учун тушунтириш хатида баён этилади.

5. Молиявий ҳисоботни топшириш пайтида биздан бош бухгалтер имзосини талаб этишади. Аммо бизда бухгалтер лавозими кўзда тутилмаган. ННТмиз директори барча ҳисоб-китоб ишларини ўзи юритади, ҳисоботларни тайёрлайди. Бундай вазиятда нима қилиш лозим?

ННТ штатида бухгалтер бўлиши шарт эмас, ташкилот раҳбари мустақил равишда ўзи бухгалтерлик ҳисоб-китоб ишларини олиб бориши мумкин (4-бобнинг 20-саволига қаралсин). «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, сизнинг ННТ раҳбарингиз солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳужжатларни солиқ ёки бошқа органлар учун тайёрлаш ҳуқуқига эга. Сизнинг вазиятда молиявий ҳисоботлар шакллари директор имзоси билан тасдиқланади. Бухгалтер имзоси ўрнига директор иккинчи марта имзо чекади, яъни унинг иккита имзоси бўлиши шарт.

6. Статистика органларига қандай ҳисоботлар топшириш керак?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилот ўз фаолияти натижаларининг ҳисобини юритади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказувчи статистика ва солиқ органларига ҳисобот тақдим этади.

«2009 йил учун давлат статистика ҳисоботлари шакллари»нинг тасдиқланиши тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Иловалар рўйхати»га биноан, статистика органларига қуйидаги ҳисобот шакллари тақдим этилади:

а) «Меҳнат тўғрисида» 1-Т шаклидаги (йиллик) ҳисобот («Иловалар рўйхатида»ги 27-сонли илова);

б) «Меҳнат тўғрисида» 1-Т шаклидаги (ойлик) ҳисобот («Иловалар рўйхатида»ги 28-сонли илова);

в) «Ойлик иш ҳақи миқдорига қараб ходимлар сонини тақсимлаш тўғрисида» 1-Т шаклидаги (ойлик) ҳисобот («Иловалар рўйхатида»ги 28/2-сонли илова);

г) «Информатизация воситалари ва информацион-коммуникация технологияларини қўллаш» 1-Информатизация шаклидаги (йиллик) ҳисобот («Иловалар рўйхатида»ги 93-сонли илова);

д) «Нотижорат ташкилот фаолияти тўғрисида» 1-НКО шаклидаги (йиллик) ҳисобот («Иловалар рўйхатида»ги 168-сонли илова).

Ушбу ҳисоботлар шакллари ННТ статистика органларига тақдим этилиши керак бўлган асосий даврий ҳисоботлар ҳисобланади. Аммо бундан ташқари ННТ бошқа ҳолатларда (грант олиш, ходимларни касбий ўқитиш) тақдим этиш керак бўлган бир қатор махсус ҳисоботлар мавжуд.

7. Статистика органларига ҳисобот топшириш муддати қанча?

«Иловалар рўйхати»га асосан топшириш муддати:

- «Меҳнат тўғрисида» 1-Т шаклидаги (йиллик) ҳисобот келаси йилнинг ҳисобот топширилгандан сўнг 1 февралигача кечиктирмай топширилиши керак;
- «Информатизация воситалари ва информацион-коммуникация технологияларини қўллаш» 1-Информатизация шаклидаги (йиллик) ҳисобот келаси йилнинг ҳисобот топширилгандан сўнг 15 февралигача кечиктирмай топширилиши керак;

- «Нотижорат ташкилот фаолияти тўғрисида» 1-НКО шаклидаги (йиллик) ҳисобот келаси йилнинг ҳисобот топширилгандан сўнг 15 февралигача кечиктирмай топширилиши керак;
- йилига ўртача ҳисобда 15 одамдан кам бўлмаган НКО учун «Меҳнат тўғрисида» 1-Т шаклидаги (йиллик) ҳисобот ҳар кварталда 1 марта ҳисобот топширилгандан сўнг келаси ойнинг 7 кунигача кечиктирмай топширилиши керак. Агар ННТдаги ходимлар сони 15 дан ортиқ бўлса, ҳисобот ҳар ойнинг 3 кунигача топширилиши лозим;
- «Ойлик маош миқдорига қараб ходимлар сонини тақсимлаш тўғрисида» 1-Т шаклидаги (ойлик) ҳисобот «Меҳнат тўғрисида» 1-Т шаклидаги (ойлик) ҳисоботи билан бирга қўшиб топширилади.

Барча керакли ҳисоботлар ташкилотингиз жойлашган ердаги (туман, шаҳар) статистика бўлимига топширилади.

Энди ННТнинг рўйхатдан ўтказувчи орган – адлия органларига ҳисоботлар тақдим этиши билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқамиз. «ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 8- ва 33-моддаларида ННТнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиш мажбуриятлари кўрсатилган. «Жамоат ташкилотларининг Низомини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш қоидалари»нинг 12-бандида жамоат ташкилотлари раҳбар органлари ҳар чоракда қабул қилинган қарорлар (нусхаси) ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказувчи органларга тақдим этиши мажбурийлиги кўрсатилган.

Афсуски, қонунчиликда рўйхатдан ўтказувчи органга ННТ томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тартиби ва муддати (ҳисоботни қайси муддатгача топшириш шартлиги), мазкур ҳисобот шакли кўрсатилган ҳуқуқий-меъёрий акт мавжуд эмас. Ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри адлия бошқармасининг ўз шакли-ҳисобот бланкаси бор. Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармасида 15/2-шакл бланкаси (чорак, йиллик) берилади. Шу боисдан рўйхатдан ўтказиш органига тақдим этиладиган ҳисоботлар билан боғлиқ масалаларда ушбу тажрибани бемалол бошқа вилоятларда ҳам жорий этиш мумкинлигини эътиборга олиб, биз Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг иш тажрибасидан келиб чиқамиз.

8. Рўйхатдан ўтказувчи органга қандай ҳисоботлар топширилади?

Рўйхатдан ўтказувчи органга икки кўринишда ҳисобот – ННТ Низом фаолияти тўғрисидаги ҳисобот (15/2-шакл) ва ННТ молиявий маблағлари тўғрисидаги ҳисобот (15/2-шакл) топширилади.

Ҳисоботларнинг ушбу шакллари Тошкент шаҳар адлия бошқармасидан олиш мумкин.

9. Рўйхатдан ўтказувчи органга ҳисоботларни топшириш муддати қанача?

Афсуски, ҳеч бир ҳуқуқий-меъёрий актда рўйхатдан ўтказиш органига ҳисоботларни топшириш муддати кўрсатилмаган. «Жамоат ташкилотларининг Низомини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш

қоидалари»нинг 12-бандида тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган жамоат ташкилотларининг раҳбар органлари ҳар чоракда қабул қилинган қарорлар (нұхсаси) ва режалаштирилаётган тадбирлар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиши мажбурий, деб қайд қилинган. ННТ ҳам чораклик ва йиллик ҳисобот топшириши зарур. Афсуски, бу ҳисоботларни қачондан қачонгача топшириш шартлиги кўрсатилган ҳуқуқий-меъёрий акт мавжуд эмас.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходимлари чорак ҳисоботларини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 кунигача ва битта йиллик ҳисобот топширишни талаб қилишади.

Ҳисоботларни ўз муддатида топшириш шартлигини унутманг. Ўз вақтида топширилмаган ҳисоботлар учун ваколатли давлат органлари санкция қўллаши мумкин.

10. Бизнинг ННТ ҳисоботни ўз вақтида топширмади. Бунинг учун қандай санкциялар кўзда тутилган?

Ўзбекистон қонунчилигида ННТ томонидан Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларига мажбурий ҳисоботларни топширмагани ва ўз вақтида топширмагани учун санкциялар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 215-моддасига мувофиқ, давлат статистика ҳисоботини топшириш тартибини бузган, давлат статистик кузатишларини ўтказиш, умумий ҳисобот тайёрлашда зарур ҳисоботлар ва бошқа маълумотлар топширилишига тўсқинлик қилган ёки муддатни ўтказиб юборган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўндан ўн беш бараваригача жарима солинади.

Аммо ҳисоботларни топширмагани ёки ўз пайтида топширмагани учун ННТга алоҳида жавобгарлик кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 239-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга топширмагани, вақтида топширмагани ёки нотўғри шаклда топширгани учун, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилоти фойдаланган мулк ва пул маблағлари тўғрисидаги маълумотларни топширмаган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг элликдан юз бараваригача жарима солинади.

Кўрамизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 215-моддаси билан 239-моддаси ўртасида номувофиқлик юзага келади. Бундан ташқари, ҳисобот топширмагани ёки ўз вақтида топширмагани учун ННТга алоҳида талабчанликни кучайтириш умумий қоидаларидан фарқ қиладиган санкция (деярли жиноий иш) қўллашни кўзда тутувчи махсус модда (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 239-моддаси)нинг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг давлатнинг жамоат ташкилотлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятлари тўғрисидаги 58-моддага ҳилофдир.

Жамоат фондларининг хизмат вазифаларини бажарган маъмурият харажатлари йиллик суммаси, шунингдек, васийлик кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўлов, мукофотлаш ва харажатларни компенсациялаш билан боғлиқ харажатлари қонунда белгиланганидан ошса, мансабдор шахсларга харажатларнинг метёрдан ортиқ пул маблағи конфискация қилиниб, энг кам иш ҳақининг юздан бир юз эллик бараваригача жарима солинади.

Жамоат фондининг фойдаланилган мулк тўғрисидаги ҳисоботи эълон қилинмаса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг элликдан юз бараваригача жарима солинади (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик Кодексининг 239-1-моддаси).

Қўшимча қилиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси МКнинг солиқ ҳисоботи топширмагани ёки ўз вақтида топширмагани тўғрисидаги 115-моддасига кўра, солиқ тўловчи жисмоний шахслар ва солиқ тўловчи юридик шахслар маъмурий тарзда огоҳлантирилганидан кейин бир йил давомида айни ҳолат такрорланса, уларга ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун бир фойиз миқдорида жарима солинади, аммо жарима миқдори белгиланган тўлов суммасининг 10 фойизидан ошмаслиги керак.

11. Рўйхатдан ўтказувчи адлия органи бизнинг ННТдан тузилган шартнома ва унинг ижроси билан боғлиқ барча ҳужжатларни талаб қилди. Бу қонунга тўғри келадими? ННТ қандай ҳужжатларни тақдим этиб, қандай ҳужжатларни тақдим этмаслиги керак?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига биноан, нодавлат нотижорат ташкилот уни рўйхатдан ўтказган органга ўзининг фойдаланадиган мулки ва пул маблағлари тўғрисидаги маълумотлари билан танишишга ва у ўтказаётган тадбирлар чоғида ушбу маълумотларни олиш учун киришга имконият беришга мажбурдир.

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, рўйхатдан ўтказувчи орган жамоат бирлашмаси раҳбар органларидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилиши, жамоат бирлашмаси ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юбориши, жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан жамоат бирлашмаси Низомига риоя қилинишини сўраб-суриштириши мумкин.

Юқоридаги моддада қонун ноаниқ, мавҳум ифодалангани учун рўйхатдан ўтказувчи орган текширув ўтказмасдан туриб, ННТдан тузилган шартномалар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги барча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлими, умуман, ННТни рўйхатдан ўтказиш органи қандай ҳужжатларни тақдим этиб, қандай ҳужжатларни топширмаслиги тўғрисида бир нарсга дейиш қийин. ННТда расмий ўтказиладиган текширувларни мустасно қилганда, ННТ ички ҳужжатларини талаб қилиш мумкин эмас, дейиш мумкин.

«Текширув ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги фармоннинг 3-бандига биноан, ҳўжалик субъектлари фаолияти текшируви, мулк шаклидан қатъий назар, фақат назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан келишилган ҳолда қонунда белгиланган тар-

тибда тегишли назорат органлари томонидан ўтказилади. Бундан аён бўладики, хўжалик субъектлари фаолиятини режали текшириш учун назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссиясининг хўжалик субъектлари фаолиятини режали текшириш тўғрисидаги қарори кўчирмаси, шунингдек, назорат органининг ўтказиладиган текширишнинг мувофиқлаштирувчи режасига биноан текшириш мақсади, текшириш ўтказадиган мансабдор шахслар рўйхати ва текшириш ўтказиладиган муддатни кўрсатган ҳолда чиқарган буйруғи асос саналади.

Шуни унутмаслик керакки, «ННТ фаолиятлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан мустақил бўлиб, қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари уларга ҳисобот бериш, назорати остида туришга мажбур эмас. ННТ фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки ҳалақит бериш таъқиқланади.

12. Назорат қилувчи орган вакили бизнинг ННТда текширув ўтказишдан аввал қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?

Агар рўйхатга олувчи ёки бошқа бирор назорат қилувчи орган сизнинг ННТда текшириш ўтказиш ҳақида хабар берадиган бўлса, ташкилотингизга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

а) режадаги текширишда — Республика мувофиқлаштириш кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияси томонидан берилган текширишларни мувофиқлаштириш режа-жадвалидан илова;

б) мувофиқлаштирувчи кенгаш ёки вилоят комиссияси томонидан қабул қилинган ҳамда текшириш муддатлари, мақсадлари ва сабаби кўрсатилган режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор;

в) назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчилар таркиби ва текшириш муддатлари кўрсатилган ҳамда назорат қилувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш тайинлаш тўғрисидаги буйруғи;

г) текшириш тайинлаган назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг хизмат гувоҳномаси;

д) текширувчи шахсининг текшириш ўтказиш ҳуқуқини тасдиқловчи аттестациядан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома;

е) текшириш жиноят ишини тергов қилиш борасида ўтказилган тақдирда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарори;

ж) текширишга аудиторлик ташкилоти ва эксперт жалб қилинган тақдирда текширувчи орган ва аудиторлик ташкилоти ёки эксперт ўртасидаги шартнома нусхаси.

Текшириш туганидан сўнг текширувчи ва текширилаётган ташкилотнинг ваколатли мансабдор шахси текшириш далолатномаси ёки маълумотномасини икки нусхада имзолашлари керак. Унинг бир нусхаси текшириш ўтказилган ташкилотда қолади, зарур ҳолларда текширувчи орган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма беради.

Аммо ушбу текшириш қоидалари тижорат ташкилотлари учун тегишли эканини ёдда тутмоқ зарур. ННТни текшириш жараёнини бошқарувчи махсус меъёрий-ҳуқуқий акт йўқ. Аммо юқоридагилардан келиб чиқиб, нотижорат ва тижорат ташкилотларини текшириш жараёнининг ўхшаш эканини тахмин қилиш мумкин.

13. Рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгини ишлатган ҳамда рўйхатга олиш органи билан келишмай тадбир ўтказган ННТга нисбатан қандай жазо чораси қўлланилади?

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 239-моддасига мувофиқ, ННТ томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгилардан фойдаланиш мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

ННТ ҳамда унинг ваколатхона ва филиаллари томонидан рўйхатга олиш органининг келишувисиз тадбирлар ўтказиши мансабдор шахсларга нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 бараваридан 150 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Албатта, аини вазиятда рамзий белгилардан қандай фойдаланилади ва қайси тадбирлар келишувсиз, қайсилари мажбурий келишув билан ўтказилиши мумкинлигини айтиш қийин. Чунки, масалан, халқаро конференция ва иккита маҳаллий ННТ орасида ўтказиладиган иш масалалари муҳокамасига бағишланган учрашувлар орасида жуда катта фарқ бор. Агар биринчи тадбир борасида уни рўйхатдан ўтказиш органлари билан келишиб ўтказиш кераклиги аён бўлса, иккинчи тадбир борасида ҳеч қандай аниқлик киритилмаган. Чунки ой давомида фаолият юритаётган ННТда бундай тадбир ва учрашувлар ўнлаб ўтказилади, уларни келишув билан уюштиришга эса ташкилот ҳар доим ҳам улгурмайди. Шунингдек, келишув муддати ҳам қонуний белгиланмаган. ННТ режалаштирган тадбирни рўйхатдан ўтказиш органи билан келишиши учун унга қайси муддат ичида мурожаат этиши белгиланмаган. Шундай бўлса-да, рўйхатдан ўтказиш органи вакиллари билан ўртангиздаги турли хил келишмовчилик ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида сизни рўйхатга олувчи орган вакилларига тушунмаган саволларингиз билан мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз.

14. Солиқ органи ҳисоботимизда молиявий-хўжалик фаолиятининг аниқ кўрсаткичлари йўқлигини асос қилиб, рўйхатдан ўтказувчи органга ННТмизнинг ёпилиши ҳақидаги таклифни тақдим этди. Улар ҳақми?

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 39-моддасига биноан, ўз мулкида, хўжалик юртишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкый ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, ўз мустақил баланс ва сметасига эга ташкилот юридик шахс ҳисобланади. «ННТ тўғрисида»ги қонуinning 33-моддаси ННТдан фаолияти натижалари ҳақида ҳисоб-китоб юртиш-ни ҳамда белгиланган тартибда рўйхатга олиш, статистика ва солиқ орган-ларига ҳисоботлар тақдим этишини талаб этади. Бу эса ННТ фаолиятининг, ҳар қандай юридик шахс каби, банк билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишларини кўзда тутишини, жумладан, ижара ҳақини тўлаш, материаллар олиш ва ҳоказоларни билдиради.

ННТда бундай амалларнинг йўқлиги, Ўзбекистон Республикаси ФК-нинг 53-моддасига мувофиқ, суднинг қарори билан ННТ фаолиятининг олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилишига олиб келади.

Солиқ ва рўйхатга олиш органлари ходимларига ННТнинг нотижорат ташкилот эмаслигини, унинг асосий мақсадлари фойда кўриш эмас, балки жамиятга фойда келтириш эканини тушунтириш жуда муҳим. Кўпгина ННТлар кичик бюджетга эга бўлиб, кўпинча уларнинг фаолияти ихтиёрий-лик асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ННТ фаолиятининг далили сифатида ННТ раҳбарининг иш ҳақи тўғрисида маълумотнома (4-боб, 10-саволга қаралсин), ташкилотингиз фаолияти Низом асосида бўлиб, жа-миятнинг фаровонлигига қаратилгани тўғрисидаги ҳар қандай ҳужжатларни тақдим этиш мумкин.

15. Айрим давлат тузилмалари ҳисобот топширганда маълум бир харажатлар, масалан, ҳисоботларимиз сақланадиган папка учун пул тўлаш кераклигини сўрашади. Бундан ташқари, бизга керак бўлмаган даврий нашрларга обуна бўлишимизни сўрашади. Бундай ҳолларда нима қилиш керак?

Бирор-бир давлат органининг сиздан қайсидир хизмати учун пул тўла-шингизни ёки қайсидир адабиётни харид қилишингизни сўраши ноқонуний ҳисобланади. Сиз улардан меъёрий-ҳуқуқий актни талаб қилишингиз мум-кин. Унда нимага асосланган ҳолда сиздан қайсидир харажатлар учун пул тўлашингиз ёки нашр ишларини харид қилишингиз керак экани кўрсати-лган бўлиши лозим? Бу шаҳар ёки туман ҳокимияти ёхуд бошқа давлат ор-ганининг буйруғи, деган жавоблар сизни янглиштирмаслиги керак. Қонун ҳужжатларида белгиланган талаблардан ташқари, бошқа талабларнинг бар-часи ноқонуний эканини доимо ёдда тутиш. Акс ҳолда, сиз юқори турувчи давлат органи ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин.

16. ННТ ўз фаолияти ва қилинган ишлари ҳақидаги ҳисоботни ОАВда чоп этиши мажбурийми?

Умуман олганда, қонун ҳужжатларида ННТ томонидан қилинган ишлар ва ўз фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни чоп этиши мажбурий экани кўрса-тилмаган. Аммо айрим ННТлар бундан мустаснодир. «Жамоат фондлари

тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида жамоат фондлари фонд мол-мулкидан фойдаланиш тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни чоп этишлари мажбурий экани белгиланган. Ёки «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасида ҳомийлик ташкилотлари томонидан йиллик ҳисоботлари билан танишиб чиқиш имкониятларини яратиб беришлари мажбурийлиги ҳақида қарор мавжуд. Ҳомийлик ташкилотининг даромад ва буромади, миқдори, мол-мулки, ходимлар сони, уларнинг иш ҳақи ва кўнгиллиларни жалб қилиши тижорат сири деб саналмайди. Аммо жамият фондлари каби айни ҳолатда ҳам ҳомийлик ташкилотлари учун ҳисоботларни чоп этиш мажбурий экани ҳақида аниқ кўрсатма берилмаган.

17. ННТда ҳар йили инвентаризация ўтказиш мажбурийми?

Ҳа, йиллик ҳисобот тузишдан аввал ННТ мол-мулкани инвентаризациядан ўтказиши лозим. «Молиявий ҳисоботлар шаклини тўғри тўлдириш қоидалари»га биноан, бухгалтерлик балансини тузишдан олдин албатта аналитик ҳисоб рақамларининг айланма ва қолдиқларининг асосий китобининг синтетик рақамлари билан таққосини амалга ошириш керак.

VII БОБ

ННТ фаолиятига тааллуқли бошқа саволлар

Ушбу бобда китобнинг бирорта бобига тааллуқли бўлмаган, аммо кўпинча ННТнинг амалий фаолиятида учраб турадиган ННТ фаолияти билан боғлиқ барча саволлар кўриб чиқилади. Уларнинг жавоблари амалдаги ННТлар учун жуда кераклидир.

1. Нотижорат ташкилотлар расмий ассоциация тузмай туриб, ўзаро (биргаликда) фаолият юритишлари мумкинми?

ННТлар юридик шахс бўлмай туриб ўзаро шартнома асосида, мол-мулкларини қўшган ҳолда, моддий, ақлий кучларини хўжалик ёки бошқа нотижорат каби умуммақсадларга эришиш учун йўналтириб, биргаликда фаолият олиб боришлари мумкин.

Қўшма фаолият Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 962-975-моддаларида белгиланган тартибда, оддий ширкат шартномаси асосида амалга оширилади.

Қўшма фаолият ҳақидаги шартномада қатнашчилар биргаликда олиб борадиган ишлар тартибини белгилайдилар. Барча ишлар ўзаро келишув ёки шартнома шартноқчиларидан бири томонидан қолган қатнашчиларнинг далолатномаси асосида юритилади.

Қатнашчиларнинг пул ва мулкый бадаллари ҳамда қўшма фаолият натижасида орттирилган мол-мулк умумий улушли мулк ҳисобланади. Қатнашчи ўз улушидан қолган қатнашчиларнинг розилигисиз фойдаланишга ҳаққи йўқ. Демак, оддий ширкат фаолиятидаги барча амаллар қўшма фаолият тўғрисидаги шартнома асосида олиб борилади.

2. Ассоциация юридик ва жисмоний шахслар иштирокида ташкил этилиши мумкинми?

Афсуски, Ўзбекистон Республикаси ФКда ассоциация фақатгина юридик шахслар иштирокида тузилиши кўзда тутилган (Ўзбекистон Республикаси, ФК, 77-модда). Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларида юридик шахс ва жисмоний шахсларнинг қўшма уюшмаси таъқиқланмагани сабабли юридик ва жисмоний шахслар иштирокида ассоциация тузиш масаласига ҳозирча аниқлик киритилмаган. Аммо шу билан бирга қонун ҳужжатларида ассоциацияларда (уюшмаларда) жисмоний шахсларнинг иштирок этиши ҳам кўзда тутилмаган.

3. Бизнинг ННТ янги жойга кўчиб ўтди, энди бизнинг юридик манзилимиз аниқ манзилимиздан фарқ қилади. Бундай вазиятда қандай қилиб солиқ органлари жарималаридан қутулиш мумкин?

Қонун ҳужжатларида «юридик манзил» ва «аниқ манзил» деган тушунчалар йўқ, уларнинг ўрнига «юридик шахс жойлашган ер» тушунчаси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 46-моддасида юридик шахс жойлашган ер давлат рўйхатидан ўтган ер деб белгиланган. Айнан мана шу манзил бўйича юридик шахс билан алоқа амалга оширилади. Аммо ташкилот жойлашган аниқ жой ва фаолият кўрсатилаётган жой ҳар доим ҳам бир-бирига тўғри келавермайди.

Шунга қарамай, қонун ҳужжатлари ташкилот жойлашган ерни белгилиб бериб, унга бошқа манзил бўйича фаолият кўрсатишни таъқиқламайди. Бироқ амалиётда солиқ органларига юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган манзили билан аниқ манзилининг бир-бирига тўғри келмаслиги унча ёқмайди. Аниқ ва юридик манзилларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги агар ёлғон маълумотлар билан боғлиқ бўлса, юридик шахслар мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўллаши мумкин.

ННТ аниқ ва юридик манзиллари бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда жарима ҳамда давлат органлари билан бошқа муаммоларга дуч келмасликлари учун таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритишлари ва манзилларини ўзгартирганликлари ҳақида солиқ органларига ўз вақтида хабар беришлари мумкин.

4. Биз Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтадиган конференцияга хорижий ННТ вакилини таклиф этмоқчимиз. У яшайдиган мамлакатда виза режими ўрнатилган бўлса, буни қандай амалга оширишимиз мумкин?

ННТ томонидан уюштирилган конференциянгизда иштирок этиши учун чет эл фуқаросини чақириш борасида «Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби»га асосан ташкилотингиз Ўзбекистон Республикаси ХИ-Вга меҳмонингиз Ўзбекистон визасини олишида унга ёрдам кўрсатишларини сўраб илтимоснома жўнатиши лозим. Ўзбекистон Республикасига юридик шахсларнинг таклифи билан келмоқчи бўлган хорижий фуқаролар виза олиш учун Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик идораларига мурожаат этишлари керак. Агар бундай идоралар бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси учун келишув асосида консуллик функцияларини бажарувчи бошқа давлатлар консуллик идораларига белгиланган шаклда тўлдирилган виза анкетаси (2 нусхада ва таклифнома билан биргаликда), паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат билан мурожаат этилади. Хорижий фуқаронинг виза ҳужжатларини кўриб чиқиш ва унга кириш визасини тайёрлаш муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, қабул қилувчи ташкилотлар (жумладан, ННТ ҳам) хорижий фуқароларга ўз вақтида уларнинг қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳақ-хуқуқлари ва вазифаларини тушунтиришлари, чет эл фуқароларига нисбатан белгиланган ҳуқуқий нормаларни аниқ бажаришлари, уларни рўйхатга олмақлари лозим. Шунингдек, улар хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли бўлим-

лари вақтинчалик рўйхатга олишлари, Республика ҳудуди бўйлаб ҳаракат қилишлари ҳамда виза муддати тугагач, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларини таъминлаш учун масъулдирлар.

5. Давлат тузилмаларидан очиқ маълумотлар сўраганимизда кўпинча рад жавобини оламиз. Нима қилишимиз керак?

Сизнинг ҳаракатларингиз қонунга зид бўлмаса ва Низом фаолиятига тўғри келса, сўровларни йўллашда «ННТ кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ННТларнинг давлат томонидан маълумот излаш, олиш, изланиш, тарқатиш, қўллаш ва сақлаш ҳуқуқи билан таъминланишига асосланиб иш кўришингиз лозим.

Тегишли материалларни нашр этиш ва Низом фаолиятини амалга оширишга зарур бўлган ахборотни олиш учун ННТнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш йўли билан ахборот олишга йўл очилади.

ННТ сўровига жавоб имкон қадар қисқа муддатда, аммо агар қонунчиликда бошқа кўрсатма бўлмаса, сўров олингандан ўттиз кун ичида берилиши зарур.

Аммо агар орган ёки мансабдор шахсда сўралаётган маълумот бўлмаса, улар сўров олгандан етти кун ичида мурожаат қилган ННТга бу ҳақда хабар бериши, шунингдек, агар имконият бўлса, уни бундай маълумотларга эга бўлган орган ёки мансабдор шахс ҳақидаги ахборот билан таъминлаши лозим.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ННТнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган қонунчилик далолатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишишларига имкон яратиши зарур.

ННТнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тегишли бўлган маълумотлар бепул тақдим этилади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Агар сизга мансабдор шахслар жавоб бермаса ёки маълумот беришни рад этса, юқори органга ёки судга мурожаат этишингиз мумкин.

6. Биз ёзда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга болалар учун бир қатор тадбирлар ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Бу тадбирларга ҳокимият вакилларини таклиф этишимиз мумкинми?

Сиз яшаш жойингиздаги ҳокимиятга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи билан ҳамкорликда тадбир ўтказиш ҳақида мурожаат қиласиз, унда ўтказиладиган тадбир мавзуси ва ўрни, унга таклиф қилинадиган иштирокчилар ва меҳмонлар сони, тадбир мақсади кабиларни кўрсатасиз ҳамда ҳокимият вакилларини иштирок этишга таклиф қиласиз. Шунингдек, рўйхатга олувчи органни режалаштирилаётган тадбир ҳақида огоҳлантиришни унутманг.

Шуни ёдда тутингки, ННТ рўйхатга олувчи орган билан келишиб олмасдан тадбир ўтказадиган бўлса, унинг мансабдор шахслари энг кам иш ҳақининг 100-150 баравари миқдорида жарима тўлашлари мумкин.

**7. Бизнинг ННТ мустақил равишда китоблар ва ахборот рисола-
ри чоп этмоқчи. Бунинг учун бирорта рухсатнома олишимиз керакми
ва у қандай олинади?**

Бундан маълум бўладики, сизнинг ННТнгиз ноширлик фаолияти билан шуғулланмоқчи ва ўз наشريёт фаолиятини юритиш учун «Лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари рўйхати»га кўра, лицензия олиш зарур бўлади. Лицензия олиш тартиби «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги қоидада зикр этилган. Лицензия олиш учун сизнинг ННТнгиз қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- а) қуйидагилар кўрсатилган ҳолда лицензия олиш ҳақида ариза;
 - ҳуқуқий шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган ўрни (почта манзили), банк муассаси номи ва банкдаги ҳисоб рақами;
 - ҳуқуқий шахс раҳбари – лицензия олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини кўрсатувчи ҳужжат маълумотлари;
 - лицензияланаётган фаолият тури;
 - ихтисослашув;
 - молиялаштириш манбалари;
- б) ҳуқуқий шахснинг давлат рўйхатида олингани ҳақидаги шаҳодатномасидан нотариал тасдиқланган нусхалари;
- в) лицензия олувчи аризасини кўриб чиқиш учун пул тўланганини (энг кам иш ҳақининг беш баравари микдорида) тасдиқловчи ҳужжат;
- г) лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд моддий техник база, ускуналар ва бошқа техник воситалар ҳақида маълумот;
- д) ҳуқуқий шахс ходимларида нашр ишларини юритиш учун тегишли махсус олий ёки ўрта маълумоти ва шу соҳада 3 йилдан ортиқ иш тажрибаси борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва меҳнат дафтарчаси нусхаси).

Ушбу ҳужжатлар шахсан ёки почта алоқаси орқали (олингани ҳақидаги маълумот билан) Ўзбек матбуот ва ахборот агентлигига етказиб берилади.

Ариза олинган кундан 10-15 кун ичида ҳужжатлар кўриб чиқилади ва лицензия олувчига лицензия бериш ёки бермаслик ҳақидаги қарор тайёрланади. Ушбу агентлик 3 кун ичида тегишли қарор қабул қилингани ҳақида лицензия олувчини огоҳлантиради. Лицензия бериш ҳақида қабул қилинган қарор хабарномаси лицензия олувчига ёзма шаклда банк ҳисоб рақами ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (тақдим этилади). Ушбу агентлик ва лицензия олувчи ўртасида тузиладиган шартномада қуйидагилар акс этиши лозим:

- шартномани имзолаган мансабдор шахслар фамилияси, исми, отасининг исми;
- томонлар реквизитлари;
- лицензия берилаётган фаолият тури номи;
- лицензия амал қиладиган муддат;
- лицензия олувчига талаблар ва шартлар;

- томонларнинг лицензия талаблари ва шартларини бажармаганлик ҳолатида жавобгарлиги;
 - лицензия олувчи томонидан лицензия шартномаси талаблари ва шартлари бажарилишини ушбу агентлик томонидан назорат қилиш тартиби.
- Лицензия шартномаси 2 нусхада тайёрланади, лицензия олувчи ва ушбу агентликка бир нусхадан берилади.

Лицензия олувчи томонидан давлат божини тўланганидан (энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида) ва лицензия шартномасини имзолаганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганидан 3 кун ичида лицензия берилади.

Болалар адабиёти, меъёрий сўровномалар, илмий-техник адабиётлар, сўровнома-энциклопедик китоблар, шунингдек, ногиронлар учун мўлжалланган асарлар нашр қилишга ихтисослашган нашриётлар давлат божини 50 % миқдорида тўлайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, ННТ ўзининг ноширлик фаолиятини амалга ошираётганда нашриёт фаолияти соҳасига тегишли қонунчилик, меъёрий-техник ва бошқа талабларга риоя қилиши зарур.

8. ННТ ҳисобида маблағ йўқ пайтида даъво аризаси бераётганда давлат божини тўлашдан озод қилинадими?

Йўқ, ННТ маблағи бўлмаганида давлат божини тўлашдан озод қилиш қонунчилиқда кўзда тутилмаган. Аммо Ўзбекистон Республикаси ХПК 91-моддасига кўра, суд айрим ҳолларда даъвогарнинг аризаси асосида, унинг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, давлат божини тўлашни кечиктириш ёки муддатини узайтириши мумкин.

Шуни яна ёдда тутиш керакки, «ННТ кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига кўра, нодавлат нотижорат ташкилотлар судга давлат органларининг ноқонуний қарорлари, ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатини бузаётган мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (бефарқлиги) юзасидан мурожаат қилганда давлат божидан озод қилинади.

9. Судда ҳар қандай ходим ННТ манфаатларини ёқловчи бўлиши мумкинми ёки албатта ННТ раҳбаригина ННТ ҳуқуқининг ҳимоячиси бўладими?

Судда ННТ манфаатларини ҳам ННТ раҳбари ёки ННТ манфаатини ёқлашга вакил қилиниб, ишонч қоғози олган ҳар қандай ННТ ходими ёқлаши мумкин.

10. Бизнинг экологик ННТ атроф-муҳитни ифлослантиришда айби исботланган корхонадан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эгами?

Ҳа, эга. Бу ҳолат «Ҳайвонот дунёсини асраш ва фойдаланиш тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган. Унинг 5-моддасига кўра, жамоат ташкилотлари ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳитини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш муҳитига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани қўйиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эга.

ННТ атроф-муҳитни асраш бўйича қонунчилик бузилганда, яъни бу ҳолатда атроф-муҳит ифлослантирилганда ваколатли органлар ва судларга мурожаат қилиши мумкин.

11. Бизнинг ННТ Низоми йўқолиб қолди, уни қандай қилиб тиклаш мумкин?

Сизнинг ННТнгиз гувоҳномаси ва Низоми дубликатини олиш ҳақида рўйхатга олувчи адлия органига мурожаат қилиши лозим. «Жамоат бирлашмаларининг Низомларини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш қоидалари»нинг 9-моддасига биноан, рўйхатга олинганлик ҳақидаги гувоҳнома йўқотилганда унинг дубликатини олиш учун рўйхатга олиш тўловининг 50 % миқдорида маблағ олинади.

Шунингдек, «Жамоат бирлашмалари рамзини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарорнинг 6-бандига кўра, рамзнинг тасдиқлангани тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилганда унинг дубликатини олиш учун рўйхатга олиш тўловининг 50 % миқдорида маблағ олинади.

12. ННТ Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёни қандай расмийлаштирилади?

«Жамоат бирлашмаларининг Низомларини рўйхатга олиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш қоидалари»нинг 13-бандига биноан, жамоат бирлашмалари рўйхатга олиш органини бир ойлик муддатда Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, жамоат бирлашмалари жойлашган ўрни ўзгараётгани ҳақида хабардор қилиши зарур. Белгиланган муддатда бундай ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида хабар берилмаганда Низомни қайта рўйхатдан ўтказиш чоғида улардан давлат божи тўла миқдорда олинади. II боб 26-саволда кўрсатиб ўтилган нотариал тасдиқланган (ёки уларни берган орган тасдиқлаган) ҳужжатлар, шунингдек, сўнгги йилда жамоат бирлашмаси бажарган ишлар ҳақида ҳисоботни тақдим этганидан сўнг рўйхатга олиш органи томонидан жамоат бирлашмасининг Низоми қайта рўйхатдан ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат ташкилотлари Низомларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорнинг 6-бандига биноан, жамоат ташкилотининг Низомини қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни мувофиқлаштиришда давлат божининг белгиланган миқдоридан 50 % олинади.

Жамоат бирлашмалари Низомини рўйхатга олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш рад этилганда ва бу ҳақдаги қарор ўзгаришсиз қолдирилганда давлат божи қайтарилмайди.

Таъкидлаш жоизки, ННТ Низомини ўзгартириш жараёни бошқа ҳуқуқий шаклларда жамоат бирлашмалари, хусусан, жамоат фондларидаги худди шу жараёндан биров фарқланади. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига биноан, фонд Низомига киритилган пайтдан икки ҳафта муддат давомида рўйхатга олиш органини хабардор қилган ҳолда фонднинг ҳомийлик кенгаши томонидан тасдиқланади. Фонд Низомига киритиладиган ҳамда унинг Низом мақсад ва вазифаларини ёки фонд органларининг

шаклланиш тартиби ва ваколатини, шунингдек, фонд фаолият соҳасини ўзгартирадиган ўзгартириш ва қўшимчалар фондни қонунчиликда белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказишга олиб келади.

Фонд ваколатхоналари ва филиаллари қоидаларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар рўйхатга олувчи органни улар киритилгандан икки ҳафта мобайнида хабардор қилган ҳолда фонд раёсати томонидан тасдиқланади.

13. Жамоат ташкилотининг барча таъсисчилари унинг янги таҳрирдаги Низомини албатта имзолаши ва тасдиқлаши шартми?

Шарт эмас, негаки жамоат ташкилотларида таъсисчилар фақат уни ташкил этиш чоғида мавжуд бўлади. Улар давлат рўйхатидан ўтган чоғидан бошлаб таъсисчилар жамоат ташкилотининг аъзолари (иштирокчилари) бўлиб қолади. Жамоат ташкилоти Низомини унинг доимий фаолият кўрсатаётган раҳбар (ижроия) органи ва олий раҳбар органи ёхуд Низом бўйича тасдиқлаш вазифаси қилиб белгиланган бошқа орган тасдиқлайди.

14. Биз ННТмиз рамзига ўзгартириш киритмоқчимиз. Бунинг учун нима қилиш керак?

«Жамоат бирлашмалари рамзини рўйхатга олиш тартиби ҳақида»ги қоидага кўра, жамоат бирлашмалари рўйхатга олувчи органни бир ой ичида рамзга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиши ҳақида огоҳлантириши зарур. Жамоатчилик бирлашмалари рамзини қайта рўйхатдан ўтказиш II боб 11-саволда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этганидан кейин рўйхатга олиш органи томонидан амалга оширилади.

«Жамоат бирлашмалари рамзини рўйхатга олиш ҳақидаги қондани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорнинг 4-бандига кўра, жамоат бирлашмалари рамзига киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар учун тўлов рўйхатга олиш тўловининг 50 % миқдорида амалга оширилади.

Афсуски, жамоат ташкилоти Низоми ва ННТ рамзига арзимаган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шу сингари Низом ва ННТ рамзини янгитдан қайта рўйхатдан ўтказиш каби мураккаб ва узоқ давом этувчи жараёни талаб қилади. Ушбу қоидалар ННТнинг ўз таъсис ҳужжатларини, рамзи ва умуман Низом фаолиятини ўзгартириш ҳамда ривожлантиришга жиддий тўсиқ қўяди.

15. Бизнинг ННТ автомобил ва унинг ҳайдовчисини ижарага олиш ҳақида шартнома тузди. Агар автомобиль ҳайдовчиси ҳалокат содир этса, бизнинг ташкилот жавобгар бўладими?

Ўзбекистон Республикаси ФК 99-моддасига биноан, фаолияти атрофдагиларга кескин хавф туғдириш билан боғлиқ бўлган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситалари эгалари ва бошқалар) агар жабрланувчининг енгиб бўлмас кучи ёки атайин ҳаракати билан зарар вужудга келганини исботлай олмаса, кучли хавф манбаси билан етказилган зарарни қоплашлари зарур. Етказилган зарарни қоплаш мулкӣ ёки бошқа қонуний ҳуқуқ асосида кучли хавф манбасига эга бўлган (мулкӣ ижара шартномаси, транспорт

воситасини бошқаришга ишончнома, тегишли органнинг кучли хавф манбасини ижарага бериш ҳақида қўрсатмалари ва бошқалар) юридик шахс ёки фуқарога юклатилади. Бунда бир томон айби билан етказилган зарарни ўша томон тўла ҳажмда, ҳар иккала ёки бир неча томон етказган зарарни ҳар бир томон етказган айби даражаси ҳажмида қоплайди. Ҳар бир томон айби даражасини белгилаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик уларнинг ўртасида баробар тақсимланади.

Шундай қилиб, сизнинг ташкилотингиз ижарачи сифатида жавобгар ҳисобланади. Шу билан бирга автомобиль эгаси ҳам учинчи шахслар олдида транспорт воситасининг тўкнашуви натижасида етказилган зарар юзасидан биргаликда жавоб беради.

16. ННТ ўз ходимлари учун хорижга чиқишни расмийлаштиришда ОВИРга топшириладиган чиқиш анкетасини тасдиқлай оладими?

Ҳа, ННТ ўз ходимлари учун хорижга чиқишни расмийлаштиришда ОВИРга топшириладиган чиқиш анкетасини тасдиқлай олади. ННТ раҳбарининг ушбу анкетадаги имзоси барча чиқувчи ҳужжатларга раҳбар қўйган имзо ҳуқуқи даражасида бўлади.

Агар чиқиш анкетаси ННТ раҳбари номига тўлатилган бўлса, амалдаги раҳбар бўлмаган даврда ННТ раҳбарлиги юклатилган мансабдор шахс томонидан имзоланади.

17. ННТ инсон ҳуқуқлари поймол этилаётгани тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Омбудсманига мурожаат қилиши мумкинми? Ушбу шикоятда нималар кўрсатилади?

«Инсон ҳуқуқлари ҳақида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан, инсон ҳуқуқлари бўйича (омбудсман) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вакили (қуйида вакил) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини оёқ ости қилаётган ташкилот ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёхуд бефарқлиги юзасидан шикоятларини кўриб чиқади ва текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил маълум шахс гуруҳнинг уларнинг розилиги билан ҳуқуқ эркинлиги ва қонуний манфаатлари оёқ ости қилиниши ҳақидаги учинчи шахс, шунингдек, ННТ шикоятини кўриб чиқишга қабул қилади. Вакил судга тегишли масалаларни кўриб чикмайди.

Вакил даъвогарларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари бузилиши маълум бўлиб қолгандан ёки шикоят бўйича сўнгги қарор қабул қилинганидан сўнг шикоятларни агар даъвогар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бошқа воситаларни қўллаган ва қабул қилинган қарордан норози бўлса, кўриб чиқади.

Вакилга бериладиган шикоятда даъвогарнинг исм-шарифи, отасининг исми, манзили, шунингдек, ҳаракати ёки бефарқлиги юзасидан шикоят қилинаётган мансабдор шахс исм-шарифи, отасининг исми, ташкилот номи,

даъвогар фикрига кўра унинг ҳуқуқи бузилишига сабаб бўлган ҳаракат ва бефарқлик мазмуни ёзилган бўлади. Шикоятга даъвогар талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа гувоҳномалар илова қилинади.

Вакилга берилган шикоятга давлат божи олинмайди.

18. Бизнинг ННТ ўз газетасини таъсис қилиб, нашр этмоқчи. Бунинг учун қаердан рухсат олинади ва рухсат олиш тартиби қандай?

Дарҳақиқат, сизнинг ННТнгиз ўз газетасини чиқариши мумкин. «ОАВ ҳақида»ги қонуннинг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари ОАВ (газета ҳам ОАВ қисми ҳисобланади) таъсис этиш ҳуқуқига эга. Қонунчиликка кўра, ОАВ давлат рўйхатидан ўтиши зарур. ОАВни давлат рўйхатидан «ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақидаги қоида»га асосан ўтказилади.

ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсисчи ёки у вакил қилган шахс рўйхатдан ўтказувчи органга шаклга кўра («ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақидаги қоида», 1-илова) ариза беради. Агар таъсисчи биргина шахсдан иборат бўлса, рўйхатга олаётган органга тақдим этилаётган аризага тахририят Низоми ва тегишли миқдорда давлат божи тўлангани ҳақидаги банк тўлов ҳужжати илова қилинади (даврий матбуотлар: газета, журнал, ахборотнома, бюллетень, альманахлар ва бошқаларга энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдорида; асосан болалар, ўсмирлар, ногиронлар учун мўлжалланган, шунингдек, таълимий ва маданий-оқартув йўналишидаги оммавий ахборот воситаларига энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида давлат божи тўланади). Қорақалпоғистон Республикаси нашр ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри нашр ва ахборот бошқармаси давлат рўйхатига олган оммавий ахборот воситаларидан белгиланган давлат божининг 70 % миқдорида бож олинади.

Рўйхатга олувчи органга ҳужжатлар таъсисчи ёки унинг вакили томонидан шахсан ёки почта алоқаси воситалари орқали етказилади.

Зарурий ҳужжатлар билан бирга аризани олган кундан бошлаб ўттиз кун ичида рўйхатга олиш органи давлат рўйхатидан ўтгани ёки рад этилганлик ҳақида қарор қабул қилади. Ижобий қарор қабул қилинган ҳолатда рўйхатга олувчи орган қарор қабул қилингандан бир ҳафта ичида юқоридаги қонуннинг 5-илловасига кўра, шаклдаги ОАВни давлат рўйхатидан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштириб тақдим этади. ОАВни давлат рўйхатига олиш ёки қайта рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳолатда рўйхатга олувчи орган қарор қабул қилинганидан 10 кун ичида ариза берувчига рад этиш сабаби ва муддатини кўрсатиб ёзма равишда хабар беради, бу вақт давомида ариза берувчи камчиликларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим қилиши мумкин.

Шуни назарда тутиш керакки, корхона, муассаса, ташкилотларнинг (шунингдек, ўқув ва илмий муассаса) шахсий эҳтиёжини қондириш учун юз нусхагача нашр этиладиган даврий босма нашрини давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.

19. ННТ раҳбари ўзгаргани ҳақида қайси ташкилотларни хабардор қилиш керак?

Раҳбарни сайлаш ёки тайинлаш тартиби ННТ Низомида белгиланган бўлиши керак. Раҳбар алмашганда рўйхатга олувчи органга, давлат Солиқ қўмитасига маълумот берилади ва банкдаги муҳр ҳамда имзо намунасидаги карточка алмаштирилади.

VIII БОБ

ННТни тугатиш ва қайта ташкил этиш бўйича саволлар

Ҳар қандай юридик ННТ ўз фаолиятини тўхтатиши ва тугатиши мумкин. Ушбу бобда биз ННТнинг тугатилиши билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқамиз. Биз биламизки, Ўзбекистон Республикаси ФК 53-моддасига биноан, ҳуқуқий шахснинг тугатилиши унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсларга қонуний мерос бўлиб ўтишига йўл бермайди.

1. Қандай ҳолатларда ННТ тугатилиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси ФК 53-моддасига биноан, қуйидаги ҳолатларда ННТ тугатилиши мумкин:

- унинг муассислари (қатнашчилари) ёки таъсис ҳужжатларида ваколати кўрсатилган юридик шахс органи қарорига кўра, жумладан, ташкил этилган юридик шахснинг белгиланган вазифани бажаргани ва фаолият кўрсатиш муддати тугагани ёки суд томонидан юридик шахсни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказишда қонунга ҳилоф иш тутилгани кўрсатилиб, бу қонун бузилишини бартараф этиб бўлмайди, деб топилганида;
- суд қарорига кўра рухсатсиз (лицензиясиз) фаолият кўрсатган ёки қонунда таъқиқланган фаолият олиб борган ё олти ой мобайнида банк ҳисоб рақамлари орқали молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмагани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФКда назарда тутилган шу каби ҳолатлар ҳамда «Жамоат ташкилотлари Низомини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш ҳақидаги қоидалар»нинг 12-бандига кўра, рўйхатдан ўтказган органга ҳисоботлар тақдим этмаганида;
- рўйхатдан ўтказган орган ёзма огоҳлантириш берганидан кейин ҳисобот топширилмагани учун тегишли жамоат уюшмасини тугатиш тўғрисидаги судга ёзма тақдимнома киритиши мумкин.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарори унинг таъсисчи (қатнашчи)лари ёки юридик шахсни унинг таъсис ҳужжатлари билан барча тугатиш ваколатига эга орган зиммасига юридик шахсни тугатиш мажбурияти юкланиши ҳам мумкин.

2. ННТни тугатиш жараёни қандай кечади?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддасига биноан, ННТни тугатиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

ННТ муассислари, қатнашчилари (аъзолари), ННТни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишилган ҳолда тугатиш комиссияси тайинланади.

ННТни тугатиш Ўзбекистон Республикаси ФКда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ФК 55-моддасига биноан, тугатувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ОАВда юридик шахсни тугатиш, шунингдек, агар кредиторлари бўлса, улардан талабнома аризаларини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Бу муддат тугатиш тўғрисида эълон берилганидан кейин 2 ойдан кам бўлмаслиги керак.

Тугатиладиган ННТ кредиторлари бўлса, тугатувчи кредиторларни аниқлаш ва уларнинг дебитор қарзларини олиш чораларини кўради. Ҳамда уларга юридик шахснинг тугатилишини ёзма тарзда маълум қилади.

Кредиторларнинг аризаларини қабул қилиш муддати тугаганидан кейин тугатувчи кредиторларга тақдим этиш учун тугатилаётган юридик шахснинг мулки таркиби ва унинг айна пайтдаги ҳолати тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи оралиқ тугатиш балансини тузади.

Оралиқ тугатиш баланси юридик шахс муассислари (қатнашчилари) ёки юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади. Суд юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган тақдирда оралиқ тугатиш баланси юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Агар тугатилаётган юридик шахс (ташкилотдан бошқа)нинг пул маблағи кредиторларнинг талабини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи суд қарорини бажариш учун юридик шахснинг мулкини ким ошди савдосига қўяди.

Тугатувчи кредиторларга тугатилаётган юридик шахснинг пул суммасини Ўзбекистон Республикаси ФК 56-моддасида белгиланган тарзда оралиқ тугатиш баланси тасдиқланган қундан бошлаб, навбат асосида беради.

Тугатувчи кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач ёки кредиторлар бўлмаса, бирданига юридик шахс муассислари (қатнашчилари) ё юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қилган орган томонидан тасдиқланадиган тугатиш балансини тузади. Юридик шахс суд қарори асосида тугатилган тақдирда тугатиш баланси юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг розилиги асосида тасдиқланади.

Тугатилаётган ташкилотнинг пул маблағлари кредиторлар талабини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, ундан берган пулини олиш учун навбатда турган кредиторлар ушбу корхона ёки ташкилотникини хусусий мулки қилиб олган шахс ҳисобидан уларнинг талабини қондиришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек, раҳбар органлар аъзолари ёки ННТнинг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Тугатилган ННТнинг қолган мул-мулкидан белгиланган тартибда фойдаланилади.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахслар ягона давлат реестрида қайд этганидан кейин юридик шахсни тугатиш якунланган ва юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

ННТни тугатиш тўғрисида ягона давлат реестрига адлия орган томонидан қуйидаги ҳужжатлар киритилади:

- ННТни тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахслар ягона давлат реестрига киритиш тўғрисида ариза (ихтиёрий асосда тугатилса);
- тегишли органнинг ННТни тугатиш тўғрисидаги қарори;
- ННТ Низоми ва бошқа таъсис ҳужжатлари ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома;
- тугатиш баланси ёки топшириш акти ёхуд тақсимлаш баланси.

ННТ ана шу тартибда тугатилади. Афсуски, «ННТ тўғрисидаги қонун»да тугатилаётган ННТнинг мулкани тақсимлаш тартиби аниқ кўрсатилмаган.

3. Тугатилаётган ННТ мол-мулки қандай тартибда тақсимланади?

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига биноан, съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш қарори асосида тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки унинг Низомида кўрсатилган тартибда мақсадга йўналтирилади. Ушбу қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки ҳеч қандай пулсиз давлат мулкига айлантирилиши мумкин. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасига мувофиқ, фонднинг кредиторлар талаби қондирилганидан кейин қолган мулки фонд муассислари, шунингдек, васийлик кенгаши, бошқарув аъзолари, тафтиш комиссияси ёки фонд ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Бундай мулкдан Низомда фонд қандай мақсадда тузилгани кўрсатилгани тартибда ёки хайрия мақсадида фойдаланилади.

«Хайрия тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида хайрия ташкилоти тугатилганида унинг кредиторлар талабидан ортиб қолган мол-мулки ташкилот Низомида кўрсатилган тартибда хайрия мақсадларида ёки хайрия ташкилоти Низомида мулкдан фойдаланиш тартиби кўрсатилмаган ё бу қонунда белгиланмаган бўлса, тугатувчи комиссия қарорига мувофиқ фойдаланилади.

Қонунчиликда ННТ мулкани тақсимлаш механизми белгиланган бўлса-да, унинг қолган мол-мулкани Низомдаги мақсадларга ўтказиш тартиби аниқ ва тушунарли кўрсатилмаган. Мулкни ким (ННТнинг юқори раҳбар органи ёки тугатиш комиссияси) ёки Низомдаги мақсадлар бўйича қандай тасдиқлаш, қайси ташкилот уни сотиши кўрсатилмаган. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг ННТ мулкани унинг Низомида белгиланган мақсадларни эътиборга олмаган ҳолда ҳеч қандай тўловсиз давлат фойдасига ўтказиш тўғрисидаги 22-моддаси ҳам эътироз туғдиради.

4. ННТни тугатиш учун қандай ҳужжатлар керак ва уларни қайси давлат органи тақдим этади?

Ўзбекистон Республикаси СК 44-моддасига мувофиқ, тугатилаётган ё қайта ташкил этилаётган солиқ тўловчи юридик шахс топшириш акти асосида ёки тақсимлаш баланси ё тугатиш балансига мувофиқ, ҳар бир тугатилаётган ё худ қайта ташкил этилаётган солиқ тўловчининг солиқ тўланиши белгиланган муддатдан қайта ташкил этилгунча ёки тугатилгунча муддатда солиқ тўлагани тўғрисида ҳисобот топширади. Ушбу ҳисобот топшириш акти, тақсимлаш баланси ёки тугатиш баланси тасдиқланганидан кейин уч иш куни ичида тақдим этилади.

«Ихтиёрий тугатилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, тугатувчи белгиланганидан кейин уч кун ичида сиз ташкилот фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатлар, шунингдек, муҳр ва корхонанинг бошқа мол-мулкни унга топширишингиз шарт.

Тугатувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейинги иш куни рўйхатдан ўтказиш органига корхона давлат рўйхатига олинган муддатдан ҳўжалик-молиявий фаолият олиб бормагани тўғрисида маълумотни акс эттирувчи ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор кўчирмасини; талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақами (кейин асосий ҳисоб рақами)га хизмат қиладиган ва корхонанинг хорижий валютаси жамғарилган ваколатли банкка ихтиёрий тугатилиш тўғрисидаги қарор кўчирмасини, тугатувчининг муҳри босмаси (оттиски) ва имзолари намунаси қарточкасининг нотариал тасдиқланган икки нусхасини топширади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ва банклар ушбу ҳужжатларни олганини ёзма тарзда тасдиқлаши шарт.

Ташкилотни давлат реестридан ўчириш учун тугатувчи ихтиёрий тугатилиш тўғрисида эълон берилгандан кейин бир ойдан кам бўлмаган муддатда рўйхатдан ўтказувчи орган қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади ёки жўнатади:

- корхона ихтиёрий тугатиш тўғрисида бир ёки бир неча даврий нашрларда берилган эълонни;
- давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳномани;
- банкларда ҳисоб рақами очилмагани тўғрисидаги хат ёки бор бўлган тақдирда асосий ҳисоб рақамини ёпгани тўғрисидаги маълумотни;
- муассис (иштирокчи)ларнинг мол-мулкни тақсимлаш тўғрисидаги қарорни;
- ташкилотнинг муҳри ва штампларини;
- корхона ҳужжатларини давлат архивида тасдиқловчи маълумотномани.

5. ННТ тугатилганда унинг ходимларига компенсация тўловлари бериладими?

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси МК 109-моддасига биноан, ходимларга меҳнат шартномаси тўхтатилиши (муддатсиз) муносабати билан ишдан бўшаганида ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда пул маблағи берилади. Ўзбекистон Республикаси МК 104-моддасига биноан, зудлик билан тузилган меҳнат шартномасида томонлар шартнома муддатидан олдин тўхтатилганида иш берувчи жарима тўлаши тўғрисида кўрсатилса ва иш

берувчи ташаббуси билан иш тўхтатилса, бунда иш бажарувчи айбдор бўлмаса, иш берувчи жарима тўлайди. Ўзбекистон Республикаси МК 67-моддасига биноан, ташкилот тугатилиши муносабати билан ходимлар билан меҳнат шартномаси тўхтатилса, уларга икки ойдан кўп бўлмаган муддатда ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади. Агар ходимлар меҳнат шартномаси тўхтатилганидан кейин ўн тақдим куни мобайнида иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтса, улар маҳаллий меҳнат органи томонидан бу ҳақда берилган маълумотнома асосида аввалги иш жойидан учинчи ойда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорида нафақа олади.

6. Бизнинг ННТ аъзолари ихтиёрий тугатилиш тўғрисида қарор қабул қилишди. Лекин муассислардан бири (директор) ўз ихтиёри билан бўшашни истайди. Унинг шундай ҳуқуқи борми?

ННТ қатнашчилари тугатувчи (агар уларга бошқа шахс бўлса) сайлаш тўғрисида расмий қарор қабул қилмагунча ташкилот ижро органисиз фаолият олиб бориши мумкин эмас. Тугатувчи тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, у амалда раҳбар вазифасини бажаргандан кейин директорни ўз ихтиёри билан ишдан бўшатиш мумкин. Лекин унга ишдан бўшаганидан кейин бериладиган нафақа тўланмайди.

7. ННТ фаолияти ким томонидан ва қандай асосга кўра тўхтатилади?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 34-моддасига биноан, ННТ фаолияти унинг томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилиги бузилган тақдирда суд томонидан тўхтатилади.

ННТ томонидан ННТ тўғрисидаги қонунчилик бузилгани ёки Низом мақсадларига хилоф иш тутилганида прокуратура органлари ёки адлия органлари мазкур ННТ раҳбар органларига ушбу қонун бузилишларини кўрсатиб, уларни тузатиш муддати белгиланган хат киритади. Қонун бузилишлари белгиланган муддатда тузатилмаса, ННТ фаолияти прокуратура ва адлия органлари ёзма аризаси асосида суд қарори билан олти ойгача тўхтатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этилганида ННТ фаолияти тўхтатилиши тартиби қонунчилик асосида белгиланади.

Афсуски, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фавқулодда ҳолат жорий этилганида ННТ фаолияти тўхтатилишининг аниқ тартиби кўрсатилмаган.

Ёдда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 62-моддасига биноан, жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, фаолиятини таъқиқлаш ёки чеклаш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

8. ННТ фаолиятини тўхтатиш оқибатлари қандай бўлади?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ, ННТ фаолияти суд қарорида белгиланган муддатда тўхтатилса, унинг оммавий ахборот воситалари муассиси сифатидаги ҳуқуқлари ҳам бекор қилиниб, унинг

оммавий тадбирлар ташкил этиши, банк жамғармаларидан фойдаланиши таъқиқланади. Хўжалик фаолияти, меҳнат шартномаси, зарарларни қоплаш, жарималарни тўлаш билан боғлиқ харажатлар бундан мустасно.

Суд ННТ фаолиятини тўхтатиш тўғрисида белгилаган муддат ичида у фаолияти тўхтатилишига асос бўлган қонун бузилишларини тузатса, кўрсатилган муддатдан кейин нодавлат нотижорат ташкилот ўз фаолиятини қайтадан бошлаши мумкин.

9. ННТни қайта ташкил этиш қандай шаклда амалга оширилади?

«ННТ тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига биноан, ННТ унинг юқори органи қарори билан бирлаштириш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб юбориш ва тубдан қайта ташкил этиш асосида қайта ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси ФК 49-моддасига мувофиқ, юридик шахсни қайта ташкил қилиш (бирлаштириш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб юбориш ва тубдан қайта ташкил этиш) унинг муассислари (қатнашчилари) ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига эга ваколатли органи қарори асосида амалга оширилади.

Юридик шахс қонунда белгиланган тарзда таркибидан бир ёки бир неча юридик шахсларни ажратиб ёки бўлиб олиш шаклида қайта ташкил этилиши ваколатли давлат органлари ёки суд қарори асосида амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (қатнашчилари) ваколат берган орган ёки юридик шахс белгиланган муддатда юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таъсис ҳужжатларини тайёрлаб, белгиланган муддатда юридик шахсни қайта ташкил этолмаса, суд тегишли давлат органи даъвоси билан бошқарувчини юридик шахс қилиб белгилайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни амалга оширишни топширади. Бошқарувчи қилиб тайинланган вақтдан бошлаб юридик шахс ишини бошқарувчи ваколати унга ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан чиқади, ажратиш балансини тузади ва уни юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги бошқа таъсис ҳужжатлари билан бирга судга кўриб чиқиш учун топширади. Суд томонидан ушбу ҳужжатларнинг тасдиқланиши янгидан ташкил этилган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтиши учун асос бўлади.

Қонунда юридик шахслар бирлаштириш, қўшиб олиш ёки тубдан қайта ташкил этиш шаклида қайта ташкил қилиниши фақат ваколатли давлат органларининг розилиги асосида амалга оширилиши ҳам кўрсатилган.

Юридик шахс давлат рўйхатидан янгидан ташкил этилган юридик шахс сифатида ўтгач, қайта ташкил этилган юридик шахс саналади. Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилиши бундан мустасно.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида ташкил этилганида ўша юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзув ягона давлат реестрида қайд қилинган вақтдан эътиборан қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Унутмангки, қайта ташкил этилган ННТ Низомини рўйхатга олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

10. Нотижорат ташкилотни тижорат ташкилотига ўтказиш мумкинми?

Ушбу ҳолда бир ёки бир неча юридик шахслар ННТ таркибидан ажралиб чиқиш йўли билан борса бўлади. ННТни тижорат ташкилоти қилиб қайта тузишни фақатгина ННТ тугатилгандан сўнггина амалга оширишингиз мумкин. Бу эса янги тижорат ташкилотини тузиш билан баравардир. ННТ мол-мулки (ана шу мол-мулк асосида тижорат ташкилоти тузилади) билан боғлиқ масалалар ечими мушкулроқ ҳисобланади. Чунки, қонунга мувофиқ, ташкилот тугатилгандан кейин унинг мол-мулки таъсисчиларга эмас, балки Низомда кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

ХУЛОСА

Хурматли ўқувчилар! Эътиборингизга ҳавола қилинаётган нодавлат нотижорат ташкилотларида кўпинча учрайдиган савол-жавоблардан ташкил топган китобча Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари учун Ҳуқуқий Муаммоларни Ўрганиш Маркази (Тошкент ш.) томонидан тайёрланган маълумотнома китоблар туркумидан биридир.

Муаллифлар ушбу китобчани ўқиб чиққан ННТ ходимларининг иш самараси янада ошишига, фаолиятлари давомидаги қоидабузарлик ва камчиликларнинг иложи борича камайишига ва катта ютуқларга эришишларига ишонч билдиришади. Берилган саволлар жавоблари жуда жўн ва лўнда шаклда бўлиб, ҳар қандай қизиқувчи шахсга унинг мазмунини англашда ёрдам беради.

Аммо турли хил қўшимча саволларга жавоб олиш учун бизнинг веб-сайтимизга кириб, қизиққан саволингизни аниқлаб, билиб олшингизни ёки ваколатга эга тегишли давлат органига мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз.

Шунингдек, муаллифлар ўқувчиларга Ҳуқуқий Муаммоларни Ўрганиш Маркази ННТни ташкил этиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ масалалар юзасидан бепул маслаҳат хизматлари кўрсатишини эслатиб ўтадилар.

Сайтимиз меҳмони бўлинг: [//www/lprc.uz//](http://www/lprc.uz//)

Таржимон: Гавҳар Норматова
Масъул муҳаррир: Нодир Норматов
Муҳаррир: Зухра Ҳамдамова
Мусахҳиҳа: Бинафша Нодир

Қонунлар рўйхати:

1. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти БХМС № 1, Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 14.08.1998 й. № 474, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 26.07.1998 й. № 17-17/86.

2. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 21-сон БХМС Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 23.10.2002 й. № 1181, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 09.09.2002 й. № 103.

3. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 4-сонли БХМС Товар-моддий захиралар (янги таҳрирда)», ЎзР Молия вазирининг 15.06.2006 й.даги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган, ЎзР АВ томонидан 17.07.2006 й.да 1595-сон билан рўйхатга олинган.

4. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Асосий воситалар» (5-СОН БХМС)», ЎзР АВ томонидан 20.01.2004 й. 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган Молия вазирининг 09.10.2003 й. 114-сон буйруғи билан тасдиқланган.

5. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган.

6. «Банкротлик тўғрисида (янги таҳрири)», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 05.05.1994 й. № 1054-ХП.

7. «Ҳомийлик тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 02.05.2007 й. № ЎРҚ-96.

8. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси қонуни 30.08.1996 й. № 279-І.

9. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида Низом», ЎзР Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон Қарорига илова.

10. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 03.01.2007 й. № ЎРҚ-76.

11. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 07.01.2008 й. № ЎРҚ-139.

12. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 25.05.2000 й. № 69-ІІ.

13. «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 19.01.1998 й. № 31.

14. «Юридик шахслар бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори билан тасдиқланган.

15. «Кооперация тўғрисида (ЎЗР 28.12.1993 й. 1008-ХП-сон Қонуни таҳриридаги номланиш)», Ўзбекистон Республикаси қонуни 14.06.1991 й. № 295-ХП.

16. «Лотереялар ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 314-сон қарорига илова.

17. «Ноширлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги 275-сон қарорига 1-илова.

18. «Мурувват ёрдамидан ва бегараз техник кўмакдан мақсадли фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 26.07.2002 й. № 268.

19. «Халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотларидан ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан олинadиган техник кўмак, грантлар ва мурувват ёрдами молиявий маблағларини ҳисобга олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 04.02.2004 й. № 56.

20. «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати кенгашининг қўшма қарори 03.07.2008 й.

21. «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 20.09.2006 й. № ЎРҚ-53.

22. «Тошкент шаҳридаги давлат ва коммунал мулкка тегишли нотурар жой биноларига қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам миқдордаги таянч ставкалари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари тошкент шаҳар кенгашининг қарори 26.12.2008 й. № 161/3-18.

23. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган нафақа таъминоти тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 02.12.2004 й. № 702-П.

24. «О независимой экспертной группе по качественному отбору проектов негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества» – Положение «О независимой экспертной группе по качественному отбору проектов негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества» Приложение № 2 к протоколу заседания Парламентской комиссии от 2 октября 2008 года.

25. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 14.04.1999 й. № 763-І.

26. «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомати ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом», Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 мартдаги 37, 2004-26, 20/1-сонли қарори билан тасдиқланган.

27. «О порядке государственной регистрации зданий и сооружений» – Инструкция «О порядке государственной регистрации зданий и сооружений» утверждено МКО № 04-0183, ГКАС, ММИС и ГКУГИПП, зарегистрирована МЮ РУз от 07.01.1998 г. № 387.

28. «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 27.04.2007 й. № ПК-630.

29. «Кўп квартирали уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 22-сон қарорига 2-илова.

30. «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низом», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 17 февралда 1906-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2009 йил 5 февралдаги 16, 2009-8-сон қарори билан тасдиқланган.

31. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 31 январда 1446-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 январдаги 3, 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган.

32. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова.

33. «Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг қўлланиш тартиби тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 17.11.1999 й. № 502.

34. «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом», ЎЗР АВ томонидан 17.07.2006 й.да 1594-сон билан рўйхатга олинган МВнинг 20.06.2006 й.даги 54-сон ва ДСҚнинг 2006-28-сон Қарори билан тасдиқланган.

35. «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида Низом», ЎЗР Макроиктисодстат вазирлиги 4-сон, МВ 129-сон ва ДСҚнинг 2002-86-сон 29.10.2002 й. қарори билан тасдиқланган, ЎЗР АВ томонидан 04.12.2002 й. 1192-сон билан рўйхатга олинган.

36. «О порядке проведения конкурса и отбора проектов ННО Узбекистана» – Положение «О порядке проведения конкурса и отбора проектов негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества Узбекистана» Приложение № 3 к протоколу заседания Парламентской комиссии от 2 октября 2008 года.

37. «О порядке распределения социальных заказов среди ННО» – Положение «О порядке распределения социальных заказов среди негосударственных некоммерческих организаций (ННО) и других институтов гражданского общества» Приложение № 3 к протоколу заседания Парламентской комиссии от 3 декабря 2008 г.

38. «Жамоат бирлашмалари рамзларини рўйхатга олиш тартиби ҳақида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган.

39. «Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида Низом (Янги таҳрирда)», ЎзР Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон Буйруғи билан тасдиқланган.

40. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорига 1-илова.

41. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқнома», Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 24 июлдаги 83-сон ва 7/12-сонли қарори билан тасдиқланган.

42. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири)», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 26.12.1997 й. № 541-I.

43. «Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 24.11.2008 й. № ПҚ-1005.

44. «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 07.07.2004 й. № ПФ-3453.

45. «Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низом», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 03.07.2000 й. № 942, Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган 15.06.2000 й. № 47.

46. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», Ўзбекистон республикасининг қонуни 12.04.2006 й. № ЎРҚ-20.

47. «О физической культуре и спорте» – Закон РУз «О физической культуре и спорте (Новая редакция)», от 14.01.1992 г. №513-XII.

48. «Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига 2-илова.

49. «Адвокатура тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 27.12.1996 й. № 349-I.

50. «Аудиторлик фаолияти тўғрисида (янги таҳрири)», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 09.12.1992 й. № 734-XII.

51. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисида Низом», Қўшма қарорга 1-илова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси кенгашининг 10.07.2008 й. № 843-I, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенати кенгашининг 10.07.2008 й. № 515-I.

52. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 15.02.1991 й. № 223-XII.

53. «Жамоат фондлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 29.08.2003 й. № 527-II.

54. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида (янги таҳрири)», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 24.04.1997 й. № 392-I.

55. «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикасининг қонуни 26.12.1997 й. № 545-I.

56. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 11.07.2002 й. № ПФ-3105.

57. «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 08.08.1996 й. № ПФ-1503.

58. «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 12.03.1993 й. № 132.

59. «Жамоат бирлашмалари раҳбарларини рўйхатга олиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш ва уларни рўйхатга олганлик учун йиғимларни ундириш тартиби ва миқдорлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 12.03.1993 й. № 133.

60. «2009 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида қарори», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 13.12.2008 й. № 1880, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 10.11.2008 й. № 4.

61. «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида бўйруғи», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 24.01.2003 й. № 1209, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирининг 27.02.2002 й. № 140.

62. «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон Қарорига 1-илова.

63. «Перечень приложений» – Перечень приложений к Постановлению Государственного комитета по статистике от 10.11.2008 г. № 4, зарегистрированный Министерством Юстиции РУ от 13.12.2008 г. № 1880.

64. «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом», Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарорига 1-илова.

65. «Норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларини ваколатли банклар томонидан юритилиш тартиби», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 22.10.1998 й. № 510, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган 05.10.1998 й. № 231.

66. «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартиби», Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 1-илова.

67. «Порядок выдачи заключений по грантам» – «Порядок выдачи заключений по денежным средствам и оборудованию, завозимым из-за рубежа в рамках грантов международных и зарубежных организаций и фондов и международных соглашений по научно-техническому сотрудничеству» утвержден ГКНТ РУз от 15.04.1998 г., МФ РУз от 16.04.1998 г. № 3А, ГНК РУз от 30.04.1998 г., ГТК РУз от 27.03.1998 г, Зарегистрирован Министерством Юстиции РУз от 18.05.1998 г. № 438.

68. «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби», Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига 3-илова.

69. «Порядок выплаты пенсий работающим пенсионерам» – «Порядок выплаты пенсий работающим пенсионерам» зарегистрирован МЮ РУз от 20.12.1995 г. № 198.

70. «Порядок распределения средств Общественного Фонда по поддержке ННО» – «Порядок распределения средств Общественного Фонда по поддержке негосударственных некоммерческих организаций и других институтов гражданского общества Узбекистана при Олий Маждлисе Республики Узбекистан» Приложение к Протоколу заседания Парламентской комиссии № 1 от 11.07.2008 г.

71. «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган 17.12.1998 й. № 565, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган 24.01.1998 й. 376-сон (1/16-сон баённома).

72. «Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари олувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йил 2 февралда 1892-сон билан рўйхатга олинган Молия Вазирлиги, Марказий Банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташкилот иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва Савдо Вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭҒ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарорига 3-илова.

73. «Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар», ЎЗР АВ томонидан 24.01.2003 й. 1209-сон билан рўйхатга олинган ЎЗР Молия Вазирининг 27.12.2002 й. 140-сон буйруғига 7-илова.

74. «Ўзбекистон республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидалари», Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлигида 2009 йил 30 майда 1960-сон билан рўйхатга олинган Молия Вазирининг 2009 йил 30 апрелдаги 47-сонли буйруғига илова.

75. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи жамоат бирлашмаларининг Низомини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидалари», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 мартдаги 132-сон қарори билан тасдиқланган.

76. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси», Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 29.08.1996 й. 257-I-сон қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган.

77. «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой Кодекси», 1998 йил 24 декабрдаги 713-I-сон Қонун билан тасдиқланган 1998 йил 24 декабрдаги 714-I-сон Қарори билан 1999 йил 1 апрелдан амалга киритилган.

78. «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси», Ўзбекистон Республикасининг 22.09.1994 й. 2015-XII-сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган 01.04.1995 йилдан кучга киритилган.

79. «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси», 1992 йил 8 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўн иккинчи чакириғида қабул қилинган, Мазкур Конституциянинг матни ЎзР Олий Мажлисининг 24.04.2003 й. 470а-II-сон Қарорига мувофиқ амалга киритилган.

80. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси», ЎзР 25.12.2007 й. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган.

81. «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси», Ўзбекистон Республикаси 21.12.1995 й. 161-I-сон Қонуни билан тасдиқланган 01.04.1996 й. дан кучга кирган.

82. «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик Процессуал Кодекси», ЎзР 1997 йил 30 августдаги 478-I-сон Қонуни билан тасдиқланган ЎзР ОМ 1997 йил 30 августдаги 479-I-сон Қарорига мувофиқ 01.01.1998 йилдан амалга киритилган.

ЦЕНТР ИЗУЧЕНИЯ ПРАВОВЫХ ПРОБЛЕМ

**ВОПРОСЫ И ОТВЕТЫ
ПО РЕГИСТРАЦИИ И ОРГАНИЗАЦИИ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ
НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ
В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**
(практическое пособие)

Ташкент – 2009
Издательство журнала «Санъат»

УДК 061.2(575.1)

Авторы:

Усманов Г. И., Асъянов Ш. М

Рецензент: Корсун Г. В.

**Вопросы и ответы по регистрации и организации
деятельности негосударственных некоммерческих организаций
в Республике Узбекистан (практическое пособие)/ Авторы:**

Г.И.Усманов Ш. М. Асъянов; Центр изучения правовых проблем, 2009. 248 с.
– на узб. и рус. языках.

Редактор издательства: Нодир Норматов

Издание представляет собой практическое пособие, которое раскрывает вопросы создания, государственной регистрации, порядка финансирования и налогообложения, другие аспекты деятельности негосударственных некоммерческих организаций в соответствии с законодательством Республики Узбекистан в вопросах и ответах. Издание адресовано широкому кругу читателей, а также инициативным группам, руководителям, сотрудникам, спонсорам негосударственных некоммерческих организаций.

УДК 061.2(575.1)

Все права защищены. При перепечатке ссылка обязательна.
Распространяется бесплатно

ISBN 978-9943-322-79-0

© Центр изучения правовых
проблем (г. Ташкент).

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	142
---------------------------	-----

Глава I. Понятие негосударственных некоммерческих организаций (ННО)

1. Понятие негосударственной некоммерческой организации? Какие еще есть тождественные понятия?	144
2. Какие еще виды некоммерческих организаций определены законодательством Узбекистана?	144
3. Каковы цели негосударственной некоммерческой организации?	145
4. Является ли ННО юридическим лицом? Если да, то какой у них статус?	146
5. Применяются ли нормы международного права относительно ННО созданных и зарегистрированных в Узбекистане?	146
6. Подчиняются ли ННО государственным органам?	146

Глава II. Вопросы создания ННО. Организационно-правовые формы ННО. Вопросы по государственной регистрации ННО

1. Предусмотрено ли в законодательстве Республике Узбекистан создание или деятельность ННО без государственной регистрации?	148
2. Какие ННО нельзя создавать и регистрировать?	148
3. Являются ли одинаковыми условия регистрации коммерческих и некоммерческих организаций?	149
4. В какой организационно-правовой форме может быть создана ННО?	149
5. Мы хотим создать какую-нибудь общественную организацию для более эффективного развития детского спорта в Республике Узбекистан. Какую организационно-правовую форму нам выбрать?	150
6. Какая форма ННО предпочтительнее, с наличием фиксированного членства или без него?	150
7. Какие ННО считаются благотворительными? Как они создаются?	150
8. Как выбрать правильное название для ННО, есть ли какие-либо специальные требования к наименованию ННО?	150
9. Нужно ли для ННО регистрировать фирменное наименование?	151
10. Может ли ННО иметь свою символику и эмблему? И надо ли ее где-нибудь регистрировать?	151

11. Каков процесс регистрации символики ННО?	151
12. Кто может быть учредителем негосударственной некоммерческой организации?	152
13. Могут ли молодые ребята (16-17 лет) создать свое молодежное ННО?	153
14. Необходимо ли указывать в официальных документах на членство или участие в деятельности той или иной ННО? . . .	153
15. Есть ли определенные формы решения собственника о создании ННО?	153
16. На какой срок создается негосударственная некоммерческая организация?	153
17. Как правильно сформировать органы управления ННО? Как лучше сделать должность руководителя выборной или назначаемой?	153
18. Как нужно правильно провести собрание учредителей ННО?	154
19. Какие вопросы следует обязательно включить в протокол учредительного собрания общественного объединения? . . .	154
20. Какие документы необходимы для регистрации ННО?	155
21. Какие документы необходимы для регистрации общественного фонда?	155
22. Какие документы необходимы для регистрации ассоциации ННО?	156
23. Какие документы необходимы для регистрации международных и иностранных ННО в Узбекистане?	156
24. Какие документы необходимы для регистрации общественного объединения?	157
25. Существует ли типовый устав ННО, и можете ли Вы помочь в его составлении в процессе государственной регистрации? . .	158
26. Какие основные вопросы должны определяться уставом ННО?	158
27. Какая информация должна быть указано в уставе общественного объединения?	159
28. Какая информация должна быть указано в уставе общественного фонда?	159
29. Насколько подробно должна указываться требуемая информация в уставе ННО? К примеру, цели деятельности ННО? . .	159
30. Может ли ННО заниматься коммерческой деятельностью? Насколько подробно в Уставе должна указываться предпринимательская деятельность, которой вправе заниматься ННО?	160
31. Что понимается под источниками формирования денежных средств и иного имущества ННО? Мы должны указать какую-либо конкретную сумму при регистрации ННО или создать уставной капитал ННО?	160

32. Что должно быть в учредительном договоре ассоциации ННО?	161
33. Если в уставе организации указан регион деятельности «Ташкентская область», означает ли это, что организация не может устраивать свои мероприятия, к примеру, в Ферганской области?	161
34. Может ли ННО создавать свои филиалы и представительства в других городах Узбекистан или, к примеру, в Казахстане, если она немеждународная и нереспубликанская? Будут ли они самостоятельными юридическими лицами? . . .	161
35. Как назначается руководитель филиала?	162
36. Нужно ли указывать местонахождение филиалов общественного объединения?	162
37. Сколько нужно заплатить за регистрацию ННО?	162
38. В течение, какого срока после проведения учредительного собрания и принятия устава необходимо подать документы в орган юстиции для государственной регистрации общественного объединения?	163
39. Каков срок принятия решения о государственной регистрации ННО?	163
40. В каких случаях может быть отказано в государственной регистрации ННО?	164
41. Какой порядок предоставления замечаний по учредительным документам ННО со стороны регистрирующего органа? . . .	165
42. Могут ли быть обжалованы отказ в регистрации и нарушение сроков регистрации ННО? И куда нужно обращаться? . . .	165
43. Предусмотрены ли льготы для различных форм ННО при регистрации?	165
44. Имеем ли мы право зарегистрировать ННО, на определенный юридический адрес, если по этому адресу уже зарегистрирована другая организация?	166
45. Какие адреса следует указать при регистрации общественного объединения?	166
46. Деятельность нашего ННО была прекращена на основании решения суда. Мы устранили все недостатки и хотим зарегистрировать нашу организацию еще раз. Можем ли мы это сделать?	166
47. Мы являемся работниками юридической службы государственного органа. Можем ли мы создать свое общественное объединение?	166
48. Мы создали ННО и находимся в стадии государственной регистрации. Имеем ли мы право получать благотворительную или спонсорскую помощь от юридических или физических лиц на выполнение различных проектов?	166

49. Мы хотели зарегистрировать ННО в виде общественного объединения, но нам отказали в связи с тем, что сфера деятельности, которой мы собирались заниматься, уже охвачена государственными органами, поэтому нет смысла нам открываться. Правильно ли поступили органы юстиции? . . . 167
50. Какие права и обязанности получает ННО после своего создания? . . . 167

Глава III Вопросы хозяйственной и экономической деятельности ННО

1. Не противоречит ли законодательству, то, что многие ННО занимаются предпринимательской деятельностью и что понимается под предпринимательской деятельностью? . . . 169
2. На что может расходоваться прибыль, полученная ННО от предпринимательской деятельности, и существуют ли какие-нибудь ограничения по сумме расходов? . . . 169
3. Должны ли ННО иметь уставный фонд или какие-либо средства, подтверждающие их платежеспособность, чтобы заниматься предпринимательской деятельностью? . . . 170
4. Должны ли ННО платить налоги и есть ли у них какие-нибудь льготы? . . . 170
5. Помимо налогов, какие другие обязательные платежи должны уплачивать ННО и есть ли у них по ним льготы? . . . 171
6. Каким образом ННО может заниматься предпринимательской деятельностью? . . . 172
7. Может ли ННО стать банкротом? . . . 172
8. Существуют ли какие-либо специальные правила регистрации дочерних коммерческих структур для ННО? . . . 173
9. Может ли ННО участвовать в создании коммерческого юридического лица совместно с другими коммерческими организациями? . . . 173
10. Наше ННО имеет дочернее предприятие, оказывающее услуги населению. И для осуществления уставной деятельности ННО дочернее предприятие перечисляет 90% прибыли нам. Должно ли оно платить налог на прибыль? . . . 173
11. У нашего ННО есть в собственности малое коммерческое предприятие, которое проводит обучение на компьютере и оказывает другие подобные услуги. Предусмотрены ли какие-нибудь льготы по налогообложению? . . . 174
12. Если ННО хочет заняться предпринимательской деятельностью, для финансовой поддержки своей уставной деятельности, не создавая дочернее предприятие, нужно ли где-нибудь регистрироваться и получать какое-нибудь разрешение? . . . 174

13. Может ли ННО организовать благотворительную лотерею?	174
14. Может ли наше ННО заниматься деятельностью по микрокредитованию, если эта деятельность предусмотрена уставом?	174
15. Наше ННО чтобы улучшить финансовое положение, решило организовать платные семинары. Какие налоги нам следует платить по данной деятельности?	175
16. Может ли ННО перейти на уплату единого налогового платежа?	175
17. Есть ли какие-нибудь специальные льготы для ННО занимающихся предпринимательской деятельностью?	175
